


83,3(593)

Д28

Шоислом Шомухамедов

ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА



FF000008753

ДАҲОЛАРНИ
ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАТГАН
АЛЛОМА

5.31.293

2


**ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ –
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА**



**ДАҲОЛАРНИ
ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАТГАН
АЛЛОМА**



Нашр учун масъул : **Минҳожиддин ҲАЙДАР**



У-6998

**«Chashma Print» наشريёти
Тошкент – 2009**

7-127

Уруш аждарининг ўтли комидан ярадор бўлса-да омон чиққан навқирон Шоислом «ёнга қолган жон» боис илм олишга киришди. Бу йўлда қийинчиликларни Сабот-Бардош ила енгди, Илмий иш, таржима ва бадиий ижод билан шуғулланди.

Заҳматлар боис Устоз унвон, лавозим ва мукофотлар билан тақдирланди. «Шам сўниш олдидан порлаб ёниб, сўнг ўчади» деганларидек, Устоз ҳаётининг интиҳосидан бироз аввал, ўзгаларга ибрат бўларли улуғ савобга қўл урдилар, яъни, бор бисотини: илмий ишлар, таржималар, бадиий асарлар ва тўплаган нодир китобларини Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига тортиқ қилдилар. Илмий жамоатчилик эса, институтда «**Профессор Шоислом Шомуҳамедов кутубхонаси**»-ни ташкил этдилар. Бу қутлуғ даргоҳ – изланганга ҳам Сабоқ, ҳам Сабот бахш этмоқда

Ушбу мажмуа – Устоз ҳақида замондошларининг тирик хотираларидир.

Тузувчилар: **Минҳожиддин ҲАЙДАР,**
Алишер ШОМУҲАМЕДОВ

ISBN-978-9943-350-20-5

© Оригинал- макет «Минҳож» ЖСН, 2009.
© МЧЖ «Chashma Print» нашриёти, 2009.

ОЛИМНИНГ СУВРАТИ ВА СИЙРАТИ

Одамки бор, унинг суврати сийрати учун ниқоб вазифасини ўтайди. Одамки бор, унинг суврати ва сийрати бир-бирига монанд, улар ўртасида ажиб бир уйғунлик бор. Бундай одамларни нуроний одамлар деб айтишади уларнинг чеҳрасидан нур ёғилиб турганга ўхшайди. Бу нур бир қарашда дабдурустдан кўзга ташланмайдиган, лекин одамнинг бутун хулқи-атворида, хатти-ҳаракатида, гап-сўзларида сезилиб турадиган фазилятлар нури.

Бу гал шундай инсонлардан бири тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Яқинда Шарқнинг буюк мутафаккир шоири Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий» деган ажойиб китоби ўзбек тилида босмадан чиқди. Назаримда бу китобнинг чоп этилиши сўнгги йиллардаги адабий-маданий ҳаётимиздаги катта воқеалардан бири эди.

Шундоқ экан, «Жаҳон адабиёти» журналида бу китобга батафсил тақриз бериш керак. Хўш, ким ёзади бу тақризни? Халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган доно гап бор. Ўйлай-ўйлай кўп йиллик қадрдон дўстим Шоислом Шомухамедовга қўнғироқ қилдим. У китоб чиққанини эшитган экан-у, ҳали қўлига олиб кўриб чиқмаган экан. У «авваль китобни ўқиб чиқиб, кейин узул-кесил жавоб беришини» айтди. Мен тақриз ёзилишига комил ишонч билан кунларни сапай бошладим. Ниҳоят, бир-икки ҳафта ўтгач, телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим.

Озоджон, китобни топиб ўқиб чиқдим. Бениҳоя зўр китоб. Дини исломнинг моҳиятини билимоқчи бўлган одам, албатта, уни ўқиб чиқмоғи керак. Журналингизда китобга тақриз ҳам бериш керак, албатта, фақат...

«Фақат»ни эшитиб, юрагим «шиғ» этиб кетди.

Фақат китоб бошдан оёқ тасаввуф масалаларига бағишланган экан. Биласиз, мен тасаввуф билан махсус шуғулланган эмасман. Бу китобга тақриз ёзишга кучим етмайди!

Ана, холос! Бир кам саксонга кирган, камида эллик йиллик умрини шарқшунослик илмига, форс адабиётини ўрганишга бағишлаган, бу борала 80 дан ортиқ китоб чиқарган, машҳур профессор, филология фанлари доктори, хизмат кўрсатган фан арбоби, халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, ўнлаб шогирдларнинг устози, чинакам аллома одам шундоқ деб ўтирса-я! Бу қандоқ бўлди? Буни нима деб тушунмоқ керак? Шоислом ака қай бир масалаларда билимлари «чалароқ» эканини тан оляптими? Ўзининг ожизлигини эътироф этиптими? Шоислом акани яхши билмаган одам шундай деб ўйлаши мумкин. Ҳолбуки, аҳвол бутунлай аксинча бу жавобда унинг чинакам олимлиги ҳам, мардлиги ҳам акс этган. Фақат ҳақиқий олимгина илм чўққиларига пояма-поя кўтарилиб борар экан, илм уммөнининг ҳақиқатан ҳам ҳудудсиз эканлиги, унинг поёнига етиб бориш амри маҳол эканига амин бўлади. Фақат ҳақиқий олимгина ўзининг билимлари, билиши керак бўлганлари олдида кичик бир зарра эканини англаб етади. Буюк файласуф Суқрот кексайиб қолган кезларида «Шунча йил яшаб мен ҳеч нарса билмаслигимни билдим, холос» деган экан. Яқинда бир журналист Суқротнинг бу гапига танқидий қараш керак деган фикрни айтди. Йўқ, танқидий қарашнинг ҳожати йўқ. Чунки бу ўринда Суқрот ўзининг билимсизлигидан хабар бераётгани йўқ, балки илм дунёсини тўлалигича кўра олгани сабабли ўзининг билганлари заррадек кўринганини айтяпти, холос. Фақат нодон одамгина, фақат илм тоғининг этагига энди қадам қўйган одамгина ўзини ҳамма илми тўлалигича ўрганиб олган олим деб ҳисоблайди. Унинг назарида дунёда у «билмаган, билиб таҳқиқини касб қилмаган илм қолмаган». Ўзида йўқ фазилатни сотиб кун кўришни, мақтанчоқликни, жездан бўлса ҳамки бошида билим тоғи ярқираб туришини яхши кўрадиган одам учун «билмайман» деган сўзни айтиш ҳар нарсадан оғирроқ бир фожеа, чунки бундай деса унинг миси чиқиб қолади. Ҳақиқий олим учун эса

«биламан» деган сўзни қўллаш қанчалик табиий бўлса, «билмайман» деб айтиш ҳам шунчалик табиийдир.

Менинг Шоислом Шомуҳамедов билан яқиндан танишувим 1957 йилда содир бўлди. Шу йили Тошкентда, ҳозир Фафур Фулом номи билан аталаётган Адабиёт ва санъат нашриёти ташкил қилинди. Нашриёт директори Насрулло Охундий мени адабиётшунослик бўлимида ишлашга таклиф қилди. Мен билан бирга шарқ бўлимида ишлаш учун Шоислом Шомуҳамедов ҳам таклиф қилинган экан. Биз қисқа муддатда жуда иноқлашиб кетдик. Шоислом ака мендан саккиз ёш катта эди у урушга бориб келган, кейин университетда ўқиган, бир неча йил амалий ишларда ишлаб дурустгина тажриба ортирган эди. У ҳам мен каби аввал нашриётларда ишлаб кўрмаган бўлса-да, адабиётни яхши кўргани ва яхши билгани учун, ақл-заковати ва идроки юқори бўлгани сабабли биринчи кунлардан бошлабоқ бутун умри нашриётда ўтган одамдек ишга киришиб кетди. Унинг ишчанлиги, қаловини топиб қорни ҳам ёндира олиши, ҳамиша бир-биридан яхши ва самарали режаларга, ниятларга тўлиб-тошиш хориши янги нашриётнинг кўпчилики ходимларига ибрат бўлди. Гап шундаки, Шоислом ака ишга келганида кенггина хонада битта ёзув столи-ю, уч-тўртта стул билан кичик муҳаррирдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бу бўлимда ҳали биронта китоб чиқарилмаганидан ташқари, захирасида биронта асарнинг қўлёзмаси ҳам йўқ эди. Бинобарин, нашриётнинг шарқ адабиёти бўлимини том маънода йўқдан бор қилмоқ керак эди. Бунинг устига, ҳали йўқ қўлёзмалардан бир йил ичида, яъни 1958 йил мобайнида йигирматача китоб нашр этмоқ зарур эди. Бу шунчаки оддий кундалик вазифа эмас, бажармаса бўлмайдиган, жуда катта маданий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган Давлат топшириғи эди. Гап шундаки, 1958 йилда Тошкент Осие Давлатлари ёзувчиларининг Биринчи конференциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган ва ўша кезларда ҳамма ижодий уюшмаларнинг ва бир қатор вазирликлар ҳамда давлат қўмиталарининг ҳамма фаолияти шу Конференцияга тайёргарлик ишларига сафарбар қилинган эди. Шоислом аканинг ишчанлиги, ташкилотчилик қобилияти, масъулият туйғусининг ўткирлиги худди шу давр-

да яққол кўринди. Нашриётда араб, форс, ҳинди, турк, хитой, япон, Африка адабиётлари билан шуғулланадиган мутахассислар йўқ эди. Шоислом ака нафақат нашр қилинадиган асарлар режасини тузиб чиқди, балки бу нашрларни амалга оширадиган таржимонлар ҳамда муҳаррирлар жамоасини ҳам барпо этди. У ҳақиқатан ҳам одамларни яхши билар, ким қандай ишга қобилияти борлигидан яхши хабардор эди. У одамларга ишонар эди. Натижада, шарқ бўлими атрофида Фафур Фулом ва Миртемир каби буюк таржимонлар, Чустий ва Муинзода каби форс-тожик адабиётининг билимдонлари, ҳинд-шунос Наби Муҳамедов ва туркшунос Миёд Ҳакимов каби мутахассислар, Рустам Комилов ва Мирзиёд каби тажрибали муҳаррирлар тўпланди. Шоислом ака ҳатто бирон олис жойда адабиётни, тилни биладиган, қўлида қалами бор одамни эшитиб қолса, эринмай ўша жойга қидириб борар ва ўша одамни топиб, ишга олиб келмагунча тинчимас эди. Муртазо Ҳайдаров билан шундай бўлганди. Бу одам бақувватгина журналист бўлиб, Ховос газетасида муҳаррирлик қиларди. Шоислом ака уни шу ишидан бўшаб, Тошкентга келишга ва шарқ бўлимида ишлашга кўндира олди. Муртазо ака бу ерда бир неча йил муваффақият билан меҳнат қилди. Шу аснода бу одам адабиётни яхши биладиган мутахассисгина эмас, одамлар билан тил топишиб кета оладиган дилкаш инсон ҳам экан. Назаримда, бу жамоа аҳил бир оркестр-у, Шоислом ака унинг моҳир дирижёри. Улар меҳнати билан Конференцияга аталган китоблар ўз вақтида нашрдан чиқди – ўзбекларнинг юзи ёруғ бўлди. Африка ва Осиёдан келган шоирлару адиблар ўзбекларнинг лафзли одамлар эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилишди.

Шарқ бўлимининг саъй-ҳаракатлари кейинги йилларда ҳам давом этди. Натижада ўзбек китобхони шарқ халқларининг юзлаб ноёб асарлари билан ўз она тилида танишиш имконига эга бўлдилар. Бу ерда ўша кезларда нашр этилган асарларнинг ҳаммасини тилга олишнинг иложи йўқ, албатта. Лекин баъзи бирларини эсламай ҳам бўл-майди. Масалан, худди шу йилларда шарқнинг бутун дунёга донг таратган «Минг бир кеча» (арабчадан «Алиф лайло ва лайло») эртак-

лари саккиз жилдда босилди, буюк ҳинд адиби, ўз маҳорати билан Чўлпонни қойил қолдирган Рабиндранат Тоҳурнинг етти томлик куллиёти чоп этилди. 200 жилдлик «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» деб аталган машҳур серияда ижодига алоҳида жилд бағишланган – Абулқосим Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома»си уч жилдда ўзбек китобхонига тақдим этилди. Бу китобларнинг барчаси жуда кўплаб нусхаларда босилганига қарамай, тезда қўлма-қўл бўлиб кетганди. Бундай дурдона асарларнинг босиб чиқарилиши, шак-шубҳасиз, ўзбек халқининг бадиий тафаккурини бир баҳя оширадиган, унинг маданий ривожига чуқур из қолдирадиган ҳодисалар сирасига киради.

Шоислом ака нафақат бу ишларга бош-қош бўлди, уларни уюшгирди, балки ўзи ҳам таржимон сифатида шарқ адабиётини тарғиб қилишга анча ҳисса қўшди. Шуниси ҳам борки, у шарқнинг машҳур асарларини нашр эттиришда ҳар гал қандайдир янгиликка интилар, китобларнинг жозибадорлиги юксак бўлишига, китобхон қўлида чўғдай ёниб туришига эришишга ҳаракат қиларди. Мана, буюк шарқ булбули Ҳофизнинг ғазалларини олайлик. Бу китобнинг ўзбек тилида чиқилишининг ўзи-ку ҳар бир ўзбек учун улуғ бир туҳфа. Лекин Шоислом ака бу билан қаноатланмайди. У китобнинг бир бетида ғазалнинг ўзбекча таржимасини беради-да, иккинчи бетида унинг форсча матнини арабча ҳуснихатда беради. Тиши ўтадиган одам таржимани аслият билан таққослаб, керакли хулосани чиқариб олаверади. Ёки Умар Хайём рубойларини олайлик. Аввало айтмоқ керакки, ўзбеклар илгари ҳам бу шоир рубойларини дил-дилдан севиб ўқишган. Тўғри, урушдан аввалги йилларда унинг рубойлари жуда кам миқдорда таржима қилиниб, «Гулистон» журналида эълон қилинганди. Мухлислар уларни чинакам шеърят дурдоналари деб қабул қилишган ва янги таржималарни муштоқлик билан кутишарди. Шоислом ака дадиллик бидан Хайём рубойларини таржима қилишга киришди; сўнг уларни бир неча марта нашр қилдирди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, лекин уларнинг умумий тиражи миллион нусхадан ҳам ошиб кетган бўлиши керак. Шу нашрларда ҳам ўзбекча таржима, ҳам русча таржима, ҳам арабча ҳуснихатда ёзилган форсча асл матн берилган. Бу ки-

тобларнинг ҳаммаси бугун топиб бўлмайдиган нодир на-
шрларга айланган.

Бу гапларни ўқиган одам «ҳа, нима бўпти? Авжи ишлай-
диган навқирон пайти, ғайрати мўл. Ишласа ишлапти-да» деб
қўяқолиши мумкин. Лекин бунақа лоқайдгина қўл силташга
шошилманг, дўстим. Гап шундаки, Шоислом ака шу йиллар
мобайнида узлуксиз равишда дорилфунунда дарс беришда ҳам
давом этган, шогирд аспирантларга раҳбарлик қилган, ўзи
номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган,
замонавий ва мумтоз Эрон адабиёти тўғрисида ўнлаб йирик-
йирик тадқиқотлар, монографиялар эълон қилган, кўплаб хал-
қаро илмий конференциялар ва симпозиумларда маърузалар
билан қатнашган. Яна булардан орттириб, оиласида яхши эр
ва яхши ота сифатида раҳнамолик қилган, қанча-қанча дўст-
лари билан қалин муносабатларини бирор кун ҳам сусайтир-
ган эмас. Нима, унинг жони мингтамиди? У ҳам умрининг яр-
мини сайру сафоларда, роҳату фароғатда ўтказса бўлмасми-
ди? Мен замондошларимиздан анча-мунчасини биламан. Улар-
нинг орасида ёшлари ҳам етарли. Жонини койитишни исташ-
майди, қўлини совуқ сувга ургилари келмайди...

Мен ҳайрон қоламан, тушунолмаб хуноб бўламан – биро-
дар, ахир, азиз умрининг, ҳар дақиқаси олтиндан қиммат
умрининг кунлари, ойлари, йиллари беҳуда ўтяпти-ку? Улар-
дан ҳеч қанақа из қолмаяпти-ку?

Шу беҳуда ўтган кунинг ўзингга нима берди? Фикрларин-
гга янги фикр қўшилдими? Ҳисларинг жиндай бўлса-да бойи-
дими? Билиминг уфқлари кенгайдими?

Пулингни беҳуда совурсанг ёки йўқотиб қўйсанг алам
қилади, лекин пул топиладиган нарса, аммо умр-чи? Ахир
шоир айтганидек умрининг ҳар дақиқаси, ҳар сониясини шоҳ
сатрлар-ла безаш зиммангдаги энг олижаноб, энг муқаддас
вазифанг эмасми?..

Гап айланиб, яна масъулият масаласига келиб тақал-япти.
Шоислом ака умрини фақат ўйин-кулгига, фақат кайфу са-
фога бағишлаёлмас эди. У ўзини катта ҳарф билан бошлана-
диган «Инсон» деб биларди ва инсонлиги учун зиммасига улуғ
масъулият юкланганини ҳис қиларди. Билмадим, бу туйғу Шо-

ислом акада қачон пайдо бўлган: болалик йилларидами ёки оловли фронт ҳандақларида жон олиб-жон бериб душман билан олишиб юрган кезларидами? Бу туйғу қалбига: китоблардан ўтганми ёхуд ота-оналарининг насиҳатидан, устозларининг тарбиясидан сингганми? Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам унда ўзининг бу дунёдаги ўрни учун, қолдирадиган изи учун масъулият туйғуси кучли эди ва йиллар ўтган сайин бу туйғу кучайгандан кучайиб борди. Яна бир қизиқ гап бор: биз Шоислом ака билан кўп гурунглашар, ҳар хил масалалар тўғрисида баҳслашар, ҳатто баъзан қизишиб тортишиб ҳам кетардик. Орага ҳар хил масалалар тушарди. Лекин Шоислом аканинг бирор марта ҳам «мен бу ишларни халқ учун, Ватан учун қилипман» деганини эшитган эмасман – у нимаики қилса ҳаммасини бақриб-чақирмай, кўкрагига уриб мақтанмай, ҳеч кимга писанда қилмай бажарарди.

Азим дарёлар шовқин-суронсиз оқади, ҳақиқий олимлар ҳам баландпарвоз гаплардан, карнай-сурнайларнинг ғат-ғутидан узоқроқ юришади. Илмий доираларда баъзан «фалондай китоб яратиш керакмиди» дегандай гап қўзғолиб қолса, айримлар «йўқ, йўқ, бу бир кишининг қўлидан келмайди, буни бутун институтгина бажара олади» дейишади. Бу гапнинг чинлигига ишонадиганлар Шоислом аканинг 60 йил мобайнида қилган ишларини – таржималари, илмий асарлари, бадиий ижоди, муҳаррирлиги, ўқиган маърузалари, илмий ишларга раҳбарлиги – бари-барини сарҳисоб қилиб чиқишса нима дейишар эдийкин?! Ҳа, Шоислом аканинг шу пайтгача ўтган умрининг мазмунини бир сўз билан таърифлаш лозим бўлса бунга «меҳнат ва яна меҳнат» деган сўздан кўра мосроқ ибора топилмаса керак.

Менинг мулоҳазаларимни ўқиб китобхон «Ие, Шоислом аканинг бутун умри меҳнат азобида ўтган бўлса, унчалик ҳам мақтанадиган жойи йўқ экан-да! Ахир, инсон фақат меҳнат қилиш учунгана бу дунёга келмайди-ку!» дея ажабланишлари мумкин. Йўқ, бундай хулоса чиқарилса, Шоислом акани расмият чопонига бурканиб олиб, ҳаётнинг мафтункор жиҳатларидан ташқарида турадиган бир қуруқ одам сифатида тасаввур қилинса тўғри бўлмас эди. Аксинча, у бутун вужуди

билан ҳаётни яхши кўрадиган, унинг рангдор ва гўзал хислатларини нозик ҳис қила оладиган, ҳазил-мутойибани ёқтирадиган, турмушнинг кўпгина икир-чикир муаммоларини қувноқ табассум ва киноя билан енга оладиган, топқирлик ва ақл-заковат билан ўз турмушини жозибаторроқ қила оладиган бир одам. Одамлар одатда тез-тез мураккабликларга учраб турадилар ва уларни енгиб ўтиш чораларини излаш ўрнига тақдирдан ёхуд ўзгалардан шикоят қилишга тушадилар. Шоислом аканинг ҳаёти шундан далолат берадики, одамнинг турмуши, ҳаёт йўли қандай бўлиши биринчи навбатда одамнинг ўзига, унинг ақл-заковатига боғлиқ. Бир-иккита мисол келтираман: Шоислом ака ҳарбий мактабни битириб, кичик командир бўлиб фронтга кетади. Ўшанда у бор-йўғи 20 ёшда бўлган, ҳали тузукроқ тажрибага эга ҳам эмас. Лекин биринчи қадамданоқ взводга командир бўлди, яъни бу взводдаги ўзига ўхшаган ёш жангчиларнинг ҳаёти учун жавобгар.

Аксига олиб, унинг взводига 15–20 чоғлиқ грузинлар тушиб қолган. Уларнинг ҳаммаси қишлоқдан келган, рус тилини чалакам-чатти биладиган йигитлар экан. Уларга бошчилик қилиш учун, биринчи навбатда, уларнинг ишончини, меҳрини қозонмоқ керак. Хўш, қандай қилиб бунга эришиб бўлади? Излаганга омад ёр деган гап бор. Шоислом акага тасодиф ёрдамга келади. У бир вақтлар нима муносабат биландир бир грузинча калимани ёдлаган экан. Бирдан шу калима эсига тушиб қолади: «Бакаки тисқалси ги-ги нотс». Бу – «ботқоқда бақа қуриллайди» деган шунчаки омади бир гап экан. Лекин грузин йигитлар сира кутилмаган бир вазиятда она тилларида янграган иборани ёшгина ўзбек лейтенантининг оғзидан эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолишади. Бир зумда солдатлар билан командир ўртасида инсоний яқинлик пайдо бўлади – тилни яхши билмайдиган йигитлар ҳамма гапни тушуна бошлайди. Иккинчи воқеа бундай бўлган: фашистлар билан жуда қаттиқ жангда Шоислом акага ўқ тегади. Уни госпиталга олиб кетишади. Ўқ елкага теккан бўлиб, қўл осилиб қолгандай аҳволда эди. Врачлар қўлни кесиб ташланга қарор қилишади. Худ-бехуд бўлиб ётган Шоислом ака «ампутация» деган сўзни эшитиб қолади-ю, жон-жаҳди билан «кестирмайман!» деб

жанжал қилади. Буни кўриб, врачлардан бири «ҳа, майли, ёш экан, қўли битиб кетар» дейди ва қўлни кесмайдилар. Дарҳақиқат, ёш организм кучини кўрсатади – бир қанча вақтдан кейин яра битиб кетиб, қўл ёнга қолади. Бу воқеада ҳам Шоислом акага тасодиф ёрдамга келган. Лекин болаликданоқ унинг ҳар нарсага қизиқувчанлиги, ҳар нарсанинг тагига етиб, англаб олишга ундайдиган синчковлиги бўлмаганда тасодиф ҳам ёрдам беролмаган бўларди.

Шоислом ака дўстларни яхши кўрадиган, дўстларга садоқатли инсон. У дўстона гурунглари ёқтиради, дўстликдан манфаат изламайди, у оддий одамлар билан ҳам, замонасининг энг етук алломалари, адибу шуаролари билан ҳам бемаллол тиллаша олади. Унинг қадрдон дўстлари ичида академик Обид Содиқов, академик Саъди Сирожиддинов, адиблардан Одил Ёқубов ва Пиримкул Қодировлар бор эди. Асқад Мухтор ва унинг рафиқаси Роза хоним билан Шоислом ака ва Ҳаёт опалар оилавий борди-келдига эга эди. Шоислом ака жуда дилкаш одам. У дўстларининг кўнглини олишга, меҳрини қозонишга янги-янги имкониятлар ва йўллар қидиради. Унинг Кўкчада тумордеккина ҳовлиси бўлар эди. Ҳовли тор бўлса ҳам, унда ҳамма нарса саришта, жой-жойида эди. Болалар улғайиб, хоналар етишмай қолгач, Шоислом ака бир болхона қурди ва у ерни ўзига «кабинет» қилиб олди. Мен меҳмон бўлиб борганимда шу хонада вақт ўтказар эдик... Чунки бу ерда ҳар хил китоблар, шу жумладан, хорижий шарқ мамлакатларида чиққан бири биридан ноёб ажойиб нашрлар бўларди. Шоислом ака, назаримда, Умар Хайёмни бошқача бир меҳр билан суяр ва шунинг учун иш кабинетида бу буюк инсоннинг руҳини барқарор қилишга интиларди. Китоб жовонларида шоирнинг рус, инглиз, француз, эстон, ҳинд, турк, ўзбек ва форс тилларида чиққан китоблари терилиб турарди. Бир куни Шоислом аканикига бориб, кабинетга кўтарилдим. Ёзув столининг ёнида ўртачароқ катталиқда бир хум пайдо бўлипти. Унинг усти сирланмаган, лекин арабча чиройли ёзувда Умар Хайёмнинг бир рубойси ёзиб қўйилипти. Ҳайрон бўлиб, Шоислом акага қарайдим.

– Ота-боболаримиз шунақа хумларда шароб ичишган. Биз ҳам шу удумни қилайлик-да...

Шоислом ака хумнинг олдига бориб, унинг ичига қўлини тикди-да, икки шиша оқ мусаллас олди. Хайём рубойларини ўқий-ўқий мусалласдан нўш қилмоқнинг гашти бошқача бўлар экан. Хуллас, Шоислом ака ана шунақа шинаванда, дилкаш одам.

Ана, кўрдингизми – «Бу тақризни ёзишга кучим етмади» деган ибора менинг бу ажойиб инсон ҳақидаги ўйларим, мулоҳазаларимни уйғотиб юборди. Мен шунча мулоҳазалар оқибатида битта жўнгина хулосага ке-ламан: Шоислом ака бу ҳаётда кўп нарсага эришди – унвонлар, илмий даражалар, мукофотлар, дўсту ёронлар, фарзандлар, невара-чеваралар... Энг муҳими – элнинг ҳурмати, халқнинг ардоғи. Нималарга эришган бўлса ҳаммасини ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-идроки, заковати, тиниб-тинчимаслиги туфайли топди. Албатта, у ҳам ҳаётда мураккабликларга дуч келган, лекин бундай пайтларда нола чекиб, фиғони фалакка етиб, шикоятлар қилмаган, балки тишини тишига қўйиб чора излаган, имкониятлар топган. Шоислом аканинг ҳаёт йўли – «ҳаётдан ғурбат излаган ғурбат топгусидир, ҳаётдан ҳикмат излаган ҳикмат топгусидир» деган доно бир гапнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Менинг мулоҳазаларим билан танишган одам «Вой-бў! Мақтов жуда кўпайиб кетибди-ку!» дейиши мумкин. Худо ҳаққи ишонаверинг – бу гапларимнинг ичида бирорта ҳам ёлғони йўқ, ҳаммаси чин. Мен Шоислом акани мақтамоқчи эмас эдим, лекин шунга қарамай, мақтов бироз ошиб кетган бўлса на чора?! Бунинг унчалик зарари йўқ бўлса керак. Шоислом ака жиндай мақтовга думоғи шишиб кетадиган ёшдан ўтган. У муборак саксон ёшини қораламоқда. Келинг, дўстлар, бу мақолани бизга замондош бўлган буюк бир инсоннинг тўйига аталган арзимас бир тўйхат деб қабул қиларсизлар.

2001 йил



ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

Бир пайтлар Шоислом Шомуҳамедов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Жуманиёз Жабборовлар билан оилавий суҳбат («гап») имиз бўларди. Тажрибали, ишни кўзини биладиган инсон сифатида Шоислом ака бундай суҳбатларимизнинг ташкилотчиси бўлиб, улар жуда сипо, ботартиб, камтар, болалар тарбиясига алоҳида эътиборли, умуман, оилага меҳрибон инсон эдилар.

Суҳбатларимиз асосан, адабиёт тўғрисида борар, бу шажаранинг катта бир шохи бўлмиш шеърят тўғрисида ҳам баҳслар бўларди. Дунё адабиёти устида гап кетганда, албатта, шарқ адабиёти, жумладан, форс шеърятни кўпроқ ўзига тортар эди. Аслида биз маънавий хазина эшигигача борардик. Миртемир домла айтганларидай бизни «эшик оғо» си Шоислом Шомуҳамедов кутиб олиб, Форс шеърятни дурдоналари билан ошно этардилар:

Эй инсон, қўлингда ҳавас тўла жом,
Васвасадан тинмас, дил бесаранжом.
Сен ўша-ўшасан: бешигингда ҳам
Тебраниб турмаса топмасдинг ором...

(Мирза Бедил, 86)

1966 йил апрелида устоз Фафур Фулом раҳбарлигида Шоислом Шомуҳамедов ва мен Душанбега Тожикистон Ёзувчилари съезидга борганмиз: Атоқли ёзувчилар устоз Фафур Фуломни наинки қучоқ очиб, меҳрларини пойандоз қилиб кутиб олдилар. Меҳмонларга Ҳукумат боғидан жой тайёрлашган экан. У ерда Иттифоқдош республикалардан ва Масковдан келган атоқли адиблар, йирик адабиётшунослар жам эдилар. Устоз Фафур Фулом уларнинг деярли ҳаммаси билан дўст ва қадрдон экан. Сафар давомида устоз Фафур Фулом

ва Шоислом ака мумтоз ғазаллардан мисоллар келтириб, суҳбатимизга жаннатий файз киритар, Сўз ва мисралардаги тагдор фикрларнинг мағз-мағзларини чақишар, ҳар икковлари ҳам форс-тожик адабиётининг теран билимдони эканликлари кўриниб турарди.

1958 йили Умар Хайём рубоийларининг Шоислом Шомуҳамедов таржимасида аввал «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилиши – адабий муҳитда катта воқеа бўлди. Айниқса, китоб бўлиб нашр этилган рубоийларни биз ёшлар ҳам чанқоқлик билан ўқидик. Бу рубоийларни ҳар бир хонадон, бутун Ўзбекистон, Марказий Осиё ўқиди:

Улким, бош косасин бино қилибдур,
Косагар санъатин пайдо қилибдур.
Бош косасин вужуд дастурхонига
Тўнтариб: лиқ тўла савдо қилибдур...

Улуғ олим Умар Хайём узоқ ва теран илмий мушоҳада чарчоғини чалғитиш мақсадида, гоҳо шеърини сатрларни қисқа-қисқа қилиб, илмий ишлари ҳошиясига битиб қўя берган. Ана шу қисқа ёзувлар арузий рубоийлар бўлиб, кейинчалик бу рубоийлар дунё қалбини забт этди.

Шоислом Шомуҳамедов бармоқда ўгирган рубоийлар халқ юрагига нақш бўлди. Аслида, бу таржиманинг ютуғи – унинг халқоналигида! Туркий халқлар азалдан бармоқ вазнида «**ир-ирлаб, жир-жирлаб**» келганлар. Демак, бу халқнинг табиати бармоқ вазнига мойил.

Хайём фикрларининг мағзи ўзбекона шеърга кўчди.

Рубоийларнинг таржимаси буюк Фафур Фулом ва устоз Миртемирнинг назарларидан ҳам бир неча бор ўтган. Баъзи жойларига қалам урганлар. Фикр, мазмун, бадий либос – таржимада ўзгарганида эди, бу улуғ алломалар уни таҳрир қилиш тугул, қўл урмаган ва «Қўй, Шоислом, буюк Рухни безовта қилма!» деган бўлардилар...

XX аср 60–70-йиллар таржимачилигида Ш. Шомуҳамедовнинг ва иқтидорли таржимонлар бўлиб етишган бир гу-

руҳ шогирдларининг хизматлари улуғ. Мен ҳам форс-тожик тилидан нимаики таржима қилган бўлсам, Шоислом аканинг даъватлари билан қилганман.

Истеъдодли олим ва таржимоннинг Фирдавсий «Шоҳнома»си устида олиб борган ижодий меҳнати, ташкилий ишлари айниқса таҳсинга лойиқ. Жаҳон шеърятининг дурдонаси, улуғ шоирнинг ўттиз йиллик меҳнати маҳсули бўлган бу улкан адабий ёдгорликни бир неча йил ичида ўзбек китобхонига етказиш учун Шоислом акадек ҳурматли инсоннинг куюнчаклиги керак эди. Домла ўзлари ҳам кечакундуз ишлаб, Миртемир, Ҳамид Фулом, Жуманиёз Жабборовларга ҳам тинчлик бермай қилган саъй-ҳаракатлари натижаси бўлиб, ўзбекнинг уйига ўзбек тилида сўзлаб Фирдавсий кириб борди.

«Шоҳнома» битилган вазн – мутақориб жанговар шиддат баробарида ҳарбий машқлар ўйноқчилиги акс этган вазн. «Садди Искандарий» шу вазнда ёзилган.

Шоислом Шомуҳамедовнинг аруз ва бармоқ вазнларида таржималар қилиб орттирган тажрибаси «Шоҳнома»ни ўгиришда қўл келди. Мутақориб вазнининг ўн бир ҳижоли бармоқ вазнига яқинлигидан фойдаланиб «Шоҳнома» таржимасида шундай йўл танландики, дostonни аруз вазнида ҳам, бармоқ вазнида ҳам ўқиш мумкин. Бу иш билимдонлик баробарида катта маҳоратни ҳам талаб этади.

«Гап» йиғинларимиздан бирида навбат шеър ўқишга келди. Шоислом ака Ҳаётхон кеннойимизга бағишлаган рубойисини ўқиб бердилар:

Бахтиёр десалар арзир отимни,
Келтирайин бунга қўш исботимни:
Кўкракдан ўқ едим, ўлмайн қолдим,
Муҳаббатда топдим чин Ҳаётимни...

Ҳаётхон опа, - деди қарсақлар тингач Жуманиёз Жабборов, - устознинг рубойига меҳр қўйганларига сиз сабаб-

чисиз. Номингиз тўрт ҳарфдан иборат. Ҳар бир ҳарфига бир сатрдан мувашшах ёзиб, ўзбекнинг Умар Хайёми бўлдилар. Шоислом ака ва Ҳаётхон кеннойи тотув турмуш кечирдилар, оилада олим-олима фарзандлар камол топдилар. Домладан илмий монографиялар, бадиий ижод, нодир асарлардан таржималар, кўплаб шогирдлар, энг аввало, яхши ном қолди:

«Бори элға яхшилик қилғилки бундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ...»

Мирзо Бобурнинг бу сатрларини севиб такрорлаган устоз олим ва шоир-таржимоннинг ҳаёт китобига Яхшилик сўзи сарлавҳа бўлғуликдир.



ЗАБАРДАСТ ШАРҚШУНОС

Ижод изчил ва катта меҳнатни талаб қилиши маълум. Айрим бадий асарларни, илмий тадқиқотларни ўқиб, уларнинг замирида салмоқли заҳмат ётганини англаб турсак-да, муайян янгиликни сезаётган бўлсак-да, нималари биландир руҳиятимизга, ҳиссиётимизга етарлича таъсир кўрсата олмаётганини пайқаб қоламиз. Қай бир ўқиганларимиз эса, юрагимизга «жиз» этиб теккандек бўлади.

Бунинг сабаби нимада? Сабаби кўп албатта, бироқ, уларнинг асосийларидан бири: ўқиган асардаги қалбимизни ҳам, онгимизни ҳам тўлқинлантирадиган хусусиятни ташкил этган омил – унинг муаллифидаги катта меҳнатдан ташқари, ладуний истеъдод қирралари, учқунлари бўлса ажаб эмас.

Бу фазилят миқёслари асарнинг таъсир кучини белгилашда муҳим ўрин тутди. Ижодиётнинг барча тур ва шакллари муаллифларида мавжуд бўлиши кутиладиган бу хосият ижодкорга бир варакай ва абадий бериладиган ҳодиса бўлмай, унинг даражаси ҳар бир асарда янгитдан намоён бўлади.

Устозимиз, улкан адабиётшунос олим Шоислом Шомухамедов ҳақида, унинг тадқиқот ва мақолалари ҳақида ўйга толар эканман, шу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Шоислом ака феъл-атвори ва тадқиқотларида ладуний фазилятлар учқун бериб турадиган шахс ва олим эди. Талабалик йилларимизда Шоислом ака элга танилган олим эдилар. Дорилфунуннинг биз ўқиган филология факультети билан Шоислом ака муаллимлик қиладиган шарқшунослик факультети Хадрадаги бир бинода жойлашган эди. Шоислом аканинг Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов сингари ўқитувчиларимиз билан суҳбатлашиб турганларини кўрганимизда, ҳавасимиздан кўзларимизда ўт чақнарди. Уларнинг ҳар бири ёш, келишган, ўттиз-ўттиз беш ёшлар атрофида бўлиб, студентлар даврасида ҳам, муаллимлар гурунгида ҳам ўз иззат-

У-6998

эъгиборларини биладиган, энг асосийси, ҳар бирлари ўз илмининг билимдонлари эдилар.

Мен Ақром Каттабеков, Саттор Махматқулов, Нуъмон Раҳимжонов, Асомиддин Зиямуҳамедов, Эркин Жалолов каби курсдош дўстларим билан бу уч чақмоқдек чақнаган домларимизнинг 60-йиллар аввалида босилиб чиққан китобларини, хусусан, Шоислом аканинг «Форс-тожик адабиёти классиклари» китобини факультет биноси олдидаги елкасига тошмиштиғини қўйиб турган шахтёр ҳайкали ёнида жойлашган газета-журналлар киоскидан сотиб олганмиз.

Шоислом ака Шомуҳамедов ХХ аср иккинчи ярмидаги наинки Ўзбекистон, балки, собиқ Иттифоқ жумҳуриятлари миқёсида ҳам сермаҳсул, ҳам забардаст шарқшунос олимлардан бири эди.

Шоислом акалар ўктам меҳнат қилган даврда шарқшунослик фақат илм бўлибгина қолмай, мафкурага жадал таъсир кўрсатадиган, ўз навбатида, сиёсатдан фаол таъсир оладиган йўналиш эди. Ислом дини билан чамбарчас боғланиб кетган даҳо шоирларнинг ижоди, дунёқараши ҳақида ҳар тарафлама холис фикрларни айгиш у даврларда осон эмас эди. Шоислом Шомуҳамедов каби олимлар авлодига, бу борада осон бўлмаганини тасаввур қилиш мумкин. Лекин, улар ана шундай осон бўлмаган шароитларда ҳам эътиқодфурушлик қилмадилар, олим ва инсон сифатидаги ўз қиёфаларини сақлаб қолабдилар, ўзбек ва жаҳон шарқшунослигини ўзларининг қимматли тадқиқотлари билан бойитдилар.

Ўзбекистонда Фирдавсий, Хайём, Ҳофиз, Саъдий Шерозий каби буюк шоирларнинг таваллуд тўйларини, ҳаёт ва ижодлари билан алоқадор тадбирларни нишонлар эканмиз, улар билан бирга, муайян даражада ва шубҳасиз, Шоислом Шомуҳамедовнинг ҳам ижодий тўйини нишонлагандек бўламиз, уни хотирлаймиз ва эътироф этамиз. Бу улуғ даҳолар ижодини ўрганиш, тарғиб этиш, таржима қилишда Шоислом аканинг хизматлари беқиёс.

Домланинг фаолияти ўзининг сертармоқлиги билан ажралиб туради: таржимон, олим, педагог, шоир, ташкилотчи. У бу йўналишларнинг барчасида пешқадамлардан бири бўлди ва катта ҳурмат орттирди. Биргина Фафур Фуломдек буюк

шоирнинг айрим шарқ мумтоз шоирлари ижодини ўрганиш ва асарларидан намуналар таржима қилишда Шоислом Шомуҳамедовга ёрдам сўраб мурожаат этиши-ю, унинг маслаҳатларига қулоқ осганининг ўзиёқ бу киши ўз соҳасининг нечоғлик билимдони экани ҳақида тасаввур бера олади.

Шоислом ака кўп ҳам шоирликка даъво қилмаган. Лекин, ёзган шеърлари ичида образлардаги янгиликлари, ҳиссий теран ва фалсафий мушоҳадалари билан талабчан шеърхон қалбига титроқ сола биладиганлари оз эмас. Бунга, 20–30 йил аввал чоп этилган тўпламлари ҳам, куни кеча тинчимас ношир ва шоир Минҳожиддин Ҳайдар нашр этган янги тўпламларидаги шеърлар ҳам далил бўла олади.

Шоислом Шомуҳамедов қилган меҳнатлар ичида Умар Хайём рубойлари алоҳида ўрин тутди, албатта. Хайём ўз рубойларининг кўпини махсус, алоҳида дафтар ва, ҳатто, алоҳида саҳифага ҳам ёзмаган экан. Уларнинг кўпи олим Умар Хайём тадқиқотларинини ҳошияларига, илмий изланишлардан толиққан ёхуд бадиият уммонига чўмиш чоғларида битилган экан. Бу рубойларда асардаги ғоя-мазмундан ташқари, инсон Умар Хайём руҳияти, қалби, азобли изланишлар талотумидаги тафаккур дунёси ётади. Шоислом Шомуҳамедов Хайём рубойларидаги ана шу руҳиятни нозик ҳис ва идрок эта билгани учун ҳам таржималари таъсирчан ва муваффақиятли. Шунинг учун ҳам улар оригиналдаги каби аруз эмас, бармоқ вазнида ўгирилган бўлишига қарамай, бамисоли аслиятдагидек таъсир кўрсатади.

Менимча, XX аср иккинчи ярмида ўзбек шеърлятида кўзга ташланган рубой ва тўртликлар такомилида, ҳеч шубҳасиз, Шоислом Шомуҳамедов фаол равишда киритган ўн бир ҳижоли бармоқ вазнининг ўрни каттадир.

Хайём XX асрнинг иккинчи ярмида қатор туркий тилларга ўгирилган экан, бу таржималарнинг аксариятида Ш. Шомуҳамедов ўзбек тилига ўгирган намуналар катта ёрдам берганини кузатиш мумкин. Мутахассислар, ҳатто Хайём рубойларининг XX аср охирларидаги русча таржималарига уларнинг форс тилидаги оригиналидан ташқари, ўзбек тилига қилинган Ш. Шомуҳамедов ўгириклари ҳам муҳим рол ўйнаганини эътироф этадилар.

Шоислом аканинг таржима соҳасидаги тажрибалари шеърят, айниқса, мумтоз шеърят мутаржимлари учун ўртак олса арзигуликдир. У, масалан, Хайём рубойларини бир таржима қилиб қўйдими, бас, шунинг ўзи етади дегувчи, ўз иши билан кибрланиб юргувчи эмас эди. У ўз таржималарини узлуксиз қайта-қайта кўздан кечирар, уларга сайқал берар, янги на-шрларда баъзи таржималарнинг янги намуналарини бергувчи эди. Бу таржималар аввалгисидан ўзининг янада гўзаллиги, тиниқлиги, аслиятга яқинлиги билан ажралиб тургувчи эди.

Масалан, 1958 йилги нашрида Хайём рубойларидан бири қуйидагича ўгирилди:

Бизга гул тегмаса, ўт ҳам етарли,
Нур агар етмаса, ўт ҳам етарли,
Жанда тўн, хонақоҳ, шайхлик бўлмаса,
Қўнғироғ-у черков, бут ҳам етарли.

Тўпламнинг 1991 йилги нашрида шу рубойнинг Шоислом Шомуҳамедов таржимасида қуйидаги янги варианты берилди:

Бизга гул тегмаса, тикон-хор ҳам бас,
Нур етмаса, олов, гулхан-нор ҳам бас,
Жанда тўн, хонақоҳ ё шайх бўлмаса
Қўнғироғу черков ва зуннор ҳам бас.

Шоислом Шомуҳамедов таржимонлик фаолияти шунчаки бўлмай, унинг бу фаолияти замири наинки тадқиқотчилик, балки, айна вақтда матншунослик ва манбаъшунослик йўналишлари билан ҳам боғланиб кетади.

XX аср бошларида Мулло Йўлдош Ҳўқандий Ҳайём рубойларини тошбосмада чиққан Бедил куллиёғи ҳошияларида чоп эттиргани маълум.

Шоислом Шомуҳамедов Хайём рубойларининг ўзбек тилидаги нашрини тайёрлар экан, асос қилиб олинган 1955 йилги Душанбе нашр нусхаси қаторида, аср бошида босмадан чиққан шу нусхадаги асарлар билан ҳам қиёслаб чиқалди.

Шоислом Шомуҳамедов Умар Хайём, Фирдавсий, Ҳофиз

Шерозий, Саъдий Шерозий ва бошқалар ҳақида салмоқли мақола ва тадқиқотлар яратди.

Биз ҳозирги мустақиллик шароитида, тараққиётимизнинг янги босқичларида туриб, мафкура тазйиқлари ва сиёсий ис-канжалар доирасида ижод этган устоз олимларимиз ижодига муносабатда улардаги айрим фикрларнинг юзага келиш сабабларини билмай, аниқламай туриб. Уларга баҳо беришда эҳтиёткор бўлмоғимиз лозим.

Чунончи, Шоислом Шомуҳамедовнинг тадқиқотларида ҳам Умар Хайёмни тасаввуф шоири деб ҳисоблаш нотўғри-дир, у сўфийлик ғояларининг тарафдори бўлган эмас. Дейил-ган фикрларни учратамиз.

Маълумки, шўро даврида тасаввуф ҳам, тасаввуф ғояла-ри ҳам марксча-ленинча ғояларга тамомила ёт таълимот, шўровий мафкурага зид фалсафа йўналишлари сифатида қаралар эди.

Шундай экан, тасаввуфий ғояларни тараннум этувчи шоир ҳам нечоғлик буюк бўлмасин, шўро тузуми ва унинг китобхо-ни учун зарарли деб қаралиши табиий ҳол эди. Шоислом Шомуҳамедов сингари олимларимиз Умар Хайёмдек мумтоз шоирлар ижодидан халқимиз бебаҳра қолишлари мумкинли-гининг олдини олиш мақсадида, китобхонларимизни жаҳон адабиётининг бундай даҳолари асарларидан ажраб қолмаслик-лари учун ана шундай йўл тутишга мажбур бўлдилар. Истиқ-лол даврида ҳам баъзан юқоридагидек қарашларнинг давом этишига эса, аввалги босқичлар дунёқарашининг инерцияси сифатида қараш мумкин бўлади. Бироқ, айни вақтда Умар Хай-ёмнинг тасаввуфга алоқаси бўлмаган, унинг қобигини ёриб чиқиб кетган тўла дунёвий мазмунга эга бўлган рубойлари ҳам оз эмаски, бу ўринда юқорида айтилган нуқтаи назарда турган олим, шубҳасиз ҳақ, албатта.

Шоислом Шомуҳамедов шарқнинг буюк шоирлари ижо-дида гуманизм масалаларига алоҳида эътибор берди. Шу муаммо, олим тадқиқотларида, моҳият эътибори билан мар-казий концепцияни ташкил этади. Унинг «Мумтоз форс-то-жик шеърини анъаналари ҳамда Алишер Навоий гуманиз-ми», «Хусрав Деҳлавий ижодий меросида гуманистик ғоялар» сингари мақолалари, мумтоз форс-тожик адабиёти намоянда-

лари ижодида инсонпарварлик ғоялари ривожи муаммосига бағишланган докторлик диссертацияси марказида ҳам ана шу масала ётади.

Ўтган аср 50-йиллари ўрталарида ўзбек адабиётшунослиги ва шарқшунослигига Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Салоҳиддин Мамажонов каби бўлажак забардаст олимлар кириб келишди. Улар сафида бўлган Шоислом Шомуҳамедов илмий-ижодий мероси шарқшунослик, адабиётшунослик ва бадий ижоднинг ўзига хос бир кичик кутубхонасини ташкил этади. Зеро, у яратган 90 га яқин таржима, тадқиқот, шеърӣ китоблар шундай дейишга асос беради ва улар муаллифи халқаро Фирдавсий мукофотига бежиз совриндор бўлмаганини кўрсатади.

Агар саккиз жилдлик «Минг бир кеча», буюк Рабиндранат Тоҳурнинг етти жилдлик асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб нашр этилишига Шоислом Шомуҳамедов бош-қош бўлганини, уч жилдлик «Шоҳнома»нинг қатга қисмини Шоислом Шомуҳамедов ўгирганини эсласак, унинг ижодий-ташкилотчилик фаолияти нечоғлик салмоқли экани янада аниқ бўлади.

Нобел мукофоти лауреати Томас Элиот Умар Хайём рубоийларига ром бўлгани боис шеър ёзишни, ижод қилишни бошлаган экан ва бутун умр устоз дейилганда биринчи бўлиб Ҳайёмни тилга олар экан.

Тўғри, ҳозирча бизда Томас Элиот сингари Нобел мукофотига сазовор бўлган ёзувчилар чиққани йўқ, лекин Томас Элиотдан кам бўлмаган даражада Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Рудакий, Фирдавсий, Бедил сингари буюк шоирлар ва мумтоз шарқ адабиётига болалиқдан тортиб бутун умр давомида меҳр қўйган шеърӣят ихлосмандлари, шоир-ёзувчилар, адабиётчилар оз эмас.

Бунинг учун уларда Шоислом Шомуҳамедовга дил ба дил ва ғойибона ҳурматлари бор.



МАДАНИЯТЛАРАРО ТИЛЛАШУВ КАЛИТИ

Ўзбекистонда Элчилик фаолиятим бошланган дастлабки кезлар эди. Радио ва телевидения орқали Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз каби форс адабиёти даҳо шоирларининг номлари ва шеърларини ўзбек тилида эшитганимда ҳаяжонланиб кетардим. Тарихи, маданияти ва дини туташ Эрон ва ўзбек халқлари орасидаги дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонга келган мендек Элчи учун эл-юрт тилига тушиб, дилидан жой олган, моҳирлик билан ўзбек тилига ўгирилган форс шеърларининг таржимони ким деган табиий савол туғилди. Илгари эшитгандим, Ўзбекистонда форс шеърятининг ҳақиқий таржимониман, бошқалар таржимаси тегишли қоидаси билан амалга оширилмаган, дея даъво қилувчилар ҳам йўқ эмас экан. Даъвогарлар ҳам ўз ҳақлигини исботлаш учун форс тилидан ўзбек тилига қатор таржималарни амалга оширган экан. Бироқ, даъвогар таржимаси эл назарига тушмаса-ю, аксинча, у танқид қилган шоир – таржимон ўгирган шеърлар на фақат миллионлаб юртдошлари, балки хорижий китобхонлар қўлидан тушмайдиган бир неча навбат чоп этилган китобларга айланса, ҳар куни радио ва телевидениядан ҳам эшиттирилса, бундай таржимонининг забардастлигини тан олмаслик, танқидчини кулгили аҳволга солиб қўйиши тайин. Чунки, ҳақиқий ҳакам вақт ва халқ эътиборидир. Кейинроқ билсам, вақт синовидан ўтиб, форс шеърятини шайдоларининг қалбини забт этган бу инсон шарқшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Халқаро Фирдавсий

мукофоти совриндори Шоислом Шомухамедов экан. XX аср шарқшунослигининг порлоқ юлдузи бўлган домла ўзининг ярим асрлик илмий фаолиятини форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодини чуқур ва атрофлича ўрганишга бағишлади. Унинг илмий тадқиқотлари, Осиё, Африка ва Европа қитъаларидаги ўнлаб мамлакатлар йирик шарқшунослари эътиборини қозонган. Эрон жамоатчилиги эса профессор Ш.М.Шомухамедовнинг форс адабиётини ўрганиш ва тарғиб қилиш соҳасидаги фаолиятини юксак баҳолаб, 1974 йилда уни Фирдавсий номидаги Халқаро мукофот билан тақдирлади, 2003 йили эса ЭИРнинг Президенти Сайид Муҳаммад Хотамий жаноблари Ўзбекистонга ташрифи давомида алломага Эрон ҳукуматининг олий мукофотини топширди. Мукофот ёрлиғида жаноб Хотамийнинг қуйидаги қалб сўзларини ўқиш мумкин: «...Сизнинг форс маданияти ва адабиётини тарғиб этиш йўлидаги беминнат саъй-ҳаракатларингизни чин дилдан қадрлайман». Бу бежиз айтилмаган. Шарқшунос олим забардаст форсийзабон шоиру адибларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида 80 дан ортиқ асар битган. «Форс-тожик адабиёти классиклари», «Форс-тожик адабиётини классиклари ижодида гуманизм тараққиёти», «Форс-тожик адабиёти тарихи» ва бошқа кўплаб китоблари мазкур асарлар жумласига киради. Моҳир таржимон Фирдавсийнинг 1000 йиллик юбилеи муносабати билан «Шоҳнома»ни ўзбек китобхонларига тақдим этди. Домла Шомухамедов 1966 ва 1975 йиллари Эрон сафарида бўлган. Унинг сафар хотиралари дафтаридаги ушбу сатрларидан олимнинг ўз касбини нечоғлик севганини сезиб, тасанно айтасиз: «Мен ўзбек китобхонларини Рудакийнинг тоғ ҳавосидан мусаффо шеърлари, Умар Хайёмнинг ҳар қандай ҳорғинликни бирдан оладиган рубойлари, Ҳофизнинг жўшқин юрак алангаси ўйнаб турган ғазаллари, ҳаёт тажрибасидан камолатга етган донишманд Саъдийнинг ҳикмат тўла мисралари, хул-

лас, форс-тожик сўз хазинасига турли-туман жило бериб турган ҳамма жавоҳирларидан баҳраманд этгим, уларни дунёга кўз-кўз қилгим, бу ажойиб гулзорнинг хушбўй исини элимга етказгим келади».

Сўраб-суриштириб, домла Ш. Шомуҳамедов Эроннинг Ўзбекистондаги Элчихонаси ходимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон телевиденияси орқали форс-тожик адабиёти тўғрисида бир неча бор суҳбатлар ташкил қилганидан хабар топдим. Бундан ташқари, олимнинг педагоглик фаолияти, раҳбарлик лавозимлари, ҳукумат томонидан берилган кўплаб унвону мукофотлари, ажойиб инсоний фазилатлари тўғрисида маълумотлар олдим. Бу инсонга нисбатан ўзимда чексиз ҳурмат сездим ва унга раҳматлар айтгим келди. Учрашиб, суҳбатидан баҳра олмоқчи бўлдим. Афсус, унинг қаттиқ бетоб эканлигини айтдилар. Яна бир неча кундан кейин эса Элчихонага олимнинг ўлими ҳақидаги мудҳиш хабар келди. Таъзия билдириш учун олимнинг уйига борганимда ўғли Алишерни кўрдим. У илмий даражали эроншунос олим, қизи Саодат ҳам номзодлик илмий даражасига эга эроншунос олима экан. Домлага бўлган ҳурматим ва унинг шоён хизматлари учун миннатдорлигимни фарзандларигагина айта олдим, холос. Надоматлар бўлмайки, бугун орамизда домла йўқлар. Бироқ донишманд очиб берган форс адабиёти боғининг меваларидан ўзбек халқи бугун ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.



ИЛМ, ИЖОД ФИДОЙИСИ

Маданият, маърифат ва маънавиятнинг асослари бўлмиш тарих, санъат ва адабиётга ким ҳам болалигидан меҳр қўймайди, дейсиз. Бу эса кўпинча ёшлиқдан турли китобларни мутолаа қилиб боришга сабабчи бўлади. Шарқ мутафаккирлари, тарихчилари, шоирлари асарлари, «Минг бир кеча» эртаклари, Фарбий дунё ижодкорларининг илм-фанга оид, шунингдек, саргузашт асарлари қайси ёш қалбларни, наинки ёш қалбларни, балки эзгулик истаган жамики Инсонни ўзига мафтун этмай қолмайди. Ана шундай асарлар билан танишиб бориш ҳар қандай қалб учун завқ-шавқ ва маънавий озуқадир. Шу туфайли бўлса керак биз номларини тилга олмоқчи бўлган улуғ шарқшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби Шоислом ака Шомуҳамедовнинг кўп йиллик самарали ижоди, форс халқининг буюк сиймолари ижодидан қилган таржималари улкан ҳурматга лойиқ.

Кўпчиликка аён, олимлик кишидан кўп заҳматни, чидам, ақл-заковат, фаҳм-фаросат, зукколик ва бошқа бир қанча нозик, зарур хусусиятларни талаб қилади. Бир инсонга ҳам педагоглик, ҳам йирик илмий масканда раҳбарлик, айна вақтда, жаҳон миқёсидаги йирик асарларни моҳирона таржима қилиб, уни миллатимизга тақдим этиш каби улуғ ишларни амалга оширишни тангри ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Наздимизда, юқорида айтилган фазилатлар улуғ олимимизга тангри томонидан ато этилган. Бу табаррук Инсон билан байрамларда, ҳар

хил тадбирларда учрашувимизга тўғри келган. Даҳо ижодкорлардан қилган таржималаридан халқимиз қатори биз ҳам баҳраманд бўлаётганимизни айтиб, миннатдорчилигимизни изҳор этганмиз.

Маълумки, ўзга миллат тилидан таржима ишини амалга ошириш, таржимондан заҳматдан ташқари, ундан алоҳида санъат ва маҳоратни ҳам талаб этади. Айниқса, ўзга тилда назмда, шеърый яратилган асарни худди ўша шеърый услубда ўзбек тилига ўгириш, муаллифдан нафақат таржима қилиш маҳоратини, балки шоирлик санъатини ҳам талаб қилади. Айниқса, таржима давомида асарнинг мазмунини, қудратини, салоҳиятини, умуман шунга ўхшаш зарур қонун-қоидаларни сақлаб қолган ҳолда таржима қилиш – ижод, чинакам ижод қилиш билан баробар.

Ижодкор олимимиз Шоислом Шомуҳамедов бу масъуллиқни доим ёдда сақлаган ҳолда иш юритиб, Шарқнинг улкан сиймоларидан қилажак ҳар бир таржимани жуда катта иқтидор билан амалга оширишга эришганлар. Бундай катта заҳматли меҳнатни, ижодни маромига етказиб амалга ошириш эса олимни ҳақиқий олимлигини, улкан билим соҳиби, чинакам ижодкор эканлигини яққол намоён этади.

Дарҳақиқат, улуғ олимимизнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати самараси ўлароқ халқимиз Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бўлмиш Умар Хайём рубойлари билан, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари билан, Абдураҳмон Жомийнинг ижоди (хусусан «Искандар хирадномаси» асари) билан, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг теран бадиий мушоҳада этиладиган мураккаб асарлари билан, Шарқ булбули Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий каби улкан сиймолар ижоди билан яқиндан танишиш ва бу ижодларнинг беба-

ҳо мазмунидан хабардор бўлиш бахтига муяссар бўлдилар. Биз бу нодир асарларни тез-тез қўлга олиб варақлаб, мутолаа қилиб турамиз, ҳар сафар улардан янги-янги мазмун ва қирралар қалбимизга жо бўлади. Бунда албатта буюк даҳолар ижоди билан бир қаторда уларни бизга ўзининг таржима санъати билан ниҳоятда маҳорат ва моҳирлик билан етказа олган заҳматкаш олимимиз Шоислом Шомуҳамедовнинг ҳам қалб ҳароратини чин дилдан ҳис этамиз.

Устоз ўз шеърлари ва уларнинг Шарқ буюк алломалари ғазалларидан қилган таржималарини санъаткорларимиз ўз репертуарларидан туширмайдилар.

Мени (яъни, Фахриддин Умаровни) Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетида ўтказиладиган буюк аллома Абдураҳмон Жомийга бағишланган учрашувга таклиф қилиб қолдилар. Бу буюк зот ва унинг улкан ижоди хусусида олимлар кўп ва ҳўб фикр билдирдилар. Нутқ ирод этган олимлар орасида устози буюк Жомий вафоти муносабати билан улуғ бобомиз Алишер Навоий қайғуриб форсча ёзган марсия ғазалининг таржимони домла Шоислом Шомуҳамедов ҳам бор эдилар. Мен ана шу марсия ғазалга куй басталаган эдим. Навбат менга берилганида, бу даҳо ижодкор руҳига таъзим бажо келтирдим-да, Ҳазрат Навоийнинг ўтли фарёди қоришилган марсия ғазални ижро этдим:

Дўстлар, ҳар жабҳаи фанда нодири олам қани?
Барча дардларга даво Ҳизру Масиҳо дам қани?
Дўстларим кўнгли фироқида бўлиб юз поралар,
Ҳаммага хуш хулқи-ла бўлғучи ул малҳам қани?
Ҳужраси бўш ва китоблар сафҳаи қолди сабил,
Қайда ҳужра соҳиби, хат соҳиби шул дам қани?
Бу фалак ғам ва алам бирлан емиргай барчани,
Ғам уни бизга тасалли бергувчи одам қани?

Ким дея олғай: бу олам ичра бор беғам киши,
Ким жаҳон ичра бу кун топгуси бир хуррам, қани?
Қолган умрим ўтказай аҳли фано ичра мудом,
Бу хароботда Навоий энди жоми Жам қани?

Учрашув тугагач, устоз Шоислом Шомуҳамедов катта ҳаяжону кўзда севинч ёши билан мени қаттиқ қучиб «Раҳмат, ҳофиз!» дедилар...

– Ўшанда учрашув қатнашчилари биргалашиб суратга тушган эдик, – эслайди устознинг ўғли Алишер Шомуҳамедов (Эскартиш М. Ҳайдарники).

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардикки, Шоислом Шомуҳамедов минг-минглаб студент, ўнлаб олимларнинг устози, шоирлик билан бирга ёзувчилик, яъни ҳикоянавислик иқтидорининг ажойиб намуналари, уларнинг қаламига мансуб «Гулбоғ», «Гулбоғ сайри», «Гулбоғ насими» каби асарларида ўз аксини топган. Демак, Шоислом Шомуҳамедовни илм-фан, ижоднинг серқирра, қомусий вакили десак, муболаға бўлмас.

Бу улуғ, олийжаноб инсон, сермаҳсул ижодкор ҳақларида кўплаб таърифу тавсифлар айтсак, шунча кам. Шоислом Шомуҳамедов бир неча ўн йиллар давомида ўзининг заҳматли меҳнати ва ижодлари билан астойдил хизмат қилиб фанимиз, қадрий меросимиз ва маданиятимиз равнақиға улкан ҳисса қўшдилар. Бизнингча, Шоислом Шомуҳамедов ҳаётлик чоқларидаёқ ўзларига мустаҳкам ҳайкал ўрнатдилар. Уларнинг сермазмун ҳаёт йўли келажак авлодлар учун ҳам ибрат бўлиб қолса, ажаб эмас. Бу улуғ Инсоннинг охирати обод бўлсин.



ОЛИМ, ТАРЖИМОН, МУРАББИЙ

Шоислом акани кўп қиррали ижодкор дейишарди. Дарҳақиқат, у, аввало, адабиётшунос олим, айна пайтда нуктадон таржимон, ўзига хос шоир, шу билан баробар, яхшигина носир... Унинг фаолият, машғулот доираси ҳам кенг, хилма-хил педагог – мураббий, ношир, илм-фаннинг моҳир ташкилотчиси – кўп йиллар ТошДУ (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетига деканлик қилган, чет эл шарқ адабиёти кафедрасини бошқарган. Ўзбекистон Давлат нашриётида шарқ халқлари адабиёти таҳририятига мудар, анча йиллар университетга проректор бўлди. Олим бир қатор жамоат ишларини ҳам олиб борди. Совет – Эрон дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими бюроси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қўмитаси президиуми аъзолигига сайланган, Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси, «Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти аъзоси, ТошДУ ҳузуридаги ўзбек адабиёти бўйича Ихтисослашган кенгаш раиси вазифаларида ишлади.

Хилма-хил соҳа, вазифа, машғулотлар билан банд бўлиб кетиб, ўзининг ижодий қиёфасини йўқотиб қўйган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Шоислом ака ўзига юклатилган барча вазифаларни қойилмақом қилиб адо этар, қайси соҳага қўл урса унга сидқидилдан ёндашар эди. Аммо Шоислом ака учун шундай бир соҳа, шундай бир ўқ бор эдики, гўё унинг бутун онгли ҳаёти, фаолияти шу ўқ теварагида айланди. У биринчи галда форс-тожик мумтоз адабиётининг мафтун, жонкуяр тарғиботчиси, бу соҳанинг ҳақиқий билимдони бўлган. Агар сиз бу одамнинг суҳбатида бўлсангиз, қандай мавзуда гап бормасин, у албатта ўрнини топиб шарқ бадиияти

ҳақида сўз очар, ўз фикрининг далили учун ё Саъдий, ё Умар Хайём, ё Ҳофиз, ё Навоий, ё Жомий ёки Бедилдан бирор байт келтириб мағзини чақиб берарди, у қандай иш билан машғул бўлмасин, хаёлининг бир учи ё Фирдавсий мисрасининг ўзбекча ифодаси, ё Саъдий, Бедил байтларининг янги маъноси, талқини, ё Ҳофиз ижодининг бирор ечилмаган жумбоғи билан банд эканлигини пайқар эдингиз.

Агар унинг кабинетига кирсангиз, иш столининг бир чегида турган қадимий қўлёзмаларга кўзингиз тушарди; ташкилий ишлардан қўли бўшаса ёки танаффус пайти келса, дарҳол ўша қўлёзмаларни титкилашга тушар, унинг дам олиш кунлари, меҳнат таътили ҳамиша ижодий ишлар билан ўтарди.

Таниш-билишлари, дўстлари унинг ишчанлигига, ўз соҳаси бобида билимдонлигига қойил қолардилар. «Шоислом билан Қора денгиз бўйида ҳам бўлган эдим, бирга ишлашган эдик, деб ёзган эди Миртемир («Совет Ўзб.» газ. «Етуклик», 5.06.1971). – Мени ҳаммавақт ундаги ишчанлик, топағонлик, бой қалб, маънавий давлат лол қилиб келади».

Шоислом акада шарқ классик шеърлятига мафтунлик жуда эрта уйғонган. Навоий ижодидан илҳомланиб ўн бир, ўн икки ёшлариданоқ шеърлар ёза бошлаган, ўша кезлардаёқ шарқ мумтоз адабиёти бўйича мутахассис бўлишни, ҳаётини шу соҳага баҳшида этишни кўнглига тугиб қўйган. Бироқ она юрт бошига тушган оғир кулфат – Иккинчи Жаҳон урушининг биринчи кунлариданоқ ёвуз душман билан юзма-юз жанг қилди, жангда оғир яраланди, даволанди, яна анча вақт ҳарбий хизматда бўлди. Ўша кезларда ҳам қўлидан қалам, қўйнидан мумтоз даҳолар девони тушмади, шеър мутолааси, шеър машқи давом этди. Ниҳоят, анча кечикиб бўлса-да, мақсадига эришди. 26 ёшида САГУнинг шарқ факультети студенти бўлди, А. В. Болдирев, А.Т. Тагиржанов сингари донгдор шарқшунослардан таълим олди, университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, шарқ факультетида ишда қолди, эрон шоири Эҳсон Табари ижоди бўйича номзодлик, «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гу-

манистик ғоялар тараққиёти проблемасига доир» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлади... Шу тариқа унинг ғоят қизғин, кўп қиррали ижодий фаолият даври бошланди, қисқа бир муддат ичида ўнлаб илмий, бадиий, таржима китоблари, шеър ва лавҳа-ҳикоятлари чиқди, хусусан, унинг Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Бедил ҳақидаги илмий ишлари, аруз вазни, таржима назарияси ҳамда амалиётга оид кузатиш ва хулосалари, Фирдавсий «Шоҳнома»сидан, Саъдий, Умар Хайём, Деҳлавий, Жомий, Бедил асарларидан қилган таржималари маданий ҳаётимизда қувончли ҳодиса бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи маданияти, санъати ва адабиёти жуда қадим замонлардан форс-тожик маданияти, санъати, адабиёти билан яқиндан ҳамкорликда ривожланган, ўзбек китобхони форс-тожик адибларининг шоҳ асарларини худди ўз миллий, маънавий бойлиги сифатида қадрлаган, ўтмишда Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Ҳофиз, Жомий, Бедилни билмаган ўзбек зиёлиси деярли бўлмаган, уларни таржимасиз оригиналда ўқиб ҳузур қила билган. Айни пайтда илғор ўзбек ижодкор зиёлилари бундай улкан сўз усталари яратган санъат дурдоналарини халқ орасига ёйиш, уларни ўз она тилига кўчириш учун ҳам ҳаракат қилганлар. Бироқ бу ният XX асрга келиб тўла рўёбга чиқа бошлади, форс-тожик адабиётининг республикамиздаги тарғиботи, илмий тадқиқи ва таржимаси изчил бир йўлга тушди, хусусан, 60–70 йилларга келиб бу иш янги босқичга кўтарилди. Шоислом Шомухамедовнинг қизғин ижодий фаолияти худди шу даврга тўғри келади. Шоислом ака ҳам олим-тадқиқотчи, ҳам тарғиботчи, ҳам таржимон, ҳам ношир, муҳаррир, ҳам ташкилотчи сифатида бу ишга ғоят улкан ҳисса қўшди, аниқроғи, бу ишнинг бошида турди.

Шоислом Шомухамедовнинг форс-тожик адабиёти классиклари ҳақидаги ишлари ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам ғоят қимматли, олим ҳар бир санъаткор ижодига оид етакчи хусусиятларни катта билимдонлик, нозик дид билан очиб берди, айни пайтда атоқли сўз усталари ижодига хос муштарак

томонларни ҳам кўрсатди. Олимнинг уқтиришича, классикларни бир-бирлари билан туташтириб турган энг таъсирчан, ҳаётбахш ғоявий-эстетик омиллардан бири улар ижодига хос **гуманизм** дир, тадқиқотчи мумтоз шоирлар ижодини ҳаммадан бурун худди шу гуманизм нуқтаи назаридан текширади, натижада, гуманизм тадқиқи илмий ишларининг етакчи концепциясига айланади, олим илмий ишларининг маълум синтези бўлмиш докторлик диссертацияси худди шу форс-тожик мумтоз адабиётида гуманизм масалаларига бағишланганлиги ҳам тасодифий эмас.

Неча йиллар, балким асрлардан бери сўз санъатининг Мангулик, умрбоқийлик сири, санъат ва адабиётдаги тараққиётнинг бош омили устида баҳслар кетади, бу хусусда ғоят хилма-хил, ҳаттоки зиддиятли фикрлар бор. Бир гуруҳ тадқиқотчилар, санъаткорлар чинакам санъатнинг умрбоқийлик сири ундаги гуманизмда деб билдилар, гуманизм санъат ва адабиётдаги тараққиётнинг бош омили деб ҳисоблайдилар, гуманизм санъат ва адабиётда фақат ғоявий масала бўлиб қолмай, уни бадииятга ҳам кучли таъсир кўрсатувчи фактор деб қарайдилар. Менимча, бу фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Ш. Шомуҳамедов ўз тадқиқотларида айни шу концепцияга таянади, фақат форс-тожик адабиётида эмас, балки жаҳон адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган даҳо санъаткорлар ижоди мисолида ғоят ёрқин далиллар асосида ўз фикрини исбот этади, **«мумтоз адиблар учун гуманизм – абдийлик ялови»** деган афористик илмий хулосага келади.

Шоислом Шомуҳамедовнинг таржималари пухта илмий - назарий асосга қурилган. Шоислом ака дуч келган асарни эмас, аввало, форс-тожик адабиёти мумтоз вакилларининг энг характерли, ибратли, бугунги ўзбек китобхони учун қизиқарли, ниҳоятда азиз асарларини танлаб таржима қилди, таржима учун танлаган асарларини эса илмий асосда чуқур ўрганиб, ҳар бир сатр, сўзга жо этилган образли маънонинг тагига етиб, уни чуқур ҳис этган ҳолда ўзбекчага ағдарди. Таржимон асли шоир бўлгани, маълум шеърий завқ, тажрибага эга экани, ўзбек адабиётини, она тилининг шеърий им-

кониятларини яхши билиши таржимада унга ниҳоятда қўл келди. Ш. Шомуҳамедов бадий таржима бобида Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир каби моҳир сўз усталари билан ҳамкорлик қилиш бахтига муяссар бўлган, улардан катта кўмак, сабоқ олган таржимондир. Унинг Умар Хайём рубойларидан қилган таржималарига эса Миртемир муҳаррирлик қилган эди.

Ш.. Шомуҳамедов таржималари ҳақида талай мақола-лар эълон этилди. Таржималарининг аҳамияти, сифати, муаллифнинг таржимонлик маҳорати хусусида кўп илиқ гаплар айтилди. Таржимон санъатидан далолат берувчи баъзи далиллар келтириб ўтайлик, «Шоҳнома»даги ғоят ҳаяжонли, таржимон учуи ниҳоятда масъулиятли ўринлар Рустам билан Суҳроб тўқнашуви, ота билан ўғил жанги, ўғилнинг ота томонидаи ҳалок этилиши, Суҳробнинг ўз ўғли эканидан воқиф бўлган отанинг ададсиз руҳий қийноқлари, Суҳроб жасади устида чеккан нолалари тасвирини эслайлик. Мана, Рустам қалб изтиробларининг акс-садоси бўлмиш айрим сатрлар:

Бундай иш тушганми, ҳеч кимсага, боқ!
Ўз ўғлим ўлдирдим, сочга тушиб оқ...
Мендекни кўрганми дийдаи жаҳон,
Гўдак тепасида бўлсам зўравон.
Кесилса бўларди ҳар икки қўлим,
Қора ер сариға йўналса йўлим...
Не дерман, нечун у ўлди беғуноҳ,
Нечун қилдим ёруғ айёмим сиёҳ?
Қайси ота қилмиш бундай мудҳиш иш?
Сазоварман қанча олсам сарзаниш.
Қай ота ўлдирмиш жонажон ўғлин?
Ақлли, баҳодир, навқирон ўғлин?
У тождор бобоси эшитса магар,
Покиза онага не бўлур хабар?
Сом наслига нафрат ёғилур осон,
Дерлар мені бедин, беақлу имон...

Деярли минг йил бурун битилган, чуқур инсоний дард билан йўғрилган, бугунги кунда ҳам китобхонни ларзага соладиган бу хил шоҳ сатрларни шу тарзда – асл колоритини сақлаган ҳолда ҳозирги ўзбек шеърӣ тилига кўчириш ҳазилакам иш эмас!

Ёки Умар Хайёмдан қилинган, эл орасида жуда машҳур бўлиб кетган мана бу рубоӣ таржимасини олайлик:

Май ичсанг оқилу доно билан ич,
Ёки бир гул юзли зебо билан ич.
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,
Эма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Бир томондан, асл нусхадаги маънога жуда яқин турувчи, иккинчи томондан, сўзма-сўзликдан қочиб оригиналдаги сатрларга, образларга эркин, ижодий ёндашишдан туғилган бу мисралар жуда катта ижодий изланишлар самарасидир.

Жомийнинг мана бу қитъа таржимаси чинакам бадий кашфиёт даражасидадир:

Пўлатдан бир парча тиш билан узмоқ,
Тирноқ билан тошда ариқлар қазмоқ,
Жаҳаннам ўтига бош билан кириш,
Кўзлар милки билан олов – чўғ териш,
Юз тева юкини бўйнига илиб,
Шарқдан то ғарбгача югуриб елиб
Бормоқлик Жомийга енгилроқ, жўра–
Пастлар миннатини тортгандан кўра!

Бедилдан олинган ушбу рубоӣни тинглаб кўринг:

Ўз васфида олим гуфтори қизиқ,
Ўз ишқида мажнун ашъори қизиқ.
Бу даштнинг қумлари тўзғиб битгунча
Лофу ҳангоманинг бозори қизиқ.

Таржимон Бедилга хос мураккаб образли, тагдор, сер-жило маъноли, айни вақтда ўта жозибадор сатрларни катта маҳорат билан ўзбекчалаштира олган!

Унинг қаламига мансуб шу хил таржималар туфайли, олимнинг баркамол илмий тадқиқот ва тарғиботлари туфайли ўзбек китобхони учун нодир хазина – бой мумтоз форс-тожик адабиёти гўё янгидан кашф этилди. Шоир Миртемир Шоислом аканинг бу борадаги хизматларидан қувониб: «Шоислом улкан ва фусункор хазина эшигини кенгроқ очиб қўйгани рост. У ўша афсонавий ва бой хазина эшигида туриб: «қани бир кўрингчи!» дегувчи эшик оғасига ўхшайди хаёлимда, деган эди. Ёзувчи Пиримқул Қодиров худди шу фикрни давом эттириб дейди: «Ота-боболаримизда одат бўлган саъдийхонлик, бедилхонлик, хайёмхонлик анъаналари бугун янги бир асосда давом эттириляпти. Яхши-яхши давраларда Ҳофиз ғазалларини, Умар Хайём рубоийларини ўзбекча ёддан айтиб ўтирган китобхонларни кўрасиз. Шунда бу рубоий ва ғазалларнинг тарғиботчиси ва таржимони Ш. Шомуҳамедовга эҳтиромингиз ошади» (П. Қодиров. *Қўл ва қалб. Ўзб. маданияти, 4.06. 1971*).

Ш. Шомуҳамедовнинг бутун илмий, тарғиботчилик, таржимонлик ва ташкилотчилик фаолияти чуқур байналминал руҳ билан йўғрилган, ҳар қадамда унинг форс – тожик мумтоз адабиётига, бинобарин, жаҳонга буюк даҳоларни берган улуғ халққа чексиз меҳр - муҳаббати барқ уриб туради. Табиийки, бу туйғу ўзгалар қалбига ҳам кўчиб ўтди, унинг тадқиқотлари, таржималари билан танишган китобхон бир умрга шу буюк адабиётнинг, буюк халқнинг мафтуни бўлиб қолди.

Ш. Шомуҳамедовнинг бадиий асарлари ҳам аслида шарқ мумтоз адабиётига бўлган улкан меҳр самарасидир. Унинг қўшиқ қилиб айтиладиган талай ғазаллари, ўқувчиларга маъқул бўлган рубоийлари, лавҳа-ҳикоятлари Саъдий, Умар Хайём, Навоий, Жомий, Бедил анъаналари руҳида битилган. уларда муаллиф шарқ даҳо санъаткорларига хос гуманистик оҳанглари давом эттиради, чин инсонийликка ёт, инсон

шаънини ерга урадиган одат-тамойилларни қоралайди, муаллиф шарқ мумтоз адабиётининг қатор барқарор шаклларида бугунги куннинг гапларини ҳам айтиш, ифодалаш мумкинлигини намойиш этишга интилади. Хусусан, унинг «Гулистон», «Баҳористон» каби машҳур асарларни эслатадиган, ҳаётий кузатишлар асосидаги ибратли лавҳа-ҳикоятлардан ташкил топган «Гулбоғ» китоби ўқувчиларга манзур бўлди, адабий танқидчилик унга яхши баҳо берди. Қисқаси, Шоислом Шомухамедов бадиий ижодда ҳам ўзлигига содиқ қолди, шарқ мумтоз адабиётининг мафтунни эканини яна бир бор намойиш этди.

Шоислом Шомухамедовнинг тадқиқот, тарғибот, таржимонлик фаолияти республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Унинг қатор илмий асарлари қардош республикаларда, чет элларда ҳам нашр этилган, бу ишлар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳо олган. И. Брагинский, Д. Комиссаров, Б. Фафуров, Р. Ходизода, О. Шарафиддинов, Иржи Бечка каби мўътабар олимлар унинг ҳақида кўп илиқ сўзлар айтган. Унинг хизматлари ҳам муносиб тақдирланган. Форс-тожик адабиётини оммалаштириш, шарқшунос кадрлар тайёрлашдаги хизматларини ҳисобга олиб Шоислом Шомухамедовга 1974 йили Санкт-Петербург Давлат Эрмитажи директори, академик Б. Б. Пиотровский билан бирга Фирдавсий номидаги Халқаро мукофот берилди. Республикада филология фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги хизматлари учун у 1977 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони билан тақдирланди.

Олим, таржимон, мураббий учун энг катта мукофот кўп-лаб адабиёт ихлосмандлари ва шогирдларининг унга бўлган меҳри, миннатдорчилик туйғусидир.



ИЛМ, ИЖОД ПЕШВОСИ

Ўз умрини илм-маърифат ривожига, ижодга бағишлаган одамлар жисман орамиздан кетсалар ҳам, аммо руҳан ва қалбан ҳамиша тириклар ичра тирикдирлар. Зеро бундай инсонларнинг орзу-армонлари, ёниқ сўзи, тафаккур мевалари ёзган асарларида муҳрланиб, авлоддан авлодга ўтади ва янги қалбларни ёритиб, ҳаёт ҳақиқатларини англашга кўмаклашиб туради.

Шоислом Шомуҳамедов домла Ўзбекистоннинг ана шундай нурбахш сиймоларидан бири эди. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, таниқли таржимон шоир, заковатли шарқшунос олим Ш.Шомуҳамедов номини эшитмаган одам кам эди. Унинг таржимасида янграган Умар Хайёмнинг олам ва одам моҳиятини изҳор этувчи дилбар рубоийларини бутун мамалакатимизда ва ундан ташқарида барча туркизабон аҳоли севиб ўқир, аксари ёд бўлиб эл оғзида юрадиган бўлганди. Рубоийлар ўзбекча таржималардан қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, тартар тилларига ўгирилди. Хайём рубоийларининг ўзбекча таржималари 1958 йилда биринчи марта чоп этилганда катта бир адабий воқеа бўлгани эсимда. Шундан кейин бу китоб ҳар сафар тўлдирилиб (илк нашрда 200 та рубоий бор эди), кўп марта қайта нашр этилди. Умар Хайём рубоийларини Ш.Шомуҳамедовдан кейин яна бир неча киши ўзбек тилига ўгирди, аммо ўша биринчи таржима китобхонлар қалбидан чуқур жой олганини айтиш жоиз. Ш.Шомуҳамедов форс-

тожик адабиётини ўзбек китобхонлари учун кашф этди, катта бир маънавий хазинани очди: у Рудакий, Фирдавсий, Н.Хисрав, Х.Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Камол Хўжандий, Жомий, Бедил асарларидан намуналар таржима қилди, уларнинг энг машҳур, ҳикматомуз асарларини тадқиқ қилиб, китобхонларга туҳфа этди.

Бу таржималардан ўнлаб байтлар эл орасида машҳур бўлиб, халқ ҳикматлари қаторидан жой олди.

Рудакийнинг:

«Кимдаким ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим»;

ёки

«Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлмагай устун»

кабилар...

Бу байтларни кўпчилик давралару суҳбатларда такрорлашади, аммо бу Шоислом Шомуҳамедов таржимонлик истеъдодининг туҳфаси эканини баъзан билмайдилар. Бу ҳам шоир-таржимоннинг бахти, ижод меваларининг умумхалқ мулкига айланганига далилдир.

Айниқса, Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур ва муаззам эпопеяси – «Шоҳнома» таржимасида Шоислом аканинг олим ва адиб, таржимон-ижодкор сифатидаги маҳорати ёрқин кўзга ташланди. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида «Шоҳнома»нинг 3 китоб ҳажмидаги танланган боблари ўзбек тилида босилиб чиқди. Биринчи китоб таржимони Ш.Шомуҳамедов, қолган иккита китобни Назармат, Ж.Жабборов ва Ҳ.Фулом таржима қилган эдилар. Бу бир неча йиллик ижодий изланишнинг меваси, катта ютуқ эди. Ш.Шомуҳамедов «Шоҳнома»ни обдон ўрганиб, ҳам қадимий дostonчилик услуби, жанговарлик оҳангини сақлаш ва ҳам ҳозирги китобхонга завқ бера оладиган, равон ўқиладиган таржимасини ярата олди. Асар-

ни ўқиганда Фирдавсий руҳи, Рустам ва Суҳроб, Сиёвуш ва Афросиёб қиссаларининг оҳанги баралла ҳис этилади.

Умуман олганда, форсий тилдаги адабиёт ўзбек халқи учун бегона эмас, неча асрлар давомида ота-боболаримиз Фирдавсий, Ҳофиз, Бедил, Саъдий асарларини аслиятида ўқиб баҳра олганлар, «Гулистон», «Шоҳнома» бир неча марта таржима бўлган ҳам. Аммо Ш.Шомуҳамедов бу анъанани XX аср ўрталарида тиклашдан ташқари, янги типдаги таржималар ижодкори бўлди. Мумтоз адабиётни янги давр ўқувчилари диди ва дилига яқинлаштирди. У таржимани ҳам илм, ҳам ижод деб билар, ҳар бир асарни аввал чуқур таҳлил қилиб, руҳиятига кириб бориб, кейин таржима қиларди. Ш.Шомуҳамедов шу боис наинки ўзи маҳсулдор таржимон эди, балки кўплаб таржималарнинг дунёга келишига ташаббускор бўлар, раҳнамолик этарди. Хўжа Ҳофиз ғазаллари таржимаси ҳозир ҳам таржимачилигимизнинг нодир намунаси бўлиб турибди. Ана шу ишга талантли ғазалнавис шоирларимиз Шамсиддин Хуршид ва Чустийларни илҳомлантириб, ишни ташкил этишда Ш.Шомуҳамедов бош-қош бўлган эди. Бунақа мисоллар кўп. Чунки Ш.Шомуҳамедов чин маънода маърифат, маънавият тарғиботчиси, жонкуяр устоз ва мураббий эди. У форс-тожик адабиёти тарихини ўрганиб, қатор монографиялар, қўлланмалар яратди, айниқса бу адабиёт шуҳратига шуҳрат қўшган оташин инсонпарварона ғоялар инкишофи олим тадқиқотлари қаймоғини ташкил этади. Шоислом ака кенг маънодаги шарқшунос олим, шу соҳани Ўзбекистонда асослаган кишилардан биридир.

Камина гарчи бевосита у кишининг қўлида таҳсил олмаган бўлсам-да, бироқ бу одамдан, унинг аса эларидан кўп нарса ўрганганман. Мен буни яна шу учун таъкидламоқчиманки, Тошкент Давлат университети (ҳозир-

ги ЎзМУ)да ишлаган йилларим (1971–1993) Шоислом ака билан илмий анжуманларда, баъзан иш юзасидан тез-тез мулоқотда бўлганман. Шоислом ака ҳам талабчан, тўғри сўз ва ҳам меҳрибон инсон эди. Номзодлик диссертациямга оппонентлик қилганлар, маслаҳатлари, амалий кўмаklarини аямаганлар. У киши университет проректори, Шарқшунослик факультети декани, кафедра мудирини бўлиб ишлади. Аммо у ҳамма ерда – хоҳ мансаб курсисидан бўлсин, хоҳ оддий давраларда бўлсин, бир хил эди, ўзгармас эди. Ва энг асосийси, ҳар доим олим ва ижодкор инсон сифатидаги борлигини сақлаб юрарди, шу билан талабалар, касбдошлар ҳурматини қозонган эди.

Домланинг самарали умри, ишлари ибратли, хизматлари бениҳоя катта. У Ватанимизнинг ёрқин сиймоларидан биридир, шу боис номи ҳам, ишлари ҳам унутилмайди, қалбларда яшайверади.



БАРҲАЁТ ЛАҲЗАЛАР

*Йилга боғлиқ эмас умрбоқийлик,
Ҳаётнинг ўлчови – йил эмас, мазмун.*

Ш. Шомуҳамедов

Ҳаёт – вақт уммони: лаҳзалардан тортиб асрларнинг тинимсиз ҳаракатига асосланган. Одам туғилдими, шу уммонда суза бошлайди, умр аталмиш ўлчовли бойликни сарфлашга киришади. Ақли донишлар ҳаёт қадрини эрта англайдилар: умрдан ўтгувчи «бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун олтиндан тарозу олмосдан тош оз»лигини тушуниб етадилар. Элу юртга наф келтирувчи меҳнат, эзгулик йўлида қўйилган қадам, илму фаннинг машаққатли сўқмоғини давом эттириш, инсонни ҳам маънан, ҳам жисман баркамолликка ундовчи асарнинг яратилиши, мангу муаммоларни ҳал этган кашфиётлар, кишилар аро меҳру оқибатни оширувчи, севиб-севилиб яшашга ундовчи муносабатлар – одам умрининг барҳаёт лаҳзалари самараси, ҳаёт безаги. Тирик лаҳзалар туфайли вақт уммони тўлқинланиб, нурланиб, мусаффолашиб туради...

Ўзбекистон ФА «ФАН» нашриёти олимлар биографиясига материаллар сериясида «Шоислом Шомуҳамедов» номли китобчани чоп этди. Ундаги фактлар кўп нарсалар ҳақида ўйлашга ундайди. Ҳалол меҳнат қилган одам обрў-эътибор қозонади деган фикр ўтади хаёлдан. Киши ўзига-ўзи савол беради: наҳотки, одам шунчалик кўп ишлай олса?! Киши шунчалик қатъиятли, саранжомсаришта бўлса?! Баъзи фактлар мағзини чақиб кўринг: «Шоислом Шомуҳамедов» деган ном олти юздан ортиқ мақола, таржима, бадиий асар, алоҳида китобга эгалик қилиб турибди. Юз элликдан ортиқ мақола. тадқиқот, тақриз, бадиий асар, илмий докладларда Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий-ижодий фаолиятига баҳо берилади.

Ш. Шомухамедов ўз фаолияти билан элларни ўзаро яқинлаштиришга интилди.. У рус, тожик, форс, қозоқ, қорақалпоқ тилларида яратилган асарларни ўзбек китобхонига ҳада этди. Олимнинг асарлари инглиз, немис, француз, араб, форс, ҳинд ҳамда Иттифоқ халқлари тилларида чоп этилди. Ҳозир ер юзида яшаётган кишилар бирлик, ҳамжиҳатлик туйғусини чуқурроқ ҳис қилмоқдалар. Ш. Шомухамедовнинг асарларию шахсий фаолияти шу туйғуни мустақамлашга ҳисса қўшмоқда.

*Менга либос тикмиш Парижу Гирмон,
Кафшим тамғасини босмиш Ҳиндистон.
Ер шари наздимда битта маҳалла,
Ўртада битта нон, битта дастурхон.*

Шоислом Шомухамедов – сайёрамизда яшаётган кишиларнигинамас, узоқ-узоқ аждодлар билан авлодлар ўртасидаги вақт тўсиғини кўтариб ташлаётган илм заҳматкашларидан. Биздан олти юздан то минг йилгача нарида яшаган форс-тожик адабиёти классиклари Шоислом Шомухамедов тадқиқотлари туфайли ўзбек китобхони билан қадрдонлашди, ўзбек тилида «гаплашиб», ўзбек тилида «шеър ўқий бошлади». Дарвоқе, форс-тожик адабиёти классиклари ижодига нисбатан кучли ихлос, замондошларни бой маънавий бойлик билан таништириш иштиёқи Шоислом Шомухамедовни таржимонликка ундади. Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Фирдавсий, Жомийдан қилинган таржималар бир неча бор нашр этилди.

Шоислом Шомухамедовнинг илк шеъри ёзилганига 45 йил бўлди. Шу давр ичида шоирнинг қалами қайралди, услуби шаклланди. Ш. Шомухамедов поэзиясида форс-тожик адабиёти классиклари ижодининг таъсири кучли. Бу ҳолни шоир шеърятининг шаклида ҳам, мазмунида ҳам сезиш мумкин.

Ш. Шомухамедовнинг илмий-ижодий фаолияти асосан уч йўналишда давом этади. Унинг илмий фаолияти, бадий асарлари, таржималари ҳақида мустақил тадқиқот олиб бориш мумкин. Баъзан шундай интилишлар сезилади: олим тадқиқотлари ҳақида талай асарлар ёзилган. Ш. Шомухамедовнинг таржималари ҳақида марказий, маҳаллий матбуотда қизғин

баҳслар давом этган. Хуллас, юбилей тантаналарида бот-бот такрорланадигандай, Ш. Шомуҳамедов бадий ижод, таржима билан шуғулланмай, фақат илм йўлидан борганида ҳам ўзбек адабиётшунослигида ўз ўрни, қисфасига эга бўларди. Аксинча, у олимлик машаққатидан воз кечиб, таржимошилу шоирлик қилганида ҳам ўзбек адабиётида из қолдирарди. Ҳар бир ижодкор моҳиятини тўғри ёритиш, адабиётдаги ўрнини беҳато белгилаш учун фаолиятининг барча қирраларини ўзаро ички боғлиқликда, яхлитликда ўрганиш керак. Ш. Шомуҳамедов ижодининг қирралари ўзаро яқин, бири иккинчисини тўлдиради, бойитади...

Шоислом Шомуҳамедов тинимсиз ўтиб борувчи вақт билан баҳс бойлашган олимлардан. Аввалига тинимсиз иш-лашга ўзини мажбур қилган бўлса, бора-бора ишчанлик, изланувчанлик унинг табиатига сингиб кетди. Шунинг учун ҳам у илк тўшамини «Вақт» деб атади. «Одам борки...» тўшамидagi аксарият шеърлар ҳам вақтнинг қиммати, умрнинг бебаҳолиги тўғрисидадир. Ҳар иккала тўшамда ҳам меҳнатсеварлик инсоннинг олий фазилати сифатида малҳ этилади:

*Меҳнатдан, заҳматдан нолиб урма дам,
Тоғда ётган тошга ўхшама сен ҳам.
Денгизлар тошидек топади сайқал
Доим ҳаракатдан тинмаган одам.*

«Вақт», «Одам борки...» шеърий тўшамларини синчиклаб ўргансангиз шоир ижодида назокатли дидактика инсоннинг қалби, қилаётган ишлари, дунёнинг тузилиши, эзгулик, садоқат ҳақида тоғиб айтилган шеърий мисралар, фарслар, туюғу рубоийлар кўпайиб, етакчилик қилиб бораётганлигини сезасиз. Фикримизни форс-тожик адабиёти классикаларининг «Гулистон», «Баҳористон»и йўсинида яратилган «Гулбоғ», «Гулбоғ сайри» тўшамлари тўла тасдиқлайди. Мазкур тўшамлар ибратомуз ҳикоячалар, лавҳалардан, мазмунига монанд тўртликлардан ташкил топган. Шоир эзгулик, вафо, дўстлик, меҳнатсеварликни улуғласа, бекорчи, дангаса, кўзбўямачи, бачкана, устомон, товламачи кишилар устидан кулади. Тўшамларда вақт ўғрилари, турли йўллар билан кишиларнинг қимматли лаҳзаларини ўғирловчилар шоир нафратини кўзгайди.

Шоислом аканинг ўзи кўп ишлайди – вақтни зое ўтказмайди. Кишиларни ҳам шундай бўлишга чақиради...

Олимнинг иш услуби ҳам диққатга сазовор. Эрта тонгда туриб ижод қилишдан ташқари, ишхонадаги вақтини ҳам тежаб-тергаб сарфлашга интилади. Табиийки, Тошкент Давлат университетининг илмий ишлар бўйича проректори Ш. Шомухамедовнинг иши ниҳоятда кўп: студентдан тортиб, халқаро илмий анжуманга кетаётган олим ҳам, илмий ишини ҳимоя қилиш учун университетга келган докторант ҳам, Ш. Шомухамедов билан ишини битиради.

Эллигинчи йилларнинг ўрталари. Биз филология факультетининг биринчи курс студентлари «форс тили» дarsi бошланишини сабрсизлик билан кутяпмиз. Урушдан кейинги йилларда ўрта мактаб ўқувчиларига шарқ тиллари ўқитилмас эди. Аммо студентларнинг барчаси араб графикасидаги китобларни кўрган; уларда нима ёзилганлигини билишга қизиққан эди. Мана, ҳозир дарс бошланади: арабча ёзув, форсча сўзлар, иборалар... Аудиторияга қотмагина, буғдойранг, бошига чуст дўппи кийган, каттагина портфель кўтарган ўқитувчи кириб келди. Ҳар икки томон бир-бирини ўргана бошлади. Ўқитувчининг тили «чучук»лиги, ёшига монанд бўлмаган босиқлиги, доскага жуда чиройли ёзишлиги диққатимизни тортди. Сал муддат ўтгач, ўқитувчи «унутилди», борлигимизни ўнгдан чапга қараб битиладиган ёзув, ҳарфларнинг ғалати уланиши, форсча талаффуз қилинган сўзлар қамраб олди. Шу зайлда бир йил ўтди: арабчани туппа-тузук ёзадиган, форсча текстларни, қоқиниб-суқиниб бўлса-да, ўқийдиган бўлдик.

Бизга ўзга институт, бошқа факультетлардан таклиф қилинган ўқитувчилар ҳам дарс берарди. Бундай ўқитувчилардан баъзилари ҳамон қалбимнинг тўрида, эъзозда. Булар: Матёқуб Қўшжонов, Натан Маллаев, Музаффар Хайруллаев, Шоислом Шомухамедов, Алибек Рустамов... Улар ўқиган лекциялари мағзи-мағзига самимийлик, берган билимлари таркибига саҳий қалбларини, савол-жавоблари жараёнида хулқ-одобларини, олган синов-имтиҳонлари қат-қатига инсонийликларини сингдира олган эканлар. Ҳақиқий олим шахсиятини мутахассислигидан ҳоли тутмайди. У ўз касбига бор-

лигини – қалбини, заковатини, ўй-орзуларини сингдириб юборади. Айниқса, ўқитувчилик касби инсоний қиёфа билан билимнинг узвий бирлигини тақозо этади.

Атоқли олим Матёқуб Қўшжонов «Шарқшунос олим» мақоласида Ш. Шомуҳамедовни ҳозирги ўзбек адабиётининг билагони сифатида таърифлайди. Чиндан ҳам Ш. Шомуҳамедовнинг ўзбек адабиёти, унинг йирик намояндалари, поэзия тараққиёти проблемалари ҳақида қатор мақолалари босилган...

Ш. Шомуҳамедов Эрон адабиётшунослари тадқиқотларини юксак баҳолагани ҳолда, ҳали уларда фактик материалга ўралашиб қолиш, назарий хулосалар чиқаришда оқсаш, таҳлилда биографик методга суяниш каби камчиликлар борлигини айтади. Шоислом Шомуҳамедовга Халқаро Фирдавсий мукофотининг берилиши ўзбек олимининг форс-тожик адабиёти классиклари ижодини севиб-ардоқлаб таҳлил қилишдаги меҳнатининг муносиб тақдирланишидир.

Ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари Шоислом Шомуҳамедовни ҳақли равишда ўз ҳамкасблари деб биладилар. Ш. Маҳмудович ҳақида ёзилган аксарият мақолалар остида ўзбек адабиёти тарихи мутахассисларининг имзосини кўриш мумкин. Фулом Каримов, Абдуқодир Ҳайитметов, Холид Расул, Анвар Ҳожиаҳмедов, Саида Назруллаева сингари олимлар Шоислом Шомуҳамедовнинг форс адабиётини тадқиқ ва тарғиб қилишдаги ишларини таъкидлаш билан бирга, унинг ўзбек классик адабиёти масалаларини ёритишга қўшаётган ҳиссасини кўрсатадилар. – Олимнинг бир қатор илмий асарлари Шарқ адабиётлари, хусусан, форс-тожик, эрон ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ижодий таъсир масалаларини тадқиқ этишга бағишланган, – дейилади, Каримов ва А. Ҳожиаҳмедовнинг «Серқирра ижодкор» мақоласида, – Олимнинг Навоий ва Жомий ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, Навоий гуманистик анъаналарининг форс-тожик адабиёти ривожига аҳамияти, ўзбек ва афғон адабиётлари дўстлиги ҳақидаги мақолалари фикримизнинг далили бўла олади. Шоислом Шомуҳамедов тадқиқотлари асосан форс-тожик адабиёти классиклари ижоди мисолида олиб бўрилса-да, улар-

нинг назарий асоси ўзбек классик адабиётига ҳам тааллуқлидир. Назаримизда, форс-тожик адабиёти классиклари ижодини мукамал ёритиш, ўзбек классик адабиётини чуқурроқ билиш, ўрганиш имконини яратади («Тошкент ҳақиқати» газетаси, 16 апрель, 1981 йил).

Шоислом аканинг шарқшунос олим бўлиб етишишидаги асосий негиз ўзбек классик адабиётида. У ёшлигиданоқ Фарҳод образини севди, ўшандай меҳнаткаш, танти, содиқ бўлишни орзу қилди. Олим билан суҳбатда қайси шоирни, қайси асарни, қайси қаҳрамонни ёқтиришини сўраганимизда у ҳеч иккиланмай:

– Фарҳод образини севаман. У ҳамиша ҳавасимни келтиради, – деди. – Отадан олти ёшимда етим қолгач, меҳнатга, мустақил ҳаётга эрта кўникканман. Ўша пайтларда Фарҳод билан «танишганман». Шундан, болалигимданоқ шахмат тахтачаси-ю доналарини ясаганман, устачилик билан шуғулланганман, меҳнатдан қочмайдиган, тиниб-тинчимайдиган бўлиб ўсганман...

Фарҳодга бўлган муҳаббат бўлажак олимни Алишер Навоийнинг поэтик оламига бошлади. Аввалига у буюк Навоий афоризмларини эринмасдан, қунт билай кўчирди, ёд олди. Навоий ғазалиётидаги нафосат, сеҳр Ш. Шомуҳамедовни ром этди. Унинг қалбида ғазалга, ғазалнависларга ҳавас уйғонди...

Ш. Шомуҳамедов қувват олган манба, тадқиқот орзусини етилтирган куч – Навоий ижоди бўлди. Кейинчалик у ўз рубойларининг бирида ёзади:

*Навоий, номингдан дилиод бўлсам, бас,
Ёдингдан дилиоду обод бўлсам, бас.
Ўнарингга мухлис – муридинг бўлиб,
Муҳаббат, меҳнатда Фарҳод бўлсам, бас.*

Ш. Шомуҳамедовни ҳақли равишда Навоийшунос олим дейиш мумкин. Унинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм», «Гуманизм абадийлик ялови», «Ҳазиналар жилоси» номли жиддий асарларидаги асосий мақолалардан бири Навоийнинг форс тилидаги ғазаллари таҳлилига

бағишланган. «Девони Фоний»ни жиддий ўрганар экан, олим Шарқ адабиётидаги гуманизмнинг етакчи белгиларини кашф этди. Олимнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» номли капитал тадқиқоти Шарқ поэзиясини англаб етишдаги калитларидан бири ҳисобланади. Аниқроғи, бу асар нафақат форс-тожик адабиёти намояндалари ижодидаги, балки ислом идеологияси ҳукмронлик қилган кўҳна Шарқ адабиётидаги жуда жиддий масалаларни очиб беришга хизмат қилди.

Ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари учун ҳам бу асар энг зарур, энг қимматлидир. Шоислом Шомуҳамедов тадқиқотлари Алишер Навоий адабий муҳити учун замин ҳисобланган даврни ёритади. Бошқача айтганда, Навоий ижодини тўлиқ тушунмоқ учун унганча яшаган машҳур шоирлар ижодини, уларда кўтарилган муаммоларни билиш зарур эди. Хусусан, Навоий ижодининг кўп томонлари Абдураҳмон Жомий ижоди билан боғланади. Ш. Шомуҳамедов «Форс-тожик адабиёти классиклари», «Гуманизм абадийлик ялови», «Ҳазиналар жилоси» асарларининг катта қисмини Жомий ижоди таҳлиliga бағишлаган.

Ш. Шомуҳамедов тадқиқотлари Шарқ адабиёти, хусусан, форс ва туркий халқлар адабиётидаги ўзаро яқинлик, бирликни кўрсатиб беради. Олим аксарият мақолаларида форс адабиётидаги интернационал руҳни алоҳида таъкидлайди. Бу адабиётни турли миллат вакиллари яратганлигини алоҳида кўрсатади...

Шоислом Шомуҳамедов тадқиқотлари турли ўрганиш принциплари, масалага конкрет ёндашиш методларининг натижаси тарзида вужудга келган. Олим асарларида тарихий-маданий, тарихий-қийсий, тарихий-типологияк ўрганиш принциплари айнан сезилади. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодини ўрганар экан, тадқиқотчи тарихий-маданий методдан унумли фойдаланади...

Ш. Шомуҳамедов Умар Хайём, Носир Хисров ижодларини ёритишда тарихий-қийсий методдан унумли фойдаланган. Аммо Ҳофиз, Саъдий ижодларини ёритишда бу методдан етарли даражада фойдаланилмаганлиги сезилади. Айниқса,

Ҳофизнинг индивидуал қиёфаси «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» китобида кўзга аниқ ташланмайдди. Классиклар ижодидаги умумий томонларни белгилаш, таҳлил қилиш – яхши. Агар классиклар ижодининг ўзига хослиги, бетакрорлиги ишонарли ёритилса, аъло иш бўларди.

Ш. Шомуҳамедов тадқиқотлари гуманизм проблемасини ёритишга йўналтирилган. Проблеманинг салмоғи, материалнинг кенг-кўламлиги тадқиқотчидан тарихий типологик методдан фойдаланишни талаб қилади. Типологик метод кўп-лаб ижодкорлар, турли давр адабиётларини чуқур ўрганиш орқали ишонарли назарий умумлашмаларга келишни тақозо қилади...

Олим тадқиқотларида биографик метод классиклар ижодини тўлароқ ёритишга йўналтирилган. Ш. Шомуҳамедов Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Жомий биографиясининг баъзи нуқталарига диққатни тортади. Кейинчалик мана шу «баъзи нуқталар» шоир ижодининг етакчи масаласига улаб юборилади.

Ғ. Саломов, Н. Владимирова, А. Ҳайитметов, Н. Комилов, И. Султонов, В. Раҳмонов сингари олимлар Ш. Шомуҳамедовнинг таржимонлик маҳорати, услуби ҳақида ёзганлар. «Олим ва ижодкор» мақоласининг муаллифлари Ғ. Саломов ва Н. Комиловлар Ш.Шомуҳамедов фаолиятининг таржимонлик йўналиши ҳақида қуйидагиларни ёзадилар: «Кенг жамоатчилик ва айниқса, китобхонлар оммаси Ш. Шомуҳамедовни фақат олим сифатида эмас, балки сермаҳсул ижодкор, таржимон сифатида ҳам танийдилар. У ўзининг бир мақоласида: «Мен ажойиб шеърят боғида сайр этарканман, унинг ширин меваларидан... юртдошларимни баҳраманд этиш нияти – юрагимга тинчлик бермайди, бу сеҳрли ашъор намуналарини кучим етганча она тилимизда қайта яратиб, халққа тақдим этмоқчиман», – деб ёзган эди. Мана у чорак асрдан буён бу қутлуғ ниятни ғайрат билан амалга ошириб келмоқда. Ибн Сино, Умар Хайём ва Бедил рубоийлари, Саъдий ҳикматлари, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий дostonлари, Лоҳутий, Маликушшуаро Баҳор ва Жоланинг инқилобий шеърларини моҳирона таржима қилиб, ўзбек китобхонларини хушнуд этди. Хусусан, Жаҳон адабиётининг нодир асари

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» си Ш. Шомуҳамедовнинг ижодий фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Шоислом Шомуҳамедов таржиманинг аҳамиятини ҳис этгани, таржимонлик машаққатини чеккани учун ҳам таржимон кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бермоқда.

Тошкент Давлат университетида таржима назарияси кафедрасининг ташкил қилиниши, унинг малакали мутахассислар билан таъминланишида Ш. Шомуҳамедовнинг ҳиссаси катта. Мазкур кафедранинг етук мутахассисларидан Нажмиддин Комилов Шоислом акани ўз устозларидан бири деб билди. Шоислом ака Нажмиддиннинг олим бўлиб етишишига улуш қўшган, унинг кандидатлик диссертациясига оппонентлик қилган.

Ш. Шомуҳамедовнинг таржимонлик фаолиятида «Шоҳнома» асарининг таржима қилиниши муҳим ҳодиса бўлди. Мутахассислар, адабиёт мухлислари, ижодкорлар, ўқувчилар орасида «Шоҳнома» таржимонларини, хусусан, Ш. Шомуҳамедовни ижодий жасорат билан қизғин табрикладилар.

Шоислом ака Фафур Фулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор билан қилган ширин-ширин суҳбатлари ҳақида хотиралар ёзган. Ойбек вафотига бағишланган гиря шеърисида Ш. Шомуҳамедов қалби аниқ «кўринган».

Пиримқул Қодировнинг «Қўл ва қалб», Миртемирнинг «Етуклик», Вячеслав Костириянинг «Саводсизлик–мажруҳлик», Эркин Воҳидовнинг «Толмас тарғиботчи», Келди Қодировнинг «Олимнинг бахти» мақола, очеркларисида Шоислом Шомуҳамедов ҳаёти, ижоди – серқирра фаолияти ҳақида кенг маълумот берилган.

Шоир Эркин Воҳидов олимнинг тадқиқотлари, таржималари, чуқур билими ҳақида ёзади: «Сира эсимдан чиқмайди: 1966 йили Фафур Фулом бошчилигида Шоислом ака билан мен Душанбега, тожик ёзувчилари съезидига борган эдик. Ўшанда мен беш кун давомида устоз шоир билан устоз олимнинг дилбар суҳбатларига гувоҳ бўлганман. Уларнинг гоҳ Ҳофиз, гоҳ Бедил, гоҳ Саъдий байтларини айтиб завқланишларига ҳайратланганман. Ўзимча: «Фафур Фулом туганмас кон экан, Шоислом ака ҳам ундан қолишмас экан», – деган фикр-

га келганман». Билим ям-яшил дарахтдай гап: қуёш нури тушиб турмаса, ер тафти сувдан баҳра олмаса – қуриб қолади. Билим тўлиб оқаётган азим дарё мисоли: булоқлар кўзи беркилса, жилғалар йўли тўсилса – ўнқир-чўнқирликка, хароба-зорга айланади. Олим одам ҳамиша билимини бойитиб, қарашларини фаннинг янги ютуқлари билан тўлдириб бориши зарур. Олим одам зиё тарқатишдан, билимидан ўзгаларни баҳраманд этишдан чарчамайди.

Шоислом Шомуҳамедов Ҳиндистоннинг Панжоб, Мисрининг Айнушамс, АҚШнинг Иллинойс, Мериленд университетларида, Чехословакия Фанлар академиясида лекциялар ўқиди. Шоислом ака қайси илмий анжуманда қатнашмасин, олис-олис юлдузлар шуъласини тўла қамрашга – форс-тожик адабиёти классиклари асарларининг янгидан-янги талқинларини топишга, улар қимматини замон тарозусида беҳато ўлчапга интилади.

Шоислом ака форс-тожик адабиёти классиклари қимматбаҳо фикрларини китобхонларга шунчаки етказиб бермайди, аввало, улар насихатига ўзи амал қилади:

*Кимдаки ақлдан бирон сатр бор,
Умрин бир лаҳзасин ўтказмас бекор...*
(Умар Хайём)

ДУНЁ ТАРТИБОТИ ШУЛ...

2007 йил. Қиш охирлаб қолган, ҳут эндигина кирган. Шоислом Шомуҳамедов бандаликни бажо келтирганлигини эшитдим у таъзияга шошилдим. Домланинг ҳовлиларидан 300–400 метр бериданоқ автоуловлар турнақатор тизилишган, чор атрофдан одам оқиб келяпти. Ташқарига юзлаб стуллар қўйиб ташланган. Келувчиларнинг аксарияти таниш: Шарқшунослик институти жамоаси хизматда, Миллий университет, кўплаб институтлар профессор-ўқитувчилари, турли идора вакиллари, қавм-қариндош, маҳалла-кўй жамул жам. Ҳамма жим, бошлар ҳам... Шоислом устоз узоқ яшадилар, илмда ўз йўлларини белгиладилар, баракали ижод қилдилар. Ваҳолонки, устоз яша-

ган замон қалтис, хавф-хатарли эди. Ёш Шоислом замон билан бирга одимлайди, сиёсат жирини жирлади: Иккинчи Жаҳон уруши жангларида қатнашди, ўлим билан юзма-юз келди, оғир жароҳат олди. Лекин тақдир Шоислом аканинг юрагидан ўрин олган бебаҳо бойлик Ҳаёт опани ато этди. Домла саксон олти йиллик ҳаётларида нимага эришган бўлсалар, шаксиз бу ютуқда Ҳаёт опанинг ҳиссалари бор. Ҳаёт опадан кейин Домла олти ойга етар-етмас муддат яшадилар. Сўнг... Ҳаётлари изидан кетдилар:

*Бахтиёр десалар арзир отимни,
Келтирайин бунга қўш исботимни:
Кўкракдан ўқ едим, ўлмайин қолдим,
Муҳаббатда топдим чин Ҳаётимни*

Ҳаётдан хушнуд Шоислом ака сал кам олтмиш йил илм-ижодда изландилар, кўзлаган мақсадларига етдилар.

Мен устозни илк бор 1954 йилда, 1-курсда у кишидан сабоқ олганман. 70-80-йилларда Шоислом Шомуҳамедов билан яқиндан танишдим: илмий-ижодий хазиначилари, ижтимоий фаолиятлари билан ошно бўлдим.

Шоислом ака аввало, Фафур Фулом, Е.Э.Бертельс, А.Н.Болдиоров, Миртемир, Т.А. Саримсоқов, С.Ҳ. Сирожиддинов сингари адибу фозилларни устоз деб билдилар.

Устоз умрларини форс-тожик адабиётини ўқиш, талқин этиш, таржима қилишга бағишладилар ва Жомий, Умар Хайём, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз каби назм гулшани булбуллари хониш қилиш (сўзлашиш) ларига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ш. Шомуҳамедов Ўзбекистон Миллий университети, Шарқшунослик институтида юзлаб етук мутахассисларни тарбияладилар, уларга илму меҳр улашдилар. Устоздан эликдан ортиқ илмий, бадий, таржима, дидактик асарлар мерос бўлиб қолди. Муҳими, Шоислом Шомуҳамедов нафақат шарқшунослик илмидан, балки одамийлик фанидан сабоқ беришдан сира эринмадилар:

*Ёзувчи ва олимлар Сизларгадир бу хитоб!
Ичи қора одамга тақдим этмангиз китоб:
Китоб ичра хатчўндай файздан улар бебахра,
Ҳеч ёришмас диллари ҳатто кирса офтоб.*

Устоз мўътабар олим, донишмандлик мақомига етган Инсон эдилар. Улар ҳеч кимдан нолимай, ҳеч кимни ғийбат қилмай ўтдилар. Лекин устоз тинчу асабини бузганлар оз эмас эди:

*«Бу дунё жаҳаннам» – деди бир киши,
Йўқ, йўқ, аксинчадир унинг қилмиши.
Дўзахда ёнади гуноҳкор банда,
Оқилни куйдирмоқ бу дунё иши...*

Устоздан солиҳ фарзандлар, илми дарё шогирдлар қолди. Ишонч комилки, фарзандлар, шогирдлар Устоз ёққан чироқни машъалага айлантирадилар. Шоислом Шомуҳамедов форс-тожик адабиёти буюк сиймолари яратган маънавий бойликлардан ўз халқини баҳраманд этди. Лекин Шоислом домла Навоийни буюклар буюги деб билди. Устозда қатъий ишончи бор эди: ўзингникини англаб етмасанг – ўзганикининг қадрига етмайсан.

Домланинг мангу масканлари Шайх Зайниддин бува мақбаралари ўнг биқинида бўлди. Шоядки, улуғ боболаримиз, пиру муршидлар заҳматқаш, камтарин устозимизни маҳшар куни қўллаб юборсалар.

Шоислом Шомуҳамедов инсоннинг аввали ва охири ҳақидаги гапни аллақачон айтиб қўйган эдилар:

Отам, онам кетмишлар, мен ҳам бир кун кетармен,
Улар борган жойларга мен ҳам бир кун етармен.
Кўп уринма, бу фалак охири қилур ҳалак,
Дунё тартиботи шул, шундай бўлгач, нетармен?!
2007 й.



НАЖМИДДИН НИЗОМИДДИНОВ

*Филология фанлари доктори,
профессор*

УСТОЗ – ОТАНГДАЙ УЛУФ

Биринчи воқеа

Адашмасам, мен ўша кезлари энди уйланган вақтим эди, чоғи. Гарчи ёнимда суянса арзигулик тоғдек меҳрибон акам бўлсалар-да, барибир, мустақил рўзгор тебратиш жуда қийин кечарди. Шу тарзда ўтаётган кунларнинг бирида, аввалги қисқа хорижий сафарда яхши «характеристика» билан қайтганим учунми ё янги туғилган фарзанд шарофати биланми, дафъатан денг, Москвадан навбатдаги сафарга таклиф олдим.

Менинг бу «кутилмаган бахт»дан қандай аҳволга тушганлигимни тасаввур қилиш, ўйлайманки, у қадар мушкул эмас. Аммо, маълумки, бизнинг вақтимизда чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш доим ҳам осон кечвермасди. Қолаверса, турли тиббий текширувлар, «характеристика»нинг ўз даври нуфузли ташкилотларда тасдиқланиши ва бошқа расмийчиликлар гоҳо одамни зада қилиб юборарди.

Турмуш экан, оғирига чидаб, энгилига шукр қилиб, ахир ўзим ва оила аъзоларимга барча хат-ҳужжатларни жамлаб университет қошидаги тегишли бўлимга топширдим. Қани энди, аросатда чўзилган кунлар тезроқ ўта қолса-ю, янги рўзгор учун «ҳаёт ё мамот» масаласи тезроқ ҳал бўла қолса! Чунки бу ҳолатда на бир жиддий ишга қўл уришни ва на «икки қўлни қовуштириб» кутишни биласан. Яна ким билсин, балки бу ёшликнинг баландпарвоз орзу-умидлари қаршисидаги бесабрлик туйғуларидир. Боз устига, интиқиб кутилган сафарнинг «марказ»дан тезлашиб қолганлиги ва менинг ўрнимга кимнингдир номзоди тавсия қилинганлиги ҳақида хабар келганда, сираси, «додимни» кимга айтишни билмай қолдим...

Айтсам, ишонасизми-йўқми билмадим, лекин Тошкент Давлат университетидек катта даргоҳ ишлари билан муттасил банд профессор Шоислом Шомухамедов, бошларида шунча ташвишлари бўла туриб, ҳаттоки менинг муаммоларимдан ҳам бохабар эканлар. Буни уларнинг ҳузурларига кирганда билдим.

Устоз билан бўлган суҳбатнинг мухтасар мазмуни шуки, у киши менга оиламни олиб тўғри марказга кета беришимни маслаҳат бердилар. Мен бундай марҳамат олдида ҳижолат тортиб, қанчалик истамай, бу «таваккал»нинг тафсилотини сўраб-суриштиришга ҳаддим сифмади. Ҳолатимни домла ботиндан сездилар шекилли, ҳаяжонда миннатдорчиликни насия қилиб ҳузурларидан чиқиб кетаётганимда шундай дедилар:

– Нажмиддин, сиз келин билан то Москвага етиб боргунизча, биз бу ерда барча тегишли чораларни кўриб қўямиз. Хайр, сафар бехатар бўлсин!

Ҳа, мен табиатан мўъжизаларга ишонадиган одамман. Бироқ, энди чуқурроқ ўйлаб қарасам, ўша биз излайдиган мўъжизалар меҳригиёси аслида қалбларда макон топар экан. Бинобарин, ўттиз йил муқаддам мавжуд муҳит шароитида «на хешу на ақрабо бўлмаган собиқ бир талаба» нинг тақдирида муҳим босқич бўлиши мумкин паллада шу қадар меҳрибончилик кўрсатиш – бу бир умр инсонпарварлик ғояларини илмда тадқиқу, ижодда тарғиб қилган зоти шарифнинг оддий кундалик ҳаётидаги амалиёти десак, муболаға бўлмас.

Айни шу «синов»да мен проф. Шоислом Шомухамедовнинг, наинки, фақат устоз, балки, тём маънода, оталик муруватига ҳам муяссар бўлдим!

Иккинчи воқеа

Минг тўққиз юз тўқсон биринчи йили навбатдаги чет эл сафаридан қайтишим билан, аввал ўзбек, кейин рус ва яна ўзбек тилида уч маротаба қайта ёзилган номзодлик диссертациясини синов семинарларидан ўтказиш пайига тушдим. Дастлаб ишни Ўз.ФА «Тил ва адабиёт институ-ти», сўнг Тош-

кент Шарқшунослик институти илмий кенгашига топширдим. Вақт эса, назаримда, бешафқат ўтиб борарди. Борган сари соч оқариб, фарзандлар бўйи эса бўйингга баробар бўлиб қолганда, докторлик бўлса-ку майли, лекин фан номзоди бўлишга интилиш, аллақачон унвонли дўст-ёронлар орасида биров ноқулай туюларди. Шунда ҳам аҳдимдан қайтмадим, чунки марҳум жигаргўшамиз – проф. Илёс Низомиддиновга берган ваъдага вафо, мен учун энди наинки илмий, балки инсоний бурч ҳам эди.

Юра-югура ахир «иш пишди» деганда, аксига олиб, диссертация ҳимояси олдидан турли эътирозлар пайдо бўла бошлади. Буни «одатдаги ҳол» билиб, кўнгилга олмадим. Аммо бу «одатдаги ҳол» жиддий тус олса, қанчалик заҳматга айланишини ўз бошимдан ўтказганимда ҳис қилдим.

Диссертациянинг сўнгги семинари вақтида, тақризчилардан бири, ҳинд шоири «Кабир ижодининг илдизи очилмаган» эканлиги асосидаги танқид билан, ишнинг ҳали хомлигига ишора қилди. Шунда устоз Ш. Шомуҳамедов, «илдизни очиш масаласи»да мунаққиднинг мавзу бадиияти тилидан мутлақо беҳабарлигини таъкидлаб, деганди:

– Диссертациядаги айрим камчиликлардан қатъий назар, муаллиф «XVI–XVIII аср Ҳиндистон туркийзабон адабиёти» дек муазз ам бир қасрга йўл очибди. Бундан кейин мазкур соҳада ишлайдиган тадқиқотчилар, манзилга фақат Нажмиддин очган сўқмоқдан боради...»

Домланинг дилдан берган бу баҳолари, очиғини айтганда, диссертациянинг қолган барча – ҳимоягача бўлган синовларида мен учун маънавий қалқон вазифасини ўтади. Шушу парофессор Шоислом Шомуҳамедовнинг илм йўлидаги ўз шоғирдига нисбатан қилган устозлик мурувватлари, мустақил ҳаётга илк қадам қўйган чоғимдаги кўрсатган беминнат оталик ёрдамларининг мантиқий давоми бўлди десам, янглишмайман!

Учинчи воқеа

Имоним комилки, ушбу нашр этилажак мажмуада, албатта «порлоқ хотиралар баёни» муаллифларининг аксарии

яти устознинг илмий-ижодий фаолиятларини кўпроқ ёритсалар керак.

Барча арабшунос ва эроншунос дўстларимиз баҳра олган устознинг машҳур «Аруз мавзуи»даги маърузаларидан негадир биз – ҳиндшунослар бенасиб қолганмиз. Шу боис ҳар сафар «аруз масаласи»га дуч келганда, суҳбатдошлар даврасида «тилимиз қисқа». Айтишганларидек, ҳар қандай афсонада бир «чимдим» ҳақиқат ётади. Номзодлик ва сўнг докторлик диссертациямда илк бор Ҳиндистон ўрта аср адабиётидаги бражбқашада битилган байтларни шеърий таржима қилишда аруз илмидан бенасиб бўлганлигим жуда ҳам билинди.

Сўнгги воқеа

Домланинг докторлик диссертациям муҳокамасида менга билдирган ишончлари хусусида.

Не бахтки, мен учун ўта оғир кечган хасталиклардан сўнг диссертациянинг ҳимояга тавсия этилиши олдидан ўтказилган сўнгги муҳокамани, деярли, домланинг ўзлари олиб бордилар. Билдирилган танқид ва истаклардан кейин, тўсатдан яна номзодлик диссертациям вақтидаги «таниш руҳиятдаги эътироз» ўртага ташланди. Даврада ўтирганларнинг бари диссертацияни ҳимояга тавсия этган устознинг шогирдлари. Қолаверса, эътироз билдирган томонга ҳам беписанд бўлиш – яхшилиқдан эмас...

Асосий эътироз – ҳинд қўлёзма фондларидан топилган туркий манбалар, жумладан, Байрамхон ғазаллари матнида имло хатолар борлиги, ишда эса улар тузатилмагани бўлди. Бу эътироз тўғри эди. Бироқ, бир ғазал икки мисрасидаги имло хатолар бутун диссертацияга тадбиқ этилиб, хулоса чиқарилса, бу – таажжубланарли ҳолдир. Ҳолбуки, айти шу имло хатоларга туркий тилни билмаган котиблар йўл қўйганлиги, тадқиқотда илмий муомалага киритилган қўлёзмалар Самарқанд ё Бухоро нусхалари эмас, балки Ҳиндистонда ёзилгани аён эди. Ҳинд котиблари хатоларга йўл қўйиш одатидан, ҳатто Беруний ҳамда Денисон Росс ўз вақтида шикоят қилгани тарихдан маълум. Ниҳоят, ишнинг тегишли

жойлари таҳрир қилиниб, уни келгуси илмий кенгашларнинг бирида муҳокама этишга қолдирилди.

Кейинроқ эса... аввало Аллоҳ, қолаверса, устознинг фидойилик фазилатлари ҳамда уларнинг илм-фанда унвондор садоқатли шогирдлари ёрдами қўл келди.

Ҳимоя куни домла бетоблик боис, уйдан институтга келадиган аҳволда эмасдилар. Мен Алишердан албатта устозни ҳимояга олиб келишини қайта-қайта илтимос қилган эдим. Ҳимоя бошланиши олдидан диссертант учун четдан ажратилган жойга ўтирмақчи бўлсам, кўзим тўрда ўтирган устозга тушиб, борлигим ажиб туйғуга фарқ бўлиб, қалбим равшан тортди. Минбарга таклиф қилинишим билан Яратганга таваккал қилиб, мутлақо ички бир хотиржамлик, тетиклик билан маърузани бошладим.

Ҳимоя жараёни тугаб, юз фоиз овоз берилганида, устознинг табиатан ўзларига хос файзли рўй-рухсоридан билдимки, натижадан мамнунлар. Афсуски, ёнимга қучоқ очиб келган фарзандларим ва дўстларим табриги билан бўлиб, устозни кўздан қочирдим. Бир оздан сўнг ҳимоя кенгаши аъзолари томонга қарасам, уларнинг орасида устоз кўринмадилар. Демак, шогирд ҳимояси учун ташвиш – шундоқ ҳам нозик тортиб қолган устоз саломатлик риштасига таъсир этган бўлиши мумкин.

Ҳимоядан сўнг ҳамма тарқалгач, Шарқшунослик институти ҳовлисидан ташқари чиқар эканман, «Устоз – отангдай улуғ» ҳикматомуз иборасининг тилла узукка олмос кўздек топиб айтиганлигини қалбан ҳис этдим.

Устоз билан видолашиш – айрилиқ тоғи гўё қалбимга қулаб тушгандай бўлди. Устозни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

2007 й.



ГУЛЛАР ПАРИШОН, БУЛБУЛЛАР ҲАЙРОН...

Баъзи одамлар тириклигида ўлмайдигандек кўринади. Лекин табиатда қайтиш муҳаққақ. Шоислом Шомуҳамедов ўтган асрнинг 60-йилларида биз ёшларга ғоятда мукаррам ва сарвиравон зот бўлиб кўринарди. У Давлат бадий адабиётининг Шарқ адабиётлари бўлимига тез-тез келиб турарди. Бу бўлимни шарқшунос Тоҳир Иброҳимов бошқарар, бўлим ишларида шарқшунос Рустам Комилов фаол иштирок этарди. Ўша пайтлар юлдузи илм оламида авжга кўтарилаётган Шоислом Шомуҳамедов шарқ халқлари адабиётлари ва айниқса, араб, форс, ҳинд, урду, хитой адиблари асарларини ўзбек тилига ўгириб нашр этиш юзасидан янги-янги таклифлар, ташаббуслар, тавсиялар билан келар, нашриёт режаларини актуаллаштиришга катта ҳисса қўшарди. У Шарқ адабиётлари мутахассисигина бўлиб қолмай, фаол шарқшунос олим, таржимон, адиб, илмфан ташкилотчиси сифатида ҳам тиним билмай, катта самара билан ишларди. Кўп иқтидорли шарқшунос шогирдларини нашриётимиз билан фаол ижодий ишлаш ҳамкорлик қилишга тортарди. Халқаро ижтимоий, маданий анжуманларнинг Тошкентда муваффақиятли ўтишига ғайрат кўрсатиб жонбозлик қиларди. Шоислом Шомуҳамедовнинг муҳаббатли, самимий, меҳрибон тарбияси шарофати билан шарқ адабиётларининг бир қатор талантли, билимдон таржимонлари етишиб чиқди. Улар ҳинд, урду, пуштун, форс, араб тилларидан аслиятдан ўзбек тилига таржима қилишар, бадий таржимага янги тўлқин бағишлар, миллий адабиётлар ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамланишига жон-дилдан ҳисса қўшишарди. Шарқ тилларидан аслиятдан таржима қилишда Шоислом Шомуҳамедов мактаби вужудга кела бошлаган, ўзбек ўқувчиларининг мумтоз ва замонавий Шарқ адабиёти намуналари билан ошно қилиш анча кенг йўлга қўйилган эди. Шу маънода у ўзбек шарқшунослигидаги ижодий йўналишнинг Азиз Қажумов, Убайдулла Кари-

мов, Алибек Рустамов, Музаффар Хайруллаев, Асомиддин Ўринбоев, Мубин Баратов, Ашраф Аҳмедов, Абдусодиқ Ирисов, Неъматилла Иброҳимов каби йирик намояндалари сафида туради. Шоислом Шомуҳамедовнинг ўзи бадиий таржимада ёрқин ибрат кўрсатарди. Унинг ажойиб ижодий ғайрати боис Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Зебунисо, Ҳофиз Шерозий каби буюк шоирларнинг асарлари ўзбек тилида янгради.

Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз ғазаллари, рубойилари, ҳикматларидан ўзбек адиби Шоислом Шомуҳамедовнинг овози кўнгилларни ром этиб эшитилиб турадиган бўлди. Эл Хайём рубойиларини Шоислом Шомуҳамедовнинг таржималарида таниди, тан олди ва ҳамон ёд айтади, ёдлаб юради. У улуғ назм дарёларини ўз оташин юрагидан ўтказди, уларга ўз ихлос ва муҳаббатини эш-йўлдош этди. Хайём, Ҳофиз, Саъдий ғазалиёти деганда бизнинг кўз ўнгимизда узоқ вақт Шоислом Шомуҳамедов гавдаланадиган бўлди.

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома» сининг янги замон ўқувчиси ҳузурига етиб боришида Ҳамид Фулом, Жуманиёз Жабборов каби адиблар қаторида Шоислом Шомуҳамедовнинг хизматлари ҳаминша муҳаббат ва миннатдорлик туйғулари билан тилга олинади. У «Шарқ» компанияси нашриёти билан яқин ижодий ҳамкорликда Шарқ адабиёти намуналари кутубхонасини ташкил этди. Неча ўнлаб улуғ адибларнинг асарлари кенг халқ ўқиши учун шу оммавий кутубхона туркумида нашр этилиб, улкан маданий меросга айланди.

Шоислом Шомуҳамедов Саъдий, Ҳофиз, Хайём эъжозий асарлари каби гўзал табиатли, хушхулқ, хушлаҳжа, хушахлоқ инсон эди. У доим ҳарбийлар каби қаддини ғоз тутиб юрар, кўркам либослар кияр, там-тамланиб кўркам сўз айтар, ўз адолати, меҳри, дилафкорлиги билан шарқона баркамол даврасига чорларди.

У улкан зиёли инсонга хос кўркам яшади, кўркам ижод қилди, кўркам улуғ мерос қолдирди. Зийнат, ўлмас зийнат яратди.



МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗ

Ҳар бир элим, юртим деган инсон ўз Ватани учун содиқ хизмат қилади, унинг дарди билан яшайди, миллатининг илм-фанини юксак чўққиларга кўтаришга интилади ва шу орзу ва эзгу мақсадлари йўлида ўз умрини бағишлайди. Шунинг учун ҳам бундай инсонларни халқ фахр ва меҳр билан тилга олади, уни ардоқлайди. Шоислом ака халқ тили ва дилига тушган, ўзининг бутун ҳаётини ёшларни вояга етказиш, фан ва маданият таракқиётига бағишлаган, Ватанга садоқат, муҳаббат ва чинакам меҳнат намунасини кўрсатган ажойиб инсон ва меҳри дарё устоз эди.

Шоислом ака инсон руҳини, табиатини, кайфиятини, ҳаётини жуда нозик ҳис этувчи сезгир инсон эди. У ҳушчақчақ, файзли, шунингдек дилкаш суҳбатдош эди. Унинг нозик қалбида инсонга хос бўлган барча ҳис-туйғулар ўз тажассумини топган эди. Ана шу хислатлар бу инсоннинг мураббийлик, илмий ва ижодий фаолиятида муҳим очқич вазифани ўтаб келди.

Биз 60 йилларда Шарқ факультетида ўқиган шогирдлар Шоислом акани хотирлар эканмиз, домланинг илмий-ижодий жамоатчилик эътироф этган жуда улуғ инсон, машҳур шарқ-шунос олим, шоир ва таржимон, мумтоз ва ҳозирги замон эрон адабиёти бўйича тадқиқотлар, дарсликлар ва форс адабиётининг ўнлаб классиклари асарларини таржима қилиб, уларни ўзбек халқи маънавий мулкига айланишига улкан ҳисса қўшган сермаҳсул ижодкор сифатида эслаймиз. Биз, ҳозир илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган олимлар, 1962–1967 йилларда шарқ факультетининг талабалари сифатида Шоислом ака ҳаёт мактабини ўтдик ва улар бизни илмга дадил кириб боришга, камол топишга, жамиятга фойдали мутахассис бўлиб етишувимизга салмоқли хисса қўшганлар.

Биргина менинг илмий ва илмий ташкилий фаолиятим ҳам бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Мен университетни тамом-

лаб, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейига ишга кирганимдан сўнг, келгуси фаолиятим Ҳамид Сулаймон ва Азиз Қаюмовлардек машҳур олимлар билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Шу давр мобайнида Шоислом ака билан умрларининг то охирларигача улар билан бевосита мулоқотда бўлиб, домланинг беминнат хизматлари ва ўғитларидан баҳраманд бўлганман. Шу боис Шоислом Шомухамедов билан боғлиқ бўлган баъзи илмий ва ҳаётий лавҳаларнинг айрим унутилмас лаҳзаларини хотирга олиб ўтишни жойиз деб биламан.

1966 йилда Шоислом ака иқтидорли ёшлардан учта талабани, шулар қаторида мени ҳам, Жазоир дорулфунунига таҳсилга йўлладилар.

Шарқ факультетини тугатгач, энди Жазойирдан она юртимга қайтган кезларда, илмга бўлган ихлосимни эътиборга олиб домла мени машҳур навоийшунос олим, йирик текстолог, моҳир илм-ташкilotчиси Ҳамид Сулаймон раҳбарлик қилаётган Адабиёт музейига ишга боришга маслаҳат бердилар.

1967 йили Ўзбекистон ҳукумати Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Музей олдида улкан вазифаларни амалга ошириш турган эди: биринчидан, Навоий кўчасидаги зилзиладан ярим вайрона ҳолига келган Тошкент вилоят ижроия қўмитаси биносини Адабиёт музейига айлантириш, Навоий таваллудининг 525 йиллигига шоир асарларининг ўзбек тилидаги 15 ва русча тилдаги ўн томлигини нашрга тайёрлаш, бой қўлёзма меросимизни жаҳон қўлёзма фондларидан ахтариб, бир ерга жам қилиш, бу бебаҳо манбаъларни илмий тадқиқот доирасига киритиб, уларни нашр қилдириш ва бошқа қатор илмий ва илмий-ташкилий вазифалар турган эди.

Шу муносабат билан Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллик тўйини муносиб ўтказишга тайёргарлик ишлари қизғин эди. Юбилейни ўтказиш қўмитаси тузилди. Рўйхатда С.Азимов, К.Яшин, А.Қаюмов, Ҳ.Сулаймонов, Р.Мажидийлар билан бир қаторда Шоислом ака Шомухамедовнинг табаррук номлари ҳам бор эди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида Шоислом ака айниқса Навоийнинг 15 томлик ўзбек тилидаги ва 10 томлик рус тилидаги асарлар тўплами ва Навоий афоризмларининг 8

тилда Ватанимизда ва Москвада нашр қилинишида хизматлари катта бўлганлигини алоҳида айтиб ўтиш жойиз. Шоислом аканинг Москвадаги таржимонлар ва Россия фанлар академиyasi Шарқшунослик институти олимлари билан яқиндан ижодий ва дўстона муносабатлари бу улкан ишнинг тез амалга ошишида жуда қўл келди. Ҳали-ҳали кўз олдимга келтираман: Москвада «Москва» меҳмонхонаси. К.Яшин билан Шоислом ака В.Державин, Л.Пеньков ский, С.Сомова, Л.Спендиярова каби ўнлаб машҳур таржимонларни йиғиб уларга: – Бу йигит Навоий асарларини таржима қилиш билан боғлиқ ҳамма илмий-ташкилий ишларда Сизларга кўмак беради, – деб таништирдилар. Шоислом ака билан Ҳ.Сулаймон бу улкан ишга бошқош бўлиб турдилар.Натижада бу катта вазифа Навоий асарларининг сўзма-сўз таржималари орқали қисқа муддат ичида бажарилди. Навоий асарларининг рус, ўзбек ва хорижий тиллардаги ўнлаб китоблари Москвадаги 1-намунавий босмахонада қисқа муддат ичида кўп миқдорда босилди. Навоий асарларига ишланган миниатюралар альбоми эса 5 босмахонада чоп этилди. Хорижий меҳмонларга мўлжалланган совға-саломлар Москвадаги «Госзнак», С.Петербург шаҳридаги «Монетный двор» ва скульптура комбинатларида тайёрланиб, катта тантаналар арафасида юртимизга олиб келинди. Шу ўринда яна бир халқаро миқёсда ўтказилган тадбир ҳам Шоислом аканинг Эрондаги катта обрўси ва шуҳрати туфайли юқори савияда ўтганлиги ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчиман. Навоий юбилеи ўтгандан бир-икки йил кейин **Адабиёт музейи Юнеско** ташкилоти томонидан **Темурийлар даври санъати бўйича халқаро симпозиум ўтказиш марказига** айлантирилди. Ташкилий қўмита Бош раиси этиб машҳур ёзувчи Константин Симонов, Ўзбекистонда унинг раиси этиб академик И.Мўминов ва ўнлаб машҳур олимлардан иборат қўмита аъзолари сайланган эди. Булар орасида Ҳамид Сулаймон билан бир қаторда Шоислом ака ҳам рўйхатдан ўрин олган эдилар. Ташкилий қўмитанинг иш жараёнида Эрондан санъатшунослик соҳасидаги олимларни аниқлаш ва уларни симпозиумга таклиф қилиш муаммоси кўтарилди. Шунда узоқ йиллар Ўзбекистон Давлат нашриётида шарқ халқлари адабиёти мудири ҳамда шарқшунослик факультети-

да Чет эл шарқи адабиёти кафедраси мудири сифатида ишлаб келган Шоислом ака кўп танишлар орттирган эдилар. Эрондаги расмий идоралар ва олимлар ўртасида катта эътибор қозонган домла бу вазифани бажаришни ўз зиммаларига олдилар. Натижада Симпозиумга 4 нафар санъатшунос олимлар билан бирга Эрон шоҳи саройидаги номдор хаттотлар-Озорбуд ва Зарринхатлар ҳам юртимизга ташриф буюрдилар. Фурсатдан фойдаланиб Ҳамид Сулаймон бу машҳур хаттотлардан унумли фойдаландилар. Улар хаттотлик санъати намуналарини юксак ҳуснихатлари орқали намойиш қилдилар. Шунингдек Ҳамид Сулаймон уларнинг маҳоратидан Алишер Навоий асарларининг **унвон, шамс ва бошқа хаттотлик санъати билан боғлиқ бўлган матнларини** чиройли қилиб кўчиртириб, юксак санъат намуналарини яратишга жалб қилдилар. Бу санъат намуналари ҳозир ҳам Адабиёт музейи залларининг кўрки сифатида зиёратчиларни хушнуд этиб келмоқда. Шоислом ака сабабли бу эронлик меҳмонлар музейидаги бир неча истеъдодли ёш илм толибларига хаттотлик санъатидан сабоқ беришди. Бу ёшлардан айримлари тузиккина хаттотлар бўлиб етишди ва ҳозир ҳам ўз санъатларини шарқ қўлёзмаларини кўчириш ва хаттотлик намуналарини яратишда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Маълумки, Заҳриддин Муҳаммад Бобир ва унинг фарзанди Комрон Мирзо девонлари нусхалари, ватанимиз китоб хазиналарида йўқ. Улар Париж миллий кутубхонаси, Ҳиндистон, Туркия ва Эрон қўлёзма фондларида сақланиб келинмоқда. Ана шу бой меросимизнинг нусхаларини яратиш муаммоси ҳаминиша долзарб ҳисобланиб келган. Бундай хайрли ишларга мазкур хаттотлардан сабоқ олган истеъдодли ёшлар жалб қилинди. Бобир девонининг Тошкент нусхаси, Бобир фармонлари ва рубоийларини ҳусни хат билан Тўхтамурод Зуфаров ва Комрон Мирзонинг Ҳиндистон қўлёзмалар фондларида сақланиб келатган Калькутта, Деҳли ва Ҳайдаробод нусхалари асосида унинг танқидий матнини хаттот Маъмура Рашидова амалга оширдилар.

Шоислом ака ташаббуси билан амалга оширилган Республика ва халқаро миқёсдаги катта аҳамиятга молик ва хайрли ишлардан яна бири Адабиёт музейи, сўнгра унинг асосида

ташқил этилган қўлёзмалар институти томонидан «Шарқ классиклари шеъриятдан» кутубхонаси сериясининг ташқил этилишидир.

Дастлаб бу масалани Шоислом ака Адабиёт музейи илмий кенгашида Шарқ халқлари адабиётининг энг йирик вакиллари сара асарларини ўзбек тилига ўгириб уларни ўзбек халқи маънавияти мулкига айлантириш ва бу ишни амалга ошириш мақсадида «Шарқ, классиклари» рукни остида **туркий, форсий ва бошқа миллатлар адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллаган буюк ижодкорлар асарларини минг жилдлик нашри**ни амалга ошириш масаласини кўтариб чиқдилар. Бу таклиф ҳаммага маъқул тушиб, унинг раҳбарлари ҳам тасдиқланди. Натижада Шарқ халқлари адабий меросининг юзлаб энг ёрқин ва сара намуналари чоп этила бошланди. Дастлаб Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий, кейинроқ Умар Хайём ва Бедил лирик мероси нашр қилиниб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. Айниқса Саъдийнинг Шоислом ака томонидан нашрга тайёрланган «Гулистон» ва «Бустон» асарлари халқ орасида энг севимли китоблардан бўлиб улар тез тарқалиб кетди. «Шарқ классиклари шеъриятдан» рукни остида чоп этилиб келган китоблар шу тариқа тез шухрат топганидан, бу нашр, рус китобхонлари учун ҳам катта тиражда чоп этила бошланди. Эндиликда ўзбек китобхонини қардош халқлар адабиётининг энг сара ижод намуналари билан ҳам таништирила бошланди. Кейинчалик Маҳтумқули, Билол Нозим каби қардош халқлар классик адабиётининг дурдоналари ҳам китобхонларга етказилди. Шоислом ака ташаббуси билан бошланган савобли ишлар натижаси ўлароқ «Шарқ халқлари шеъриятдан» серияси ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий тарбиявий аҳамиятга молик рукн сифатида 1978 йили Халқаро китоб кўргазмасида (*Москва, 1978 йил*) кумуш медал билан тақдирланди.

Шоислом аканинг ижодий меросига назар ташлар эканмиз, унда бу улуғ ашломанинг Шарқ халқлари адабиётининг узоқ қадимиятдан то замонамизга ача яратилган Адабиёт музейи, сўнгра унинг асосида ташқил этилган қўлёзмалар институти ўлмас обидаларини талқик этишга бағишлаб ёзилган «Ҳақиқат излаб», «Оталар орзуси истиқбол кўзгуси», «Абдураҳмон Жо-

мий», «Саъдий Шерозий», «Ҳофиз Шерозий», «Малик уш-шу-аро Баҳор», «Форс-тожик арузи», «Амир Хусрав Деҳлавий», «Гуманизм – абадийлик ялови», «Эҳсон Табори», «Форс-тожик адабиёти классикларида гуманизм», «Бадиий таржима ва адабиёт», «Навоий ва тожик адабиёти» каби монографияларининг ўзи бу инсоннинг кенг қамровли билим эгаси ва дақиқ олимлигини кўрсатса, унинг «Кенжатои сўзлайди», «Вақт», «Рубоийлар», «Гулбоғ», «Ҳайкал» каби ўнлаб китоблари бу улў инсон қалбидаги улў гоё ва орзулари ўз тажассумини топган шоир ва адиблигидан гувоҳлик беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки Шоислом аканинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб музей экспозициясида алоҳида хона ажратилганлиги ҳам бу улў ижодкорнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни ва қардош халқлар адабиёти равнақига қўшган улкан ҳиссасининг эътирофига ёрқин бир далилдир.

Ҳурматли домлаамиз ўта камтар инсон ва меҳрибон мураббий эдилар. Уларнинг раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлар вояга етишиб чиқди.

Шоислом ака улў ёшларига қарамай Музейга тез-тез келиб турар, экспозиция ва музей хазинасини бойитиш ишига алоҳида аҳамият берар, айниқса ёш матншунос кадрларни тайёрлашда хизматларини аямас эдилар.

Домла ҳатто умрларининг охириги йилларида ҳам Музейдаги аспирант ва докторантларга илмий раҳбарлик қилишга розилик берган эдилар.

Сўнги икки уч йил ичида домла раҳбарлигида Солижон Қурбонов «Носир Бухорий форсий девонининг илмий-танқидий матни ва тадқиқи» мавзуида докторлик, Феруза Низомова эса, «Амир Хусрав Деҳлавий ижодида рубоий жанри» мавзуида кандидатлик диссертацияларини ёқлаб, илмий даражаларга эга бўлдилар.

Шоислом ака бутун умрларини илм-фан, адабиёт ва маърифат равнақига бағишладилар. Қувончлиси шундаки, улар хайрли ишларини давом эттирадиган ўзларига муносиб фарзанд – шарқшунос олим Алишерни вояга етказдилар.

Ҳозир у «Ўзбек маскани» даргоҳига раҳбарлик қилиб отаси бошлаган ишларни тинмай давом эттирмоқда. Бой маъна-

вий меросимиз ўлмас обидаларининг илмий нашрларини амалга ошириб, илм-фан тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

1992 йилда Шоислом ака музейга ташриф буюрганларида менга ўзларининг энди нашрдан чиққан «Гулбоғ насими» ҳикоялар тўпламини тўхфа қилдилар.

Шоислом ака бу тўпламни бошларидан кечирган воқеалар ва кузатишлар асосида Саъдийнинг «Гулистон» ва Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асарларидаги ҳаётий ҳикоялардан илҳомланиб ёзганликларини тўлқинланиб гапириб берган эдилар. Ҳақиқатан ҳам шарқона ҳикоят услубида ёзилган кичик-кичик ҳаётий ҳикоялардан таркиб топган ушбу мажмуа муаллифнинг бундан илгари нашр этган «Гулбоғ» (1972) ва «Гулбоғ сайри» (1978) китобларининг тадрижий давоми бўлиб, муаллиф унда турмушимиздаги салбий ва ижобий ҳодисаларни қаламга олади, одамлар табиатида учрайдиган яширин тубанликни фош этади, улар устидан кулади, ўзининг ахлоқий қарашларини ифода этиб, китобхон онтига сингдиради. Қатра ҳикоялар замирида муаллиф бошидан кечирган, ўзи мушоҳада этган воқеалар ётгани сабабли уларни бадиий ифода этилган ёдномалар дейиш мумкин.

Шоислом ака ўзининг ўлмас илмий ва адабий асарлари билан ўзларига абадий ҳайкал яратиб кетган табаррук ва меҳри дарё инсон эдилар. Шоислом аканинг табаррук номлари халқимиз ёдида мангу сақланиб қолади.



ЭҲТИЁЖ

1967 йилнинг март ойи эди. Ўзбекистон Ф А қошидаги гуманитар фанлар бўйича илмий даражалар берадиган ихтисослашган Кенгаш менинг номзодлик диссертациямга машҳур шарқшунос, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро Фирдавсий мукофотининг совриндори, нозиктаъб адиб Шоислом Шомуҳамедовни расмий оппонент қилиб белгилади. Эртаси куни диссертациянинг бир нусхасини йўлланма хат билан олиб, Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетига йўл олдим. Факультетга бориб, иккинчи қаватга кўтарилиб, деканатни топдим. Қабулхонадаги котиба:

- Домла ҳузурларида одам кўп, кутиб туринг, деди. Бир оздан сўнг ичкаридан 4-5 киши чиқишди. Котиба ўрта бўйли, шинамгина кийинган, бароққош одамга ишора этиб, «шу киши» дегандай қилди. Нимтавозеъ билан салом бериб, Илмий Кенгаш йўллаган хатни узатдим. Кўздан кечиргач:

Э, Ҳамиджон, Сизмисиз, деб қўлимдан ушлаб ичкарига олиб кирдилар. Ҳол-аҳвол сўраб, диссертацияни варақлаб кўргач: - Яхши мавзуни танлаган экансиз. Мендан устозингиз Натан Муродович Маллаевга салом айтинг, тақриз 15 кунда тайёр бўлади, - дедилар.

Ҳақиқатда ҳам, ўн беш кундан кейин борсам, тақриз икки нусха тайёрланиб, тамға ва муҳр ҳам босилганди. Унда диссертация анча изчил, синчковлик билан таҳлил қилинган, анча юқори баҳоланган эди. Ўша онда мен ўзимни ғоятда бахтли сездим. Зероки, Республикамиз нуфузли дорилфунуни декани, ўзбек шарқшунослигида ўзига хос мактаб яратган машҳур олимнинг юксак баҳосига сазовор бўлгандим. Шу-шу Шарқ донишмандларига хос камтар, ботамкин, ҳамиша очиқ кўнгил, фанимиз дарғаларидан бири Шоислом Шомуҳамедов билан устоз-шогирд бўлиб қолдик: у киши илмий тадқиқотларимда

йўл-йўриқ кўрсатган, докторлик диссертациямга ҳам ҳакамлик қилган, китобларимга фатво берганлар.

Бир куни устозни муборак саксон ёшлари билан зиёрат қилиб, дилкаш суҳбатларидан баҳраманд бўлиш мақсадида Кўкча даҳасидаги 1-Оқсой маҳалласида жойлашган ҳовлиларига бордим. Бир пиёла чой баҳона дилкаш суҳбат бўлди:

- Устоз, Сиз Ўзбекистон Шарқшуносларининг сардорисиз. Илмнинг шу соҳасини танлашингиз табиий бир ҳолми ёки тасодифми?

- Менинг Шарқшунос бўлишим тасодиф эмас. Зероки бобом, отам, тоғаларим, онам – барча оила аъзоларимиз зиёли одамлар бўлишган. Тоғам Ҳорун Сулаймонов ҳамда онам Шарофат аялар чинакам «Навоийхон» лар эдилар. Улар «Чор девон»ни араб алифбосида ўқишарди, мен эса баъзи ғазалларни лотинчага кўчириб, ёд олиб юрардим. Навоий асарларининг ўша нусхаларини машҳур шоирлар Ҳамид Олимжон, Уйғун ҳамда Амин Умарийлар чопга ҳозирлашганди. Навоий асарларида арабча ҳамда форсча сўз, ибора, атама, бирикмалар, бидий тасвирий воситалар жуда кўп эди. Менинг онгимга «араб ва форс тилларини билмаган одам Навоий асарларини тўла тушуниб етмас экан» деган тушунча сингиб қолди. 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилдим. Тошкентдаги пиёда қўшинлар ҳарбий билим юртини тугатгач, фронтга жўнатишди. Жангда ярадор бўлдим. Госпиталларда даволаниб бўлгач, Термиз чегара заставасига бошлиқ қилиб тайинландим. 1947 йили ҳарбий хизматдан қайтиб, Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетига «Эрон-афғон филологияси» ихтисослиги бўйича ўқишга кирдим.

Кунлардан бир кун бувим ҳузурларига чорлаб, буюк шоир Жалолоддин Румий «Маснавий маънавий»сининг нодир қўлёзмасини бериб, шундай васият қилдилар:

Болам, бу кўп муқаддас китоб, эҳтиёт қилинг. Бобонгиз уни ўқиганларида соқол-мўйловларидан кўз ёшлари оқиб турарди.

Мен бисотим кутубхонамни мен учун қадрдон бўлган Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига инъом этганман. Ўша нусха ҳозир ҳам шу китобхонада сақланмоқда. Демак, Шарқшунос бўлиш менинг асл зотим – қонимда бор экан.

– Олтмишинчи йилларда Сиз форс-тожик адабиёти тарихини жиддий ўрганишга киришиб, кўплаб тадқиқотлар, бир қанча шоирларнинг ўзбек тилида илк бор анча мукамал таржимаи ҳолини яратдингиз. Ўнлаб форсигўй адиблар асарларини таржима қилиб, чоп этгирдингиз ёки шундай жараёнга бошқош бўлдингиз. Бу катта ижодий ҳодиса маънавий эҳтиёжми ёки замона тақазосими?!

– Дорилфунунни тугатгач, кафедрага ишга олиб қолишди. Ана ўшанда бутун орзуларим амалга ошгандай бўлди, Навоий ҳамда форсий тилдаги бадиий ижод неъматларини жиддий ўргана бошладим, таржималар қилиш, улар асосида, мажмуалар, гулдасталар тузишга киришдим. Бу орада Шарқ адабиёти ихтисослиги бўйича филология фанлари номзоди деган унвоннинг ҳам соҳиби бўлдим. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бирин-кетин «Эҳсон Табарий» (1959), «Ҳақиқат излаб» (1961), «Умар Хайём» (1962), «Абдурахмон Жомий» (1963), «Форс-тожик адабиёти классиклари» (1963), «Саъдий Шерозий» (1964), «Маликуш-шуаро Баҳор» (1967), «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» (1968), «Амир Хусрав Деҳлавий» (1971) сингари рисоаларим, монографияларим, кўплаб мақолаларим, таржималарим алоҳида китоб шаклида чоп этилди; форсий тилдаги адабиёт ихтисослиги бўйича фан доктори (1969) деган илмий даражани олишга муваффақ бўлдим. Ҳамма китобларимдаги таҳлилга жалб этилган мисолларни асл дастхат матнлардан қидириб-топиб, ўзим ўгирганман.

– Ўша йиллари Тошкент бадиий адабиёт нашриёти ҳузурида «Шарқ халқлари адабиёти» таҳририяти ташкил қилинди ва уни бошқариш ҳам менинг зиммамда бўлди. Натижада бутун фаолиятимни Шарқ адабиётини, хусусан, форс-тожик адабиёти инжуларини ўзбек халқининг маънавий мулкига айлантиришга сафарбар этдим. Натижада улуғ шоир Рудакийдан тортиб деярли барча классик форсигўй шоирларнинг ижодий мероси таржима қилиниб, чоп этилди; кўплаб мажмуалар тузилди. 1958 йили Тошкентда дунё Шарқшуносларининг Халқаро Конгресси бўлди. Бизнинг нашриёт араб, форс, ҳинд, хитой, япон, уйғур, вьетнам ва бошқа халқлар тилларида ана шу Конгрессга атаб 57 номда гулдаста чоп этди. Бу ва бошқа ишларда маш-

хур шоирлар Хуршид, Муинзода домлалар, Васфий ва Жуманиёз Жабборовлар билан ҳамкорлик қилганмиз.

Устоз, гапга аралашдим мен, – Умар Хайём рубойлари Сизнинг таржимангизда 12 марта қайта нашр этилган. Бунинг сеҳри нимада?

Аслини олганда, бунинг ҳеч қандай сеҳри йўқ. Зероки Умар Хайём рубойлари мазмунан чуқур, ғоявий жиҳатдан теран, шаклан солда, равон, ҳаммабоп. Мен таржимада аслиятнинг ана шу хусусиятини асрашга ҳаракат қилганман. Айрим таржимонлар шоир рубойларига ўта эркин ёндашиб, бадий сайқал бериб, «оригиналлаштириб» ўгирадилар. Натижада аслиятдан йироқ «янги» рубой вужудга келади. Бир куни зиёли бир дўстим ўғлининг никоҳ тўйига таклиф этди. Базмда келин-куёвни табриклаш учун мени ўртага чорлашди. Сўз орасида кимдир «домла, Умар Хайём рубойларидан ўқиб беринг» деб луқма ташлади. «Ёддан билмайман», деб қутулдим. Даврани бошқараётган суҳандон йигит шоир рубойларидан ўндан зиёдини ўқиб, мени ҳижолатдан қутқарди. Шундай, яхши шеърнинг таржимаси ҳам аслиятидек халқ билан ҳамиша ҳамроҳ юради.

Қайси бир йили бўлимимиз Ҳофиз Шерозийнинг девонини нашр этишни режалаштирди. Аммо муносиб таржимон масаласида бир тўхтамади. Маслаҳат Хуршид домлага келиб тўхтади. Мен у кишини қидириб Муқимий театрига бордим. «Устоз ишдан бўшаб кетганлар» дейишди у ердагилар. Кейин билсам, адиб «мафкураси бузуқ» ижодкор сифатида адабий эмакдошлик вазифасидан четлаштирилган бўлиб, «Маданият» колхозида боғбонлик қилиб юрган эканлар. Боғларига қидириб бориб, муддаомни айтдим. Охир-оқибатда Ҳофиз девони Хуршид домла таржимасида эълон қилинди. Аслиятини эса машҳур ҳаттот Абдуқодир Муродий домла кўчириб бердилар. Ҳофиз девонидан бир нусхасини ўша вақтдаги Ўзбекистон Марказқўмининг Мафкура бўлимига элтиб бердим. Ана шу таржима баҳона Хуршид домлани тез орада Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтига илмий ходим қилиб ишга олишди. Буюклар руҳини эъзозлаган одам асло кам бўлмайди.

Ҳаёт ҳам мураккаб, ҳам қизиқ. Зероки, баъзи асарларнинг

яратилишида турмушдаги бирон бир туртки ёки бирон киши сабаб бўлади. Кунлардан бир кун халқ шоиримиз, Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов «Шоҳнома» дунёдаги деярли барча тилларга тўла ё қисман таржима қилинган. Аммо, устоз бу шоҳ китобнинг ўзбекча шеърий таржимаси йўқ. Шу-чун бу ишни ўз зиммангизга олсангиз, деган истак билдирди. Ҳақиқатда ҳам бу шоҳ китоб икки марта наср ва назмда ўзбекчалаштирилган бўлса ҳам тугал шеърий таржимаси йўқ эди. «Рустам ва Суҳроб»нинг Мирий варианты оригинал асар. Шундан сўнг мен «Шоҳнома» таржимасига тараддуд кўра бошладим. Бундай қарасам, ушбу улкан ишни бир ўзим уддалашим мушкул кўринди. Натижада бу хайрли юмушга доимий ҳамкорларим, форсий тилдаги шеъриятнинг билафонлари, атоқли шоирлар Жуманиёз Жабборов, Назармат ҳамда Ҳамид Фуломларни жалб этдим. Бир неча йиллик заҳмат туфайли «Шоҳнома»дек улкан китобнинг уч жилдлик шеърий таржимаси ўзбек китобхонлари қўлига етди. Асар илм-адаб аҳли томонидан илиқ кутиб олинди ва тез тарқалиб, ноёб китобга айланди. Ундан кейинги йилларда «Гуманизм – абадийлик ялови» (1974), «Ҳазиналар жилоси» (1981), «Эпос», «Форс-тожик адабиёти тарихи» (1987), «Шоҳ китоб ва унинг муаллифи» (1991), «Жаҳонни мафтун этган адабиёт» (1992) сингари китобларим, кўшлаб янги таржималарим эълон қилинди; қомусларда, тўплам ва журналларда чоп этилган мақолаларим сон-саноқсиз. Шарқ шеърияти поэтикасига доир тадқиқотларим ҳам анчагина. Кўриниб турибдики, буларнинг барчаси шеъриятга, бадиий адабиётга меҳрим, маънавий эҳтиёжим тақозоси экан. Ҳатто ёзган рисоаларим ҳамда таржималаримнинг айримлари замон руҳига жуда ҳам ёпишиб тушмас, ҳамоҳанг эмасди.

– Билишимча, Сиз бадиий ижодга, адабий жараёнга анча кеч кириб келгансиз. Бунинг боиси нимада? !

– Аслида, мен адабиётга эрта кира бошлаганман. Яъни ўрта мактабда ўқиб юрганандаёқ шеър машқ қилиб юрардим. Бир куни Шчорс, Чапаев ҳамда Лазолар ҳақида халқ қаҳрамонлигини мадҳ этувчи шеър ёздим-да, болалар газетасига жўнатдим. Орадан кўп ўтмай, редакциядан «уч қаҳрамон ҳақида битта шеър ёзибсиз» деган танбиҳнамо жавоб келди. Шундан сўнг ўзим шеър ёзиб, ўзим ўқиб юрадиган, баъзан «ошиқ» дўстла-

римга бир байт, икки байт ёзиб берадиган бўлдим. Сизнинг саволингизда ҳам маълум маънода жон бор. Зероки, тўққиз йиллик ҳарбий хизмат, ёш сал улғайганда олий ўқув юртига ўқишга кириб, жон-жаҳдим билан фанларни, Шарқ тилларини ўрганишга киришиб кетишим ҳам адабий жараёнга кечроқ келиб қўшилишимни тақозо этган.

Узлуксиз илмий изланишлар, Жаҳон адабиёти неъматларидан бир неча минг байт таржима қилишим қалбим тўридаги кўҳна эҳтиёжни уйғотди, жунбушга келтирди. Табиий иқтидор, кўп йиллик тажриба ўз ҳосилини бера бошлади, бир қанча ибратомуз ҳикоятлар, рубойлар, шеърлар, ғазаллар битдим. Улар «Вақт» (1968), «Рубойлар» (1968), «Гулбоғ» (1972), «Гулбоғ сайри» (1978), «Одам борки» (1982), «Гулбоғ насими» (1991), «Дурдоналар» (1998) номи билан китобхонлар ҳужмига ҳавола қилинган. Мен Фафур Фулом, Миртемир, Юнус Ражабий, Иброҳим Мўминов сингари кўплаб адабиёт, илм, санъат алломалари билан ҳамкорлик қилганман, ошно бўлганман. Улар ҳақидаги эсселарим «Фидойилар ва рубойилар» (2003) номли китобимдан ўрин олган.

- Шогирдларингиздан кўнглингиз тўладими? Шарқшунослигимизнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

Қирқ беш йилдан зиёдки олий ўқув юртларида студентларга дарс бераман, аспирантлар, докторанту тадқиқотчиларга раҳнамолик қиламан. Демак, шогирдларим жуда бисёр. Улар орасида академиклар, профессорлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам бор. Шогирдлар ҳақида гап кетса, ушбу рубойий эсимга тушади:

Шогирдлар ҳам мисли болалар:

Бор-йўғингни сендан оларлар.

Баъзилари кўкка кўтарса,

Баъзилари лойга қорарлар...

Худога минг қатла шукурким, менинг барча шогирдларим кўкка кўтарувчилар, эъзозловчилар бўлиб чиқишди. Ҳаммалари менинг йўлимни тутишган. Ватанимиз Шарқшунослигига улкан ҳисса қўшиб юришибди. Уларнинг ҳам мендек пири балавлат бўлишларини, шогирдлари эса, менинг шогирдларимдек садоқатли ва меҳрибон чиқишини истайман. Шарқшунос-

лик мураккаб фан. Зероки, Шарқ халқлари ибтидосида турганимиз ХХІ аср тарихида ҳам муҳим ўрин тутди. Дунё тамаддунида уларнинг нуфузи тобора ошмоқда. Буларнинг бари адабиёт ва санъатда ҳам ўз инъикосини топади. Уларнинг ҳаёти, иқтисодиёти, маърифати, бугунги интилишларини ҳар томонлама идрок этиш лозим. Ҳозир имкониятлар кенгайиб, шароитлар яхшиланиб бормоқда. Интернет тизимининг ўзи бу имконият нақадар улкан эканлигини кўрсатмоқда. Демак, Шарқшунослигимиз юксалиб бориши шубҳасиз. Унинг ютуқларини Ватан истиқболига хизмат қилдириш, шоғирдларнинг истиқболдаги вазифаси, деб биламан.

2006 йили устоз рубойлари Умар Хайём рубойлари билан бир жилдда (Нашр учун масъул – Минҳожиддин Ҳайдар, Тузувчи – Алишер Шомуҳамедов) нашр қилинди. Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида ушбу китобнинг тақдимоти бўлди. Минг афсуски Шоислом Шомуҳамедов бетобликлари туфайли бу тадбирда қатнаша олмадилар. Атоқли адиб ва олимлар бу «беназир ижодкор»нинг адабиётимиз, шарқшунослигимиз тараққиётидаги улкан хизматлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Камина ҳам адиб Шомуҳамедов ижоди ҳақида, хусусан, ҳикоятлари ҳақида бир нималар гапиргандай бўлдим. Шундан сўнг «Кўпни кўрганлар» ҳузурида рукнига олдинги суҳбатларимни тўлдириб бергим келди.

Лекин ўғиллари «Ҳозир мавриди эмас, яна сим қоқарсиз» деб учрашувни орқага сурдилар. Ҳайҳот, замонамизнинг буюк алломаси мана орамизда йўқ. Аммо, у киши илмий асарлари, бадий ижодлари, энг муҳими фақат Шомуҳамедовга хос маърифатга йўғрилган яхши хислатлар билан бизга ҳамиша ҳамнафас. Зероки, устознинг севган устози буюк Ҳофиз Шерозий: кимдаким бу оламда яхшилик-ла умргузаронлик қилган бўлса, у мангу тирикдир, деганлар:

*Зиндаи жовид монд ҳар ки нақўном зист,
К-аз ақибаш зикри хайр зинда кунад номро.
1995 йил май, 2007 йил феврал*



БАҒРИКЕНГЛИК

Биз 1961 йили ўқишга кирганда Шарқ факультетининг декани Шоислом Шомуҳамедов эдилар, «Мумтоз форс адабиёти» курсини бизга ўзлари ўқиганлар. Бу улуғ олим студентларга ниҳоятда очиққўнгиллик ва самимият билан муносабатда бўлар, озгина қобилият эгасини кўрса, доим уни қўллар эди. Биз декан кабинетига кириб, бемалол китоб жавонларини титкилар, кўзимизга маъқул кўринган китобни сўраб олар эдик.

Шоислом Шомуҳамедов 3-курсда «Форс мумтоз адабиёти», 4-курсда «Аруз, қофия ва бадий санъатлар» бўйича курс ўқиб, бизни бутун мумтоз шеъриятга ошиқу шайдо қилиб қўйди. Ўша пайт олимнинг «Классик форс-тожик адабиёти намоёндалари» китоби босилиб чиққан бўлиб, ҳали-ҳали ўша мўжазгина китоб биз учун наъмуна бўлиб келади. Устоз IX-XV асрларда яшаб ўтган Рўдакий, Фирдавсий, Низомий, Умар Хайём, Хусрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий ва ҳозирги форс шоирлари Маликушшуаро Баҳор, Эҳсон Табарий кабилар ижодий мероси бўйича қатор тадқиқотлар, оммабоп адабий портретлар яратиб, фақат Ўзбекистонга эмас, балки жаҳонга танилган аллома даражасига етдилар.

Устозимиз фақат назарий тадқиқотлар билан чекланмай, буюк мутафаккир шоирларнинг мероси билан ўзбек халқини яқиндан таништириш мақсадида бадий таржима ва таҳрир, нашр иши билан бевосита шуғулланиб, Фирдавсий «Шоҳнома»сининг уч жилдлигини, Ҳофиз ғазаллар девонини, Амир Хусрав ғазаллари ва дostonларини ўзбек тилида қайта-қайта нашр эттирдилар. Шоислом Шомуҳамедов таржималаридаги Умар Хайём рубойлари жозибаси барчани ўзига мафтун қилиб, тилларда ёд бўлиб кетди, ўнлаб қайта тўлдирилган нашрлари чиқди.

Бугунги кунда нафақат зиёлиларимиз, балки бутун халқ Рўдакий ва Унсурий, Фирдавсий ва Носир Хусрав, Низомий ва Деҳлавий, Саъдий ва Хофиз, Убайд Законий ва Жомий, Умар Хайём ва Бедил, Жалолоддин Румий ва Фаридиддин Аттор каби улуғ шоирларни Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Яссавий ва Навоий, Бобир ва Мащраб сингари ўзбек шоирлари қаторида санайди ва ўзиники деб билади, уларнинг шеърӣй ҳикматларини ёд олиб, ғазалларини ашула қилиб айтади. Шуларнинг ҳаммаси ибтидосида Шоислом Шомуҳамедовнинг холис ва моҳирона меҳнатлари ётади десак муболаға бўлмайди. Шундай одам мени Шарқ факультети остонасига қадам қўйганимдан ўз қаноти остига олди, «аъло» баҳолар билан рағбатлантирди, Маликушшуаро Баҳорнинг фундаментал тадқиқоти, уч жилдлик «Услугунослик» («Сабкшуноси») асарига бағишланган дастлабки илмий изланишларим – диплом ишимга раҳбарлик қилиб, ўз шахсий кутубхоналаридаги ноёб қўлёзма ва фотонусхаларни ихтиёримга топшириб қўйди. Ўқишни битириб ўрта мактабда ишлаб турган жойимдан яна факультетга ишга қайтариб олди, Москвага аспирантурага юборди. Шоислом Шомуҳамедов на менинг ота-онамни танийди, на тоғаларимни. Менинг у кишига бирор хизматим сингган эмас. Устоз холис устозлик қилади, кимда илмга лаёқат сезса, мутлақо беғараз ёрдам қўлини чўзади, зотан биз шогирдлар ҳақиқий олимлик шундай бўлар экан деб ўрганганмиз. Шоислом Шомуҳамедов табаррук ёшда бўлсалар-да, биз шогирдларнинг ютуқларимиздан бохабар бўлиб, қувонардилар, янги чиққан китобларини ўзимиз бормасак, бошқалардан бериб юборардилар. Шогирдларига ибрат бўлиб, ҳанузгача меҳру оқибатда биз «ёш»ларни (65 ёшга кирдим, ҳали ҳам устозлар олдида ўзимизни «ёш шогирд» биламиз) қарздор қилиб келадилар. Мен 65 ёшлик тажрибам билан шундай хулосага келдимки, икки хислат бир инсонда бирлашса, ўша одамнинг умри узаяр экан, бу икки хислат – бағрикенглик, илм йўлида тўхтовсиз изланиш. Энг улуғ устозларим Шоислом Шомуҳамедов, Муҳаммад Нури Османов ва Азизхон Қаюмовларнинг ҳаёт йўли ва яшаш тарзлари менинг шундай хулосага келишимга асос бўлди. Улуғ устоз Шоислом Шомуҳамедов 86 ёшдан ўтиб вафот этдилар, охиратлари обод бўлсин...

Европа анъанасида «альма матер» деган тушунча ишла-тилади, яъни бизга дастлаб тарбия берган, маънавий озуқа берган жой маъносида. Менинг устозларим учун ҳам, яқин дўст-курсдошларим ва мен учун ҳам Тошкент давлат универ-ситетининг шарқ факультети (ҳозирги Тошкент давлат шарқ-шунослик институти) ҳудди шундай альма матер бўлиб қола-ди. Биз бу даргоҳда фақат 5 йиллик студентлик давримизда билим олдик десак, бу унча тўғри бўлмайди, мен бу даргоҳда 1961 йил сентябрдан то ҳозирги кунгача, яъни деярли бутун онгли ҳаётим давомида маънавий озуқа олиб келмоқдаман, қачон бу даргоҳга кириб борсам, ҳудди ўзим ўсиб улғайган қадрдон хонадонимга кириб боргандек дилим ёришади.

Шарқ факультетини тугатгач, мен ярим йил мактабда инглиз тилидан дарс бердим. Сўнг яна қадрдон даргоҳ мени ўз бағрига олди. Ўша пайтда эрон-афғон филологияси кафедр-ра мудирини марҳум устоз, афғоншунос олим Абдуҳофиз Фани-ев эди. У киши менинг мумтоз форс адабиётига қизиқишимни билар эдилар. «Аммо, – дедилар менга, – сиз адабиёт билан шуғулланишдан олдин тилшунослик илмини пухта эгалланг. Масалан, Амир Хусрав Деҳлавийнинг бир асарини олиб, уни тил жиҳатдан тадқиқ этинг. Шунда филолог сифатида яхши пишасиз». Бу жўяли маслаҳат менга маъқул бўлди. Мен Деҳ-лавийнинг «Ширин ва Хусрав» достонидаги тил хусусиятла-рини ўрганишга қарор қилдим. Бу қароримни Шоислом Шо-муҳамедов ҳам маъқулладилар ва менга Абдуҳофиз Фаниев тилчи сифатида раҳбар қилиб белгиланди. Аммо шеърининг тилини ишлаш мушкул савдо экан, ҳатто баъзилар бу мавзу-дан номзодлик диссертацияси чиқмайди, деб мени қайтармоқчи ҳам бўлишди. Шундай кунларнинг бирида мен декан кабине-тида устознинг китоб жавонидан бир юпқагина китобча то-пиб олдим. Бу Москвалик шарқшунос олим Муҳаммад Нури Османовнинг Халқаро анжуманга тайёрлаган маърузаси бў-либ, унда форс мумтоз қасиданавис шоири Унсурийнинг му-аллифлик лугатини тузиш муаммолари таҳлил қилинган эди. Китобча мени жуда қизиқтириб қолганини кўриб, Шоислом Шомуҳамедов «олақол, шу китоб сенга» деди. Декан кабине-тидан ҳовлиқиб чиқиб, илмий раҳбаримга топган нарсамни суюнчиладим. У киши ҳам маъқул топди. Кўп ўтмай Абдуҳо-

физ Фаниев Москвага илмий командировкага кетди. Орадан 1–2 ой ўтиб, ўша ерда аспирантурада ўқиётган Муборак опа Тошқўзиева факультетга мени атай ахтариб келди: «Сизга устозингиз домла Фаниев салом айтдилар. У киши Москвада Нури Османов билан сиз ҳақингизда гаплашиб, бу улуғ олимни сизга илмий раҳбар бўлишига кўндириптилар. Шуниндан тайинлаб юбордилар», – деди. Мен беҳад хурсанд эдим. Бу орада мен касалланиб, шифохонага тушиб қолдим. Кейин ишдан бўшаб, Қўқонга кетдим. Аммо 2 йилдан сўнг деканимиз Шоислом Шомуҳамедов ташаббуси билан Москвага кундузги аспирантурага юборилдим ва ниҳоят, Муҳаммад Нури Османовга шогирд бўлдим. Мавзуим сақлаб қолинди. Уч йил Москвада Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида таълим олдим ва номзодлик ишимни ёзиб битирдим.

1986–87 йиллари ниҳоят докторлик ишимни якунлаб, қўлёмалар институти илмий кенгашида муҳокамага қўйдим. Бу сафар ишим соф адабиётшуносликка оид бўлиб «Хусрав Деҳлавий эпик ижодида бадиий метод ва поэтика масалалари» деб номланар эди.

Иш институт олимлари томонидан ижобий баҳоланиб, Душанбе шаҳридаги Тожикистон фанлар академияси Рудакий номидаги тил ва адабиёт институти қошидаги ҳимоя кенгашига жўнатиладиган бўлди. Мен Тожикистонга бордим. Институт директори ишимни кўриб (иш ўзбек тилида ёзилган эди) уни ё рус ё тожик тилида ҳимояга тайёрлаш лозимлигини билдирди. Яна бир йил ўтириб, тадқиқотни рус тилида қайта ёзиб чиқдим, ва ниҳоят, докторлик диссертацияси 1989 йил 21 декабрда ҳимояга қўйилди.

Яна барча устозларим менинг атрофимга тўпланишди. Душанбега Москвадан Муҳаммад Нури Османов, Тошкентдан Шоислом Шомуҳамедов, Азиз Қаямов ва филология фанлари доктори (араб адабиёти бўйича) Исматулла Абдуллаев, кафедра мудирим фалсафа фанлари доктори Хатима Амиловна Шайхова етиб келишди. Муҳаммад Нури Османов ва Шоислом Шомуҳамедов бу сафар менга биринчи ва иккиламчи оппонент, Азиз Қаямов ва Исматулла Абдуллаев шарқ адабиётидан бир марталик ҳимоя кенгаши аъзолари сифатида иштирок этишди.

Устозларим ишимни синчковлик билан ўрганиб, холис баҳолашди, анча-мунча танқидий гаплар ҳам бўлди, аммо муҳокама охирида барча кенгаш аъзолари бир овоздан менинг ишимни докторлик илмий даражасини олишга лойиқ деб билишди.

Менинг бу илмий даражаларга эришувимда меҳрибон устозларимнинг мендек нўноқ шогирдини ҳар жиҳатдан холис қувватлаб туришгани катта мадад бўлди.

Ўзимни «нўноқ шогирд» деб аташим сохта камтарлик туфайли эмас. Москвада 1975 йилда номзодлик ишини эсон-омон ёқлаб олгач, бунинг шарофатига бир пиёла чой ташкил қилинди. Шунда устозим мен ҳақимда фикр билдириб, «менинг илмда истеъдодли, аммо ташкилий масалаларда ўта нўноқ шогирдим» деб баҳо берган эди.

Устозимнинг бу гаплари беҳуда эмасди, мен китоб ўқишга суягим йўқ, илмда эринмайдиган одамман, аммо ташкилий масалаларда баъзилар сингари «қаловини топиш»ни сира эплай олмайман. Одамлар билан тил топишиб, ишларимни пухта битириб кетишга ўта эпсизман.

Устозларим шу феълимни билишгани учун доим ҳушёрлик билан мени керак ўринда қўллаб келишади. Тўғриси, ҳозир ўйлаб кўрсам менга устоз бўлиш учун жуда катта сабртоқат, бағрикенглик керак экан. Устозларим менга нафақат илмдан, шогирдга муносабатлари, феъл-атворлари, одамийликда ўз ибратлари билан ҳам таълим беришди. Ҳозир менинг ҳам қатор шогирдларим бор, улар бир ишда сустлик қилишса, айтилган талабларни бажаришни қойиллата олмай қолишса, бирдан аччиғим чиқиб кетади, бирпас ўйлаб туриб, ўзим қандай эдим, устозларим менинг «эркалик»ларимни қандай кенг кўнгиллик билан кўтаришганини эслаб қоламанда, ўзимга-ўзим «ҳой, ўзингни бос, уят бўлади-я» дейман...



ТАҚДИРИМ ЁРУФ ЙЎЛИ

1961 йили Тошкентга ТошДУ шарқ факультетига ўқишга кираман деб келдим. У пайтлар беш фандан имтиҳон топширилди. Беш фандан 22 балл тўпладим. Ниҳоят мандат комиссияси саракни саракка, пучакни пучакка ажратадиган кун келди. ТошДУ асосий биносининг иккинчи қаватида мандат комиссияси ишляпти. Ҳар замон ҳар замонда радиокарнайдан бир фамилия эълон қилинади. Бахтли фамилия эгаси шод-хуррамлик билан ичкарига отилади. У ёқдан оғзини таноби қочиб чиқади. Ҳамма уни қуршаб олиб қутлайди. У кўчага қараб ҳовлиққанча жўнайди. Кутиш хонаси бўшаб боряпти, аммо мени чақиришларидан дарак йўқ. Ҳар бир фамилия ўқилган сари қулоқни динг тутаман. Яна бошқа фамилия. 22 балл олганлар ўтиб бўлди, 18 балл ҳам ўтди, охири беш фандан 15 балл олган Шапсанов Мухтор ҳам ўтди, лекин мени чақиришмади.

Охирлаган сари юрагим қонга тўлиб кетяпти «Эҳ, ғариблик, қани энди ҳақиқат?! 22 балл тўплаган мен ўтмасам-у 15-16 балл тўплаганлар ўтиб кетса. Агар менинг ҳам таниш-билишим бўлганда, аллақачон ўтиб кетардим», – деб ёзғиринаман.

Ва ниҳоят, тушимми-ўнгимми, мени чақиришяпти. Эшикдан салом бериб кирдим. Уч-тўрт киши хона юқорисида стол ортида ўтиришипти. Улардан бири сочи силлиқ таралган, чўзиқ юзли, қалин қошли, чучук тилли деканимиз Шоислом ака Шомухамедов эдилар. Бу – доимо ним табассум билан одамга синовчан боқиб турадиган нуроний киши менга қараб:

– Сизни Эрон гуруҳига киритдик, лекин ётоқхона йўқ, кейин ётоқхона беринг, деб талаб қилмайсиз, нима қиласиз, ўқийсизми? – деб сўрадилар.

Мен шошиб: – Ҳа, – дея олдим, холос. Аммо хаёлимдан: Шу пайтда одам бўлим танлайдими ёки ётоқхонаси бор-йўқлигига қараб ўтирарканми?! Ўзинг, таъбир жоиз бўлса, қил кўприкнинг устида турсанг, сендан «олдинга ўтасанми ё орқага

қайтасанми?»), деб сўрашса, «Йўқ орқага қайтаман», – дейдиган соғлом ақлли инсон топилармикан?! – деган фикрлар кечарди.

Хуллас, ўқишга кириш арафасидаги умид ва аянч даҳшатлари, уйқусиз тунлар, юракни қон қилувчи уйдирма ва ҳақиқатлар орқада қолди. Ўқиш бошланишига ҳали анча кун бор. Мени энди “Эрон тилини ўқиб ким бўламан?” деган ўй қизиқтирарди. Маҳалламизда яшайдиган, уруш пайтида келиб қолган турклар бўлар эди. Жуда хароб аҳволда яшашарди. Нимагадир уларни ҳамма «Эронис» дейишарди. Менинг кўз олдимга эрон тили дейишганда ўша маҳалламиздаги туркларнинг тили келди. «Энди келиб-келиб ўша туркларнинг тилини ўргандинми?» деган масхараомиз савол ичимни куйдирарди. Бу ўй жонимдан ўтиб кетди. Юрак ютиб декан Шоислом акага учрашишга, бошқа бўлимга ўтишга қарор қилдим.

Қабулхонага кирсам Башир ака ўтирган экан. У хитой тилига кирган экан. Иккаламиз гаплашиб у Эрон бўлимига, мен Хитой бўлимига ўтадиган бўлдик. Домла Шоислом аканинг ҳузурларига кирдик. Домла:

Мандат комиссияси ўтиб бўлди. Ҳамма тақсимот бўлиб бўлган, энди ҳеч нарсани ўзгартиришни иложи йўқ, – дедилар.

Иккаламиз тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб қайтиб чиқдик. Дарслар бошланди. Бизга тилдан Николай Филаретович Левицкий домла кирдилар. Биринчи дарсаёқ Эронда бўлганлигини, форс тилининг тарихини, унинг бой адабиётини гапириб бердилар. Мен мактабда ўқиб юрган пайтимда, Эроннинг давлат тили форс тили эканлигини айтишмаган экан. Бу менинг учун янгилик эди. Бу янгиликни эшитиб, кўнглим жойига тушди. «Яхшиям домла Шоислом Шомуҳамедов менинг ғўрлик илтимосимга қулоқ солиб хитой бўлимига ўтказиб юбормапти, бўлмаса ўз нодонлигим билан шундай ширин, гўзал тилни ўрганишдан маҳрум бўлар эканман», – деб умр бўйи домладан миннатдор бўлдим. Менинг форс тили мутахассиси бўлишимга фақат домла Шомуҳамедовнинг донолиги сабаб бўлган.

Ўқиш муддати ҳаш-паш дегунча ўтди-кетди. Бешинчи курсга ўтгандан сўнг ҳамма иш топиш пайига тушиб қолди. Мен яна Шоислом акага учрашдим. Шоислом ака мени ўша

пайтдаги Ўзбекистон Бадиий адабиёт нашриёти (ҳозирги Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси)га ишга юбордилар. Мени Шоислом аканинг бир оғиз сўзи билан кичик муҳаррир қилиб ишга олишди. Мен мазкур нашриётнинг Осиё-Африка халқлари адабиёти бўлимига ишга кирдим. Бўлим мудиримиз Мираъзам Мираҳмедов (марҳум) деган киши эди. У кишининг адабиётга айнақса, Осиё-Африка халқлари адабиётига қанчалик алоқаси борлигини билмадим-у, лекин «катталар билан тил топишнинг йўлларини, айнақса жамоат ишларини «эшиб» кўярди. У шунчалик устамон киши эдики, бир умр нашриёт касаба уюшмасининг раиси бўлиб юриб, ўлганларидан кейин маълум бўлишича: ўзлари касаба уюшмасига аъзо эмас эканлар. Аммо бўлимда ҳар бири бутун Ўзбекистонга таниқли кишилар, жумладан Миркарим Осим, Рустам Комилов, Одил Шарофов, Малик Раҳмон, Ҳабиб Пўлатов, Носир Содиқовлар ишлашар эди. Нашриёт директори Рамз Бобожон эди.

Мен бу улуғ зотлардан иш тажрибасидан ташқари, кўп нарсаларни билиб олдим. Биринчи навбатда, одамийлик дарсини ўргандим. Бу нашриётга ўша даврдаги энг буюк ёзувчиларимиз Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия ва бошқалар тез-тез келиб туришар эди.

Нашриётга ишга кирган кезларим ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор «Минг бир кеча» эртакларидан тузилган «Бир соатлик халифа» асарини таржима қилиб топширдилар. Бу китобнинг таҳририни Миркарим Осимга топширишди. Таҳрир жараёнида Абдулла Қаҳҳор тез-тез келиб, китобнинг таҳрир бўлган қисмини муҳаррир билан бирга ўтириб кўриб чиқишарди.

Бир куни нашриёт йўлагига юрсам «Сени чақиринишяпти, кириб Миркарим акага учра!» дейишди. Хонага кирсам Миркарим ака Абдулла Қаҳҳор билан бирга китобнинг таҳрир бўлган қисмини кўриб ўтиришган экан. Мен Абдулла Қаҳҳорни илгари факультетимиз залида Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романини муҳокамасида кўргандим. Лекин бундай ёзувчи билан учрашиш, ҳудди осмондаги юлдузга қўл узатиб тутиш ёки қўл теккизиб кўриш билан барабар эди.

Абдулла Қаҳҳор ёш бўлишимга қарамай, мени кўриб энгаси қотмади. Мен кириб келиб, салом бериб ўтирдим. Миркарим Осим менга қараб:

– Бу киши форс тили мутахассиси форс тилида «хувори» сўзи борми? – деб мурожаат қилдилар.

Абдулла Қаҳҳор гарангиб турганимни кўриб:

Мен русчадаги «каналья» сўзини ўзбекчага «хувори» деб ўтирган эдим. Миркарим ака «хувори» деб ўзбек тилида «беор», «тўпори» кишини айтса керак деяптилар. Мен эса тожикчада «хуҳар» сингил дегани «хувори» менимча “Ҳе синглингни ” деганга ўхшаш сўкиш бўлса керак, деб тахмин қилипман, – дедилар.

Ўша алфозда “Келинлар форсча-русча луғатга қарайлик, агар шунақа сўз бўлса, маъноси аён бўлади қўяди», – дейиш эсимга ҳам келмабди. Унинг ўрнига ўзимча тахмин қила бошладим:

– Менимча, бу «хувори» сўзи форсча «хухари», яъни «эшак табиат» сўзидан олинган бўлса керак, – дедим. Шундан кейин ҳам улар бу сўзнинг маъноси ҳақида анча фикрлар билдиришди. Лекин бир қарорга келолмадилар.

Бу воқеа ёдимга қаттиқ муҳрланиб қолган эди. Мен бундан анча йиллар ўтгандан кейин Ҳофиз ғазалларини мутолаа қилиш жараёнида “хухори” сўзига дуч келдим. Луғатга қарасам “хухори” – “йиртқич”, “ваҳший” деган маъно бераркан. Ўшанда анча олдин марҳум Абдулла Қаҳҳор ва Миркарим Осим билан бўлиб ўтган баҳсимиз эсимга тушиб, ҳижолат чекдим.

Ўшанда ўзбилармонлик қилиб, уларга гап ўргатишга ҳаракат қилмасдан «Устозлар мен бу сўзнинг маъносини билмайман. Луғатга қараб кўрай, агар шунақа сўз бўлса, маъносини келиб айтаман», – десам бўларди-ку. Афсуски, ўз хатоимни кейин тушуниб етдим...

1983 йили кўп йиллар Афғонистонда хизмат сафарида бўлиб қайтгач, яна ТошДУнинг шарқ факультетига келиб, ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. Бу ерда «Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Оинаи Искандарий» асарининг статистик ва семантик таҳлили» мавзусида ишлай бошладим. Бу мавзуда тадқиқот олиб бориш учун дostonда учрайдиган барча байтларни тўла рўйхатга олиб, ҳар бир сўзни учрайдиган барча байтлари билан

карточкага ёзиб чиқишим керак эди. Бир йил давомида ҳамма бошқа ишларни йиғиштириб, 20 минг карточка туздим. Бу достоннинг учдан бир қисми эди. Агар шу алфозда ишни давом эттирсам, яна 2 йил фақат карточка тузиш билан умрим ўтиши керак эди. Бу ишни тезлаштириш усулларини излай бошладим. Кибернетика институтига бориб, бу ишда компьютердан фойдаланиш усуллари билан қизиқдим. Улар ҳам *перфокарталар* тузиш кераклигини айтишди. Мен буни яхши тасаввур қилмаганим учун ТошДУдаги ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машиналари) марказига бориб жойида бу ишни ўрганишга қарор қилдим. Математика факультетининг деканига кириб, мақсадимни тушунтирган эдим, у киши менга университет илмий ишлар проректоридан рухсат олиб келишни тавсия қилди.

Ўша пайтда ТошДУнинг илмий ишлар бўйича проректори проф. Ш.М.Шомуҳамедов эдилар. Мен устознинг олдига кирдим. Устоз мени жуда илиқ кутиб олдилар. У киши доимо изланиш, янгиликка интилиш тарафдори эдилар. Менинг мақсадимни дарров илғаб олдилар. Ўшанда университет қошида Амалий физика илмий-тадқиқот институти фаолият кўрсатарди.

Домла Шомуҳамедов менинг мақсадимни эшитиши билан:

Амалий физика институтига бориб, Ҳамроев Фарҳод деган йигитга учрашинг. У яқингинада олдимга келиб, худди сиз айтган ишларни тилшунослик бўйича амалга оширишни таклиф қилган эди, дедилар.

Мен домлага раҳмат айтиб, Ҳамроев Фарҳоднинг олдига бордим. У пайтда ҳали ҳеч ким тилшуносликда, айниқса, араб хатига асосланган тиллар бўйича компьютердан фойдаланишни ўйламасди. Бу тилшунослар учун ҳатто Москвада ҳам фантастика бўлиб туюларди. Москвада М.Н.О.Османов бошчилигидаги гуруҳ Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сини карточкага олиб, энди муаллиф луғатини тузиш ишларини амалга ошира бошлаган эди. М.Н.О.Османов «Унсурийнинг конкорданси»ни эълон қилган эди.

Мен Ҳамроев Фарҳодга мақсадни тушунтирдим. У менга Нурмуҳаммад Қосимов ва Алишер деган йигитларни таништирди.

Мен биринчи марта ўшанда ЭҲМ ва компьютер деган тушунчалар билан тўқнаш келгандим. У пайтдаги ЭҲМ дастгоҳлари росмана одам бўйидан баландроқ шкафлар эди.

Ахири 6 ой деганда «Оинаи Искандарий» достонини тўла компьютер хотирасига киритиб, унинг тўла матни бўйича «конкорданс» – «частотали луғат» тайёрлашга муваффақ бўлдик ва ўша конкорданс асосида диссертация ишимни бошладим.

1986 йили малака ошириш учун Москвага 4 ойлик ўқишга бордим. Москвада компьютерда тайёрлаган конкорданс ва частотали луғатни М.Н.О.Османовга кўрсатдим.

У киши бу луғатларни кўриб:

– Мен Унсурий луғати устида ишлаганимда, кечалари кўчаларим ёшланиб, ҳеч нарса кўрмай қолардим. Ишингнинг 70 тайёр бўлипти, энди ўтириб статистик ва семантик таҳлил қилсанг, тез кунда ишинг тайёр бўлади, – деди.

Мен улардан раҳбарлик қилишларини илтимос қилдим

– Менинг ихтисослигим адабиёт бўйича. ОАКнинг талаб бўйича тилшунослик ихтисослигига тўғри келмайди. Сен менинг номимдан Руслан Лазаревич Цаболовга учрашгин, у жумладан жиддий олим сенга ёрдам беради, – дедилар.

Мен Р.Л.Цаболов билан учрашдим. Улар раҳбарликка роз бўлдилар. 1988 йили ишим тайёр бўлди. СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ихтисослашган илмий кенгашида «Бу шарқшуносликдаги янги оқим» деб ишимни юксак баҳолашди Ш.М.Шомуҳаммедов, М.Н.О.Османов, Р.Л.Цаболов шарофати билан олимлик шарафига муяссар бўлдим. Аслида шулар тақдирим осмонининг сомон йўлини кўрсатганлар.

Устоз Шоислом Шомуҳаммедовнинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитар эканман, наздимда шарқшунослик боғининг бир чинори қулаб тушгандай бўлди. Устоз ҳаётлигидаги зиёкорлик ишларининг зиёси қабрини нурга тўлдириб, охиратини обод айласин!..



ГЎЗАЛ ИНСОН, МЕҲРИБОН МУРАББИЙ

Шоислом акани биринчи бор кўрганимда, табиат ўзининг сахий мусаввирлигидан мукаммал фойдаланиб яратган мўъжаз санъат асари – инсон билан танишгандек бўлганман. Бир оз чўзиқроқ юзларига қошлари ажиб ҳусн бағишлар эди. Хаёлимдан ўшанда «қош ҳам шунақа чиройли бўладими?» деган савол ўтганди. Юзига мутаносиб бурун, лаблари «Биз Аллоҳ яратган Шоисломнинг тан чеҳра аъзолари бўлганимиздан фахрланамиз» – дер эдилар. Кўзлари қаршиларидаги инсонга табассумга мойил назар билан қараб турар эди. Қисқа бир сонияда суҳбатдошларини ўзларига ром қилиб оларди. «Нури алан нур» деганларидек, яна бир фазилат яққол сезиларди: Устоздан мутгасил файз нури таралар эди. Тўғриси айтсам, бу нур қонли жанглар давомида ўзининг ер курраси шоҳи – одам эканлигини унутмаган, шоир, олим, зиёли, яхши маънодаги амалдор, ота, устозда йиллар давомида шаклланадиган меҳнат ва тафаккур зиёси эди. Хуллас, бу инсон мени биринчи танишувдаёқ ўзига мафтун этди. Кейинги муносабатларда менинг уларга бўлган муҳаббатим борган сари ортиб борди. Бунинг сабабини мен Шоислом акадаги фазилатларнинг сон-саноқсиз эканлигида деб биламан. Хусусан, бир учрашувимизда улар ўзларининг Алишер Навоий ғазалига ёзган мухаммасларини ўқиб бердилар. Мухаммас ҳақиқий маънодаги вайс шогирднинг устозига нисбатан ҳурмати нишонаси эди. Айни чоқда ғазалдаги шоҳ байтлар янада кенгайиб шохбандларга айланган эди. Яна бир учрашувда юртимиздаги энг нуфузли университет проректорининг юқоридан келган нозирларга бўлган ажойиб муносабатидан хабардор бўлдим. Бу воқеани уларнинг ўзлари бир оз ясси тил талаффузи билан жуда мароқли айтиб берган эдилар. Университетга илмий ишларни текширувчилар келиб, аспирантурада

тахсил олаётганларнинг салмоқли қисми университет домларининг фарзанди эканини аниқлабди. Бу пайтда собиқ тузум сиёсатдонлари «сут соғувчининг боласи мол боқувчи бўлса – яхши, олимнинг фарзанди олим бўлса ёмон» ақидасига суяниб иш олиб бораётган эдилар. Текширувчилар ўз эътирозларини билдирганларида, Шоислом ака: «Худо нима учун худо? Худо нима учун ҳаммага баробар?» – деб савол берганлар ва ўзлари жавоб айтганлар: «Чунки худонинг фарзанди йўқ. Биз эса бандамиз. Бандада камчилик бўлади. Ўз фарзандининг келажagini яратишга уриниш биз – банда, домлаларда ҳам бор. Қолаверса, аспирантурага ажратилган ўринларга аризалар кам топширилгани учун биз ички имкониятларни ишга соламиз. Бу масалани истаганингизча ҳужжатлардан текширишингиз мумкин». Бу гапларни айтиш давомида юзларида ярим табассум, орасида кулгидан бир белги, ўз мулоҳазаларига ишонч аримасди. Шундай қилиб, устоз билан бўлган ҳар бир учрашув менга албатта жуда бўлмаганда битта янгилик бағишлар эди.

Халқимиз амалдорларни бир неча тоифаларга ажратади. Дўқ урадиган, ширин гапирадиган, қовоғидан қор ёғадиган, кулиб туриб жонингни суғуриб оладиган, сўзида турадиган, ваъдавоз ва ҳоказо турларга мансуб амалдорларни кўрганмиз, биламиз. Яна шундай амалдорлар ҳам борки, улар бирор илтимос билан олдига кирсанг, бутун хаёли илтимосни бажармаслик учун важ ахтаришда эканини сезиб турасан. Бошқалари ҳам бор, улар бутун имкониятни ишга солиб, қонундан чиқмаган ҳолда муаммонинг ечимини топишга уринадилар. Шоислом ака айнан ана шундай раҳбар бўлганлар. Аввало айтиш керакки, нима учундир у пайтларда биз университет ректорини жуда кам кўрар эдик. Уларнинг гапларини эшитиш эса яна ҳам камроқ бўларди. Асосий ишларимиз тўла маънода проректорлар билан ҳал этилган. Шунинг учун ҳам Шоислом ака билан тез-тез учрашиб турганмиз.

Фольклор – диалектология экспедициясига чиқадиган йиллардан бирида экспедиция раҳбарини тайинлаш қийин бўлди. Натижада университетдан буйруқ кеч расмийлаштирилди. Устига устак Фарғонага кетиш буйруқда автобусда эмас, поездда деб белгиланган. Ёз пайтида саксондан ортиқ одамга

билет олиш ўзи бўлмайди. Маблағни кассадан тезроқ ундириш ҳам осон эмас. Мен Шоислом аканинг олдиларига чиқдим. Биринчи илтимосим буйруқда қайд этилган пулни ҳисобхонадан тезроқ олиш ҳақида эди. Иккинчи илтимосим поезд ўрнига автобусда кетиш учун рухсат олиш бўлди. Бухгалтерия муаммоси бир сим қоқиш билан ҳал этилди. Сафар билети масаласи қийинроқ эди. Аввало улар менга автобусни поездга алмаштириш пул харажати юзасидан ҳисобот беришда кўп қийинчилик туғдиришини яхшилаб тушунтирдилар. Бу суҳбатда устознинг яхшигина маъмурият раҳбари эканига амин бўлдим. Кейинчалик эса, ташқи ишлар вазирлигида ишлайдиган бир масъул вазифадаги шогирдлари орқали биз жўнайдиган кунга саксондан ортиқ билет кафолатини олиб бердилар. Улар билан бўлган суҳбатнинг ҳисоботини факультетдаги ҳамкасбларимга айтганимда, ҳамма мени кун эмас, ой эмас, йил қаҳрамони деб тан олишди. Ваҳоланки, ташкилий ишларни университетдаги ҳамма камчилик бизга, нуқсонларни бартараф этишдаги барча ташаббус Шоислом акага тегишли эди.

Яна бир муҳим воқеани эслашни бурчим деб ҳисоблайман. Филология фанидаги чет тиллар соҳаси бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш ҳамиша мураккаб кечган. Шарқ тилларидан номзодлик илмий даражасини олиш ундан-да мураккаброқ эди. Ўтган асрнинг 70–80-йилларида тайёр диссертациялар мазкур унвонга тавсия этувчи Илмий кенгашлар ишини уюштиришдаги қийинчиликлар туфайли ўн йиллаб орқага сурилиб кетарди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Шоислом аканинг ташаббуси билан Олий Аттестация Комиссиясига мантиқан ва расман мукамал асосланган хат билан мурожаат этилди. Бўлажак Илмий кенгашнинг бўлажак аъзоларига тавсифномалар тайёрланди. Ҳар бир аъзонинг илмий асарлари рўйхати, соҳа бўйича фаолияти кўрсатилди. Ниҳоят, мақсадга эришилди. Бугунги кунда Шарқ тиллари институтида ва жумҳуриятимизнинг чет эллар билан бўлаётган муносабатида ишлаётган ўнлаб мутахассислар ана шу ғалаба натижасида номзодлик диссертацияларини ёқлаган мутахассислардан иборат экани бизни қувонтирди.

Кунлардан бир кун ҳамкасб дўстим мени Шоислом ака

йўқлаётганларини айтди. Бундай таклиф менинг ҳаётимда жуда тансиқ бўлгани учун устоз ҳузурига шошилдим. Хаёл минг тарафга олиб қочар эди. Аммо бир мулоҳаза ҳоким эди. Ишқилиб уларнинг таклифларини бажариш қўлимдан келса, бўлгани. Домла билан учрашдик. Ҳар галгидек илиқ табассум, инсонни ром этувчи кўзлар (Шоислом ака олтмиш ёшдан ўтганларида ҳам ўттиз-ўттиз беш ёшдаги йигитдек кўринар эдилар). Одатдаги салом алиқдан сўнг улар жуда жиддий оҳангда мендан олий ўқув юртларида дарс ўтиш методикаси ҳақидаги мулоҳазаларни сўрай бошладилар. Шу заҳоти гап Фан ўқитиш методикаси юзасидан кетишини англадим. Талаба диққатини жалб қилиш, маърузани аввалги мавзуларни эсга олиш суҳбатидан бошлаш, домланинг фикрларини эсда олиб қолиш чораларини белгилаш, бирор асарни таҳлил қилишда эътибор бериш лозим бўлган масалалар ва ҳоказолар. Мен айтмоқчи бўлган маслаҳатларимни домланинг ўзлари билишларига ишонардим. Лекин суҳбатдаги қатор-қатор қайдларни иш дафтарига ёзиб олаётганларидан бир оз кўнглим таскин топаётган эди. Суҳбатимиз якунида улар менга ўз кафедраларидаги домлаларга методик маъруза қилиб беришимни илтимос қилдилар. Агар бу мақсад амалга ошмаса, эҳтиётдан маслаҳатларимни ёзиб олганликларини ва бу суҳбатни ўзлари ўтказажакларини ҳам айтдилар. Уларга, айниқса, учрашувимиздаги охирги фикрим жуда маъқул бўлди. Жумладан, мен устозга аудиториядаги талаба 80 минут давомида ўқитувчи маърузасини бир хил эътибор билан тинглай олмаслигини айтдим. Шунинг учун маърузадаги ўз фикрларини шартли равишда камида беш бўлимга бўлиш, ҳар бир бўлимдан кейин аудиторияда енгил кулги уйғотиш ва шу усул билан тингловчини янгилаб олиш керак эканини билдирдим. Устоз самимий бир кулиб қўйдилар-да яна ўз дафтарларига нималарнидир ёздилар.

Тақдир мени оилавий жиҳатдан ҳам Шоислом акага яқинлаштирди. Катта қудам Ҳабибулла ака Янгийўлда истиқомат қилар эдилар. Уларнинг энг яқин дўстлари Меливой ака билан тез-тез учрашиб турар эдик. Маълум бўлишича, Меливой

ака устозимиз Шоислом Шомухамедовга қуда эканлар. Бу ҳолат маълум бўлгандан сўнг қудалар устозни чақиришганда, мени ҳам суҳбатга таклиф қиладиган бўлишди. Табиий, мен бундай йиғинга учиб борар эдим. Янгийўлнинг тоза ҳавоси. Ариқ бўйидаги шинам безатилган дастурхон. Норасмий ва ўта самимий суҳбатлар кишини ўзига тортади, одамга ҳузур бағишлайди. Унинг устига суҳбатдошинг Шоислом акадек урфон инсон бўлса...


Бу учрашувларда биз Фирдавсийини «Шоҳнома», Умар Хайёмнинг рубойлари ҳақида суҳбатлашар эдик. Фирдавсий мукофотига сазовор бўлиш тарихидан хабар олар эдик. Аммо нима учундир Шоислом ака бирон марта: «2-Жаҳон урушида ундай бўлган, бундай бўлган; ёки фалон чет элнинг фалон шаҳрида бўлганман», деган гапларни айтмас эдилар. Бир куни устоз Умар Хайём рубойларини таржима қилишини айтдилар. Улар Фафур Фуломнинг уйларига бориб ўз таржималарини ўқиб берганларида, академик шоиримиз 300 га яқин рубойнинг биронтасини форсий матндан текширмаган эканлар. Шоислом ака ўзбекча рубойни ўқигани заҳоти Фафур ака ёддан форсийни ўқишга тушар эканлар. Ҳар бир сўз моҳияти маъносини изоҳлаб, таржимоннинг ютуғини ёки камчилигини шу заҳоти қайд этар эканлар. Шубҳасиз, бундай маълумотлар менинг умумтаълим мактабларида Фафур Фулом ижодини ўтишимда ҳам ёрдам берган.

Ҳаёт ҳаёт экан. Яшаган мавжудот фонийга маҳкум экан. Ҳаётнинг лаззати уни инсоний қадрга доғ тегизмай ўтказишда экан. Муросасиз ўлим гўзал инсонни, меҳрибон мураббийни ўз ҳукмига бўйсундирди. Шоислом аканинг ёрқин хотираси фақат менга ўхшаган шогирдларнинг эмас, замонимизнинг таниқли олимлари хотирасида ҳам умрбод яшайди, фаолиятида ўрнак бўлади.





Ш. Шомухамедов кўхна қўлёмани синчков кўздан
кечирмоқда



Ш.Шомухамедов ижод оғушида



Ватан ҳимояси – бурч!...



Ш. Шомуҳамедов ёшлик ва аскарлик йиллари



Навқирон оила




О, ёшлик чоқлари...



Унутилмас дамлар...





Мутолаа



Севимли ўғиллари Алишер билан



1966 й. Халқаро Дунё Эроншунос олимлари конференцияси.
Эрон Шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий қутламоқда.




Эрон Фан ва техника Олий Мажлиси Раиси Забихулло Сафо
мукофотни топширмақда. Техрон. Март, 1975 й.



Дўстлар Ш.Шомухамедовни араб либосида қутлашмоқда



Техрон. Акад. Б.Б.Пиотровский (чапдан иккинчи) ва проф. Ш.Шомухамедов (ўнгдан иккинчи)га Халқаро Фирдавсий мукофотини топшириш тантанаси.



Фирavn билан юзма-юз...




Ш.Шомухамедов академик Саъди Сирожиддинов билан






Оила жамулжам бўлганда...



Илмий мутолаа



Шоислом Шомухамедов



Ҳамид Гулом, Ш.Шомуҳамедов ва Анвар Каримов



Ш.Шомуҳамедов, Эркин Воҳидов ва Н.Иброҳимов



Дўстлар дийдорлашганда



Оила



Ш.Шомухамедов ташаббуси билан ташкил этилган ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети музейида. 1981 йил.






Ш.Шомухамедов Ҳиндистонлик олим Қамар Раис билан



Ш.Шомухамедов академик Т.Саримсоқов билан



Ш. Шомухамедов



Ота ва ўғил



Тафаккур кенгликлари



Севимли набира Беҳзод билан



Севимли набира Шаҳноз билан



Оила даврасида



Севимли қизлари Саодатхон билан...





Неваралар даврасида




Алишер Шомухамедов оиласи: Шоислом ота, Ҳаётхон ая,
Маъмурхон, Беҳруз, Шаҳноз ва Санжар



Эвара Чарос... Магзи ҳам ўта ширин...



Тотли оила



Ҳиндистон. Улуғвор Тожмаҳалда



Навбатдаги китобнинг юзага келиши...

ХОТИРГА МУҲРЛАНГАН ЎГИТ

Шоислом акам ҳақида сўз юритганимда менинг хотирам 50 йил аввал бўлган воқаларга қайтади. 1959 йилда бизнинг оиламиз Кўкча маҳалласидаги 1-Оқсой 47-уйга кўчиб келганда мен 6 ёшда эдим. Отам Аъзамхўжаев Саидазим Аъзамович ва онам Марғубахон бу жойга меҳр қўйиб кўп йиллар давомида Шоислом ака ва Ҳаёт опамларнинг оиласи билан яқин қариндошдек яшаб келишди. Халқимизда “Ён қўшни – жон қўшни” деган нақл бор. Буни Аъзамхўжаев ва Шомуҳамедов оилалари ўртасидаги иноқлик, аҳиллик ва меҳр-оқибатида кўриш мумкин. Ота-оналаримиз самимий қўшничиликка асос солишди ва бу анъана ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Мен қадрдон дўстим Алишер билан болалик даврдан бошлаб боқчадош, синфдош, курсдош ва ниҳоят фикрдош бўлиб ўсдим. Икки ҳовли орасидаги деворда торгина эшикча бўлган. Биз деярли ҳар куни бир-биримизникига чиқардик, дарс тайёрлардик, ўйнардик, бир нарсаларни ясаб устачилик қилардик. Агарда кўчада кўпроқ ушланиб қолсак, Шоислом ака бизни чақиртириб:

–“Бекор вақтни ўтказгандан кўра, кўпроқ китоб ўқисаларинг бўлмайдими?!” – деб тўғри йўлга солишга ҳаракат қилар эдилар. Шунда биз Шоислом акамни кабинетларига кириб, китобларини мутолаа қилар эдик. Ўша пайтларда мен қўлбола кутубхона, яъни Шоислом акам ўзлари ясаган тоқчалардаги китобларнинг кўплигини кўриб ҳайратда қолардим. Бу ерда нафақат ўзбек адабиёти, балки Жаҳон адабиётига оид ажойиб китоблар жамланган эди. Муқовалари бир-биридан чиройли эди. Кутубхонада ўзбек, форс, араб, урду, рус, тожик тилларида ёзилган адабий, тарихий асарлар ўз ўрнини топган эди. Доимий тартибга риоя қилган Шо-

ислом ака айтардилар: –“Китобни эҳтиёт қилинглар, ўқигандан кейин, олинган жойга қўйинглар!” Биз, албатта, шу гапларидан ке-йин китоб саҳифаларини эҳтиёткорлик билан ва рақлардик. Демак китобларга нисбатан меҳр билан муносабатда бўлиш ва асраб- авайлаш ҳар бир инсон учун вожибдир деб тушунгандик.Эндиликда биз уни фарзандларимизга ҳам уқдириб келяпмиз. Ўша-ўша қўлимиздан китоб тушмайди. Бу мен учун биринчи ўгит эди.

Шоислом ака кабинетларини яхши кўрар эдилар. Қачон Алишерни олдига чиқсам, кабинетда Умар Хайём, Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Бедил асарларини таржима қилиб, чарм креслода ўтирганларини кўрар эдим. Менингча, Шоислом ака Шарқ мутафаккирлари адабий ва фалсафий меросини чуқур ўрганиб, ўзлари ҳам замонамизнинг етук мутафаккирига айландилар. Буни биз ўзлари тайёрлаган илмий тадқиқотлари ва шеърий тўпламларидан кўришимиз мумкин.

Маълумки, Шоислом ака форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари ижодига бағишлаб, кўп илмий асарларни яратдилар. Бу илмий тадқиқотларни жаҳон жамоатчилиги тан олганлиги бежиз эмас.Эрон ҳукумати томонидан таъсис этилган Халқаро Фирдавсий мукофотининг собиқ Иттифоқ бўйича фақат икки олимга насиб этганлиги ҳам бундан далолат бериб турибди.

Бизнинг оиламиз Шоислом ака шеърятининг мухлисидир. Шунинг учун нашрдан чиққан биринчи нусхасини дастхатлари билан отам ва онамга тақдим этардилар. Онам Марғубахон шеърларни қайта-қайта ўқиб чиқар ва бизларга ўқиганларини тушунтириб берардилар. Онам менга Шоислом акамни мисол келтириб, шарқшунос бўлишимни хоҳлар эдилар. Ҳақиқатан ҳам менинг шарқшунос бўлиб шаклланишимда Шоислом акамнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти катта таъсир кўрсатди.

70–80-йилларда Шоислом ака Халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш учун тез-тез хорижий мамлакатларга борар эдилар. Қайтгандан кейин бизникига чиқиб, сафар таасуротларини мароқ билан гапириб берардилар. Биз мазза қилиб эшитардик. Шунда, мен Шоислом ака ниҳоятда сўзга

бой, чуқур билимларга эга бўлган олимлигини англай бошлаганман.

Шоислом акани жуда кўп шогирдлари бўлган. Ҳар бири уларни фақат яхши сўз билан эслайди ва ўзининг тақдирида муҳим ўрин эгаллаганликларини таъкидлаб ўтишади. Мен ҳам улардан нафақат илм сирларини ўрганганман, балки ҳаёт сабоқларини ҳам олганман.

Яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, Шоислом ака биздек ёшларда мустақил фикрлаш, тўғри хулоса чиқариш, соғлом мунозара олиб боришни тарбиялардилар. Мен ҳам озми-кўпми устоз тажрибаларини ўзлаштириб олган бўлсам, ўйлайманки, у кишининг руҳлари шод бўлади. Ўзимнинг илмий ва педагогик фаолиятимда шогирд ва талабаларга устозим ҳақида ва улар берган ўғитлар ҳақида гапириб бераман.

Шоислом ака таржима қилиш ёки илмий ишдан чарчаганларида, подволга тушиб устачилик қилар эдилар. Бирор нарса бузилиб ёки синиб қолса, дарров устахонага кириб тузатиб чиқардилар. Устахонада турли асбоб-ускуналар тартибли сақланар эди. Мен бунга ҳавас билан қарар эдим. Бир куни менга:

– Мен буларни кўп йиллар давомида йиғганман. Саидак-бар! Сен ҳам йўл-йўлакай хўжалик дўконига кириб тургин ва керакли асбоб-ускунани сотиб олгин. Секин-секин йиғилиб қолади. Қарабсанки, уйингиз подволида устахона шаклланиб қолади” деб маслаҳат бердилар. Мен уларнинг қимматли маслаҳатларига амал қилиб, уйимизда устахона ташкил этдим. Шундай қилиб, менда кичик ҳунармандчилик кўникмалари пайдо бўлди.

Дунёда шундай зотлар бўладики, уларнинг ишлари, ўғитлари бир умр хотирага муҳрланиб қолади. Менга мураббийлик қилган, мен учун жон куйдирган, шарқшунос бўлиб шаклланишимда устозлик қилган буюк инсон бу Шоислом Маҳмудович Шомуҳамедовдир.

2007



Ўзб. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Халқаро журналист

ДАҲОЛАРНИ ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАТГАН АЛЛОМА

Тарихчилар: – XX аср 30-йиллар 2-ярмида Давлат миқёсида якка ҳокимликни қўлга олган Қизил Империя фирқаси республикалардаги маҳаллий миллатларнинг ўзликни таниганки, улуғ сиймоларини – пишган буғдойдай ёппасига Сиёсат чалғисидан ўтказди, – дейишади. Менимча, 20-йиллар бошлариданоқ халқларнинг миллий қадриятлари (дини, масжид-мадрасалар, муқаддас қадамжолар, араб алифбосида битилган ноёб асарлар) қатағон қилина бошланган.

* * *

Қадриятлар – миллатнинг келиб чиқиши, маданияти, тарихи, Ватани, аждодлари ким эканлигини кўрсатиб турувчи жаҳон ойнадир. Маккор Босқин қарам халқнинг миллий қадриятларини азалдан йўқ қилиб келган. Ўтмиш саҳифалари – кўрқда ҳатто Тарих кўзини ҳам қамаштириб қўядиган шаҳарлар кули кўкка соврилганидан унсиз сўзловчи гувоҳлардир.

* * *

Адабиётга ҳам сиёсий тамғалар урилди: прогрессив адабиёт, реакцион адабиёт (булар ҳам мистик, сарой, жадид адабиётларига бўлинган).

Авваллари мадрасаларда араб, форс, турк тиллари ўқитилган. Амри маъруфларда, анжуманларда Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Машраб... Бедилхонликлар одат бўлган. Ёзувлик бу Мумтоз сиймолар – Улуғвор тоғлардан халқимиз қалбига тириклик суви бўлиб оқиб турадиган маънавият чашмалари кўзларини беркитди. Буюк ёзувчимиз **Чингиз Айтматов** Манқурт образини бежиз яратмаганлар-да. Қора Босқин бир халқ, бир мамлакат, ҳатто бутун бир қитъа бошида те-

гирмон тоши айлантирган. Маънавий чанқоқликни енгиб ўтиши учун халқимиз кўп қон ва жон йўқотди.

* * *

XX аср 50-йиллар 2-ярмидан маънавият чашмаларимизнинг беркитилган кўзлари аста очила бошланди: қаҳрамонлик дostonларимиз чоп этилиши, «Минг бир кеча» эртақларининг араб тилидан, Улуғ Робиндранат Токурнинг рус тилидан, буюк Сўз алломаларининг форс тилидан қилинган кўп жилдли таржималари – халқимиз маънавий хазинасига бебаҳо дур-гавҳарлар бўлиб қўшилди.

Шоислом Шомухамедов таржимасида Умар Хайём рубойларининг китоб ҳолда чоп этилиши – Буюк Даҳо янгидан кашф этилгандек бўлди. Рубойларни ёшлару кексалар эзгу Сўз мисоли қалбларига жо бўлгунга қадар чанқоқлик билан ўқидилар:

Бизлар қўғирчоғу, фалак–қўғирчоқбоз,
Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.
Йўқлик сандиғига бир-бир тушамиз,
Вужуд палосида ўйнагач бироз.

* * *

1963 йили ТошДУ филология факультети журналистика (фақат кечкиси бор эди) бўлимига студент бўлдим. 2 ҳафта ўқигач, фамилиям филологлар журналдан чиқди. Кундузги бўлимга ўтказишни дилга тугиб, ўқишни давом эттирдим.

Тошкент таъбига кўниккунча, 4 ой ҳамқишлоқ Фатҳиддин Насриддинов ҳовлисида яшадим. Университетдош дўстлар: Шоислом Шомухамедов, Зоҳиджон Обидов, Жуманиёз Жабборов, Фатҳиддин Насриддинов, рафиқаси Жўраҳон ая, Иброҳим Порсоев, Лола Тожиева ва б... оилавий «гап» уюштирган эканлар. «Гап» навбати Фатҳиддин ака оиласига келганда мен чой-пойларга қарашиб турдим. Суҳбат асосан, илм, адабиёт, таржима хусусида бўлди. Бир пайт ҳамма бирдан:

– Шоислом ака, Умар Хайёмнинг янги таржима рубойларидан эшитайлик! – деб қолишди. Ўрта бўй, қотмадан келган, зулук қош, жиддий табиат киши ўрнидан турди. Шу пайт

мен қишлоқи содда йигитча тасавури кино экранга айланди-ю, буюк Хайём ўзбекчалаб рубоий ўқий бошлади:

Қўлимизда бўлса оқ буғдой нони,
Бир коса шаробу қўйнинг бир сони.
Дилбар билан майли вайронадамиз,
Бу айшни тополмас жаҳон султони...

Чапақлар тасавуририм экрани воқеасини ўзгартди: таржимон Ш.Шомухамедов олқишлар йўлига камтарлик пойандозини тўшарди... Ўшанда улкан шаҳарнинг дуд қоришган нафасидан, ҳали хира тортишга улгурмаган тасаввур кўзгумда буюк Руҳ жонланиб, ўзбекча шеър ўқиб – қалбимда фахр шамчироғини ёққан эди...

* * *

1964 йил. 1 октябрда филология кечки бўлим декани менга:

– Хужжатингиз ректордан қайтди. Кундузги бўлимга ўтмабсиз,– деди.

Хадрада «Ватан» к/т ёнида жойлашган деканатдан чиқар эканман, жангари хаёллар ўқирчаги* мени фарқ этди. Кўзим ярқ этиб очилди, ўқирчак халқумида тоза чирпирак қилиб, мени Марказий хиёбонга итқитиб ташлаганди. Қабулхонага кирар эканман, эшик очилиб, ректор Обид Содиқов 4–5 киши билан чиқиб қолдилар. Коридорга чиқиб, улар билан хайрлашгач:

Укам, менда ишингиз борми?! – кабинетига таклиф қилиб, қўл бериб сўрашдилар:

– Шеър машқ қилиб юрардим... ўша машқлар мени Андижон қишлоғида медрпункт мудирлигидан университетга етаклаб келганди. Кундузги бўлимда ўқишга ариза ёзгандим, «Хужжатингни ректор қайтарди» дейишди.

Ректор меҳнат ва имтиҳон дафтарчам ҳамда машқларим билан танишаркан, деди:

– 1-курс имтиҳонларини «аъло» га топширибсиз, шеърларингиз Марказда чоп этилган, иш стажингиз ҳам 6 йил экан.

* Ўқирчак (Ўзбекча), қайнам, қайном (уйғурча); кайнак (туркча); гирдоб (форс-тожикча).

Хужжатингиз менга келмаган. Қўлни беринг, табриклайман! Сиз албатта кундузги бўлимда ўқийсиз. Хужжатни тез олиб келинг!

– Аллоҳ ёрлақасин Сизни, оилангизни... – вужудим тўк ўрмалаётгандай титрарди...*

Филология кечки бўлим деканига юзланиб, дедим:

– Хужжатни беринг! Ректор кутиб турибди!..

Уч-тўрт ходим хужжат қидиришга тушди. Ярим соатларда котиба топди ва хужжат юзидаги чангни артиб менга узатди. Бир соатлардан сўнг, кундузги бўлимга ўтганлигим тўғрисидаги шахсан Ректор имзо чеккан хужжатни филология кундузги бўлим деканига топширдим...

* * *

«Дунёнинг бағри тор» дейишарди... Университетни «имтиёзли» тамомлаб, 1968 йили Ёшлар нашриётида редактор бўлиб иш бошладим. Ш.Шомуҳамедов шеърлар тўпламини менга беришди. «Ш. Шомуҳамедов рубойлари арузда эмас – рубой талабларига жавоб бермайди. Ҳатто Умар Хайёмнинг аруздаги рубойларини бармоқда таржима қилиб, аслидан узоқлашган» каби маломатлар ҳам бўлган. Баъзилар «Хайём рубойлари арузда мана бундай таржима қилинади» деб, гўё оригиналга ҳар томонлама мос ва хос таржималарини ҳам чоп эттиришди.

Бадий ижод – шеър илмини анча ўзлаштириб, шеър шоир кучини теранроқ ҳис этиб, шеър зуваласига ишлов беришда анча кўникма ҳосил қилиб қолганим сабабли, бундай маломатларга эътибор қилмадим.

Бир куни тушлиқдан қайтсам, хонада Шоислом ака мени кутиб ўтирган экан, самимий кўришдик. Қўлёмасини узатар эканман, дедим:

– Баъзи қалам теккан мисраларга кўз ташлаб берсангиз!

* Газетамиз редактори Л.П.Қаюмов топшириғи билан Ўзб. ФА Президенти, Академик О.С.Содиқов тўғрисида очерк ёзиш учун ҳузурига бордим ва «Академиямиз президенти» номли бадий очерким 20. 02. 1979 й. «Ўзб. маданияти» газетасида чоп этилди. Аллоҳга шукрларки, улуғ алломанинг менга қилган яхшилигига оз бўлса-да қалам тили билан миннатдорчилик изхор эта олдим

Қўлэзмангиз яқин фурсатда китоб бўлиб чоп этилади. Дом- ланинг кўзида гўё чақмоқ чатнади...

- Яшанг, укажон, яшанг !..

Фатҳиддин акани уйида Сиз эмас, гўё буюк Умар Хай- ём ўзбекча шеър ўқиб – қалбимда фахр шамчироғини ёққан эди... Ўша шамчироқ – ёниқ!..

* * *

Нафсиламрини айтганда, бироз жўнроқ бўлса-да Ш.Шо- муҳамедов бармоқда ўгирган рубойлар дилга яқин, юрак оханрабосига «тарс» этиб ёпишадиган, халқчил шеърлар бўлиб қола берди. Тоҳануз халқ Ҳаёт аталган сўзанани яна- да музайян этишда Умар Хайём рубойлари дурдоналари- дан фойдаланиб келмоқдалар.

Даврининг улуғ олими Умар Хайём оғир ва давомли илмий жараёнда гоҳо тасаввур четидан дарча очиб, тафак- кур машъалини Борлиқ ва Ҳаёт дунёси томон қаратар, ҳоси- лани эса, мухтасар қилиб, илмий ишлари четига битиб қўя берган. Ана шу мухтасар битиклар рубойлар бўлиб, дил чақмоқларини аллома ана шу рубойлар бағрига дафина мисол беркитган экан. Бу рубойлар кейинги 200 йил ичида Европа қалбига, сўнг эса Дунё қалбига чақмоқ бўлиб кириб борди.

Ростдан ҳам арузда қилинган талай таржималар қолиб кетди-ю, бироқ, Шоислом Шомуҳамедов бармоқда ўгирган рубойлар халқ тилида бийрон янгради. Чунки «**қаҳрамон- лик дostonларимиз, асосан, 11,13 бўғинли бармоқ вазнида бўлиб, арузнинг мутақориб вазни ҳам шунга ҳамоҳанг ва эгиз- дир (Эркин Воҳидов) ***

Қаро ер қаъридан то авжи Зуҳал,
Коинот сирларин барин қилдим ҳал.
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал...

* * *

Муҳаррир сифатида Устоз Миртемирнинг мисраларга қалам ургани аниқ, бироқ «Умар Хайём рубойлари тар-

* Эркин Воҳидов билан 1.06.2007 й.даги суҳбатдан

жимасида буюк Фафур Фуломнинг қатнашуви ҳақида батафсилроқ ёзсангиз?»,– сўровимга жавоб тарзида **«Фидойлар ва рубойлар»** («Минҳож» ЖСН, Т.,2003. 4–10 б.) китобида **Шоислом Шомуҳамедов ёзади:**

1957 й. радикулит касали... билан ётгандим, Баҳром Раҳмонов «Олтин одамлар» пьесаси учун Умар Хайём русча бир рубойисини «шуни таржима қилиб берса» деб юборибдилар. «Рубойёт» нинг Теҳрон нашридан форсчасини топиб, таржима қилиб бердим:

Май ичиб, яхшилар қурин қуршамоқ –
Сўфийваш жаврашдан минг бор яхшироқ...

...яна тўртликларни... ўзбек тилига айлангир...дим. Миртемир ака таржимани давом эттиришим ва Фафур акага кўрсатишимни айтдилар. Дўстим Талъат (отаси Гофур Фуломнинг қадрдони) билан Фафур ака... ҳовлисига бордик. Устоз бизни... очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Мени... синаб кўргач, дедилар: бирга кўриб чиқамиз... фақат эрта соат 6 да шу ерда бўласан...

Таҳрир ҳар куни... соат 6 дан саккизгача, баъзан кеч соат тўққиздан 12 гача давом этарди... Хайёмнинг деярли ҳамма рубойларини устоз ёд билар... Бедилдан кўп мисол келтирардилар...ул муҳтарам зот Шарқ адабиётининг мукамал қомуси эканига амин бўлдим. Устоз ...сўзга олмосдек қараб, ҳар бир қирра жилосини ҳисобга олиш ...заршунослик сабоғини бердилар.

«Бу мисра чиқмабди... Ўйлаб кўр, бошқасига ўт!.. Ўзбекмисан?.. бу сўзни эшитгандирсан» – деб энг *маъмул(зарур, кутилган, содда...)* сўз...ни айтарди ва бу сўз узукка кўз қўйгандек, тўртликни порлатиб юборарди. 1957 йил ёзи...устоз ҳовлисидаги анвойи гуллар бўйидан баҳраманд бўлдим.

Фафур ака билан юзтача рубойни таҳрир қилдик.

Мен устоз мактабида улғайдим. Бу улғайиш... устоз назари тушмай «Шарқ юлдузи» журнали 1958 й. 4-сонида эълон қилинган рубойлар билан, устоз таҳриридан сўнг китоб ҳолда чоп этилган рубойларни таққослаганда яққол кўзга ташланади.

Журналда

Қўлимда бўлсайди бу золим фалак,
Парчалаб ташлардим, битсин бедарак.
Ўзгача ясардим, бу дунёда ҳеч
Соф кўнгил кишилар бўлмасин ҳалак.

Китобда

Фалакка ҳукм этган Тангридай бўлсам,
Фалакни ўртадан қилардим барҳам.
Янгидан шундай бир фалак тузардим:
Яхшилар тилакка етарди ул дам.

Журналда:

Токай бу умр ўз фойдасин кўзлаб ўтади,
Ё борлигу йўқлик сирини излаб ўтади.
Май нўш эт, чунки умринг пайида доим ғам,
Яхши умр уйқуда, ё мастликда бўзлаб ўтади.

Китобда

Умринг қачонгача ўзим деб ўтар,
Йўқлик-борлик аро кезим деб ўтар.
Бу умр қайғули бўлгач, ичиб қол,
Уйқу мастлик аро бир зумдек ўтар.

Журналда

Масжидга келтирди мени бир ниёз,
Чин айтсам келмадим ўқий деб намоз,
Ўтган гал бирисин ўғирлагандим:
У эскибди, керак янги жойнамоз.

Китобда

Масжидга бир тилак билан келсам ҳам,
Намоз ўқимоққа эмасди, айтсам.
Жойнамоз ўғирлаб эдим, эскибди,
Янгисин мўлжаллаб келдим бу гал ҳам.

Ўзбекча... китоб ҳолда чоп этилган Жайём «Рубоийлар»и: фавқулодда шуҳратга эга бўлди, у халқимизнинг севиқли китобларидан бирига айланди. Менга таҳрирдан сабоқ берганида Фафур ака бургутсимон иш қилган эканлар. Бургут болаларини учишга ўргатганида, осмонга кўтариб чиқиб, ташлаб юборар, сўнг илиб олар экан. 50 йиллик тўйим куни таржимада эришган жиндак ютуғим тилга олинганида.

ташаккур тўла қалбим нидоси устозларим Ғ. Фулом ва Миртемир домлага қаратилган эди...

* * *

XX аср бошлари Тарих ва Сиёсат дунёсининг йирик сиймоларидан бири Исмойил Ғаспирали Бейнинг ёзишича, Қозон университети профессори Н.И.Ильминский (туркий халқ қатламлари ва теология бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган, турколог) Туркистоннинг тўла забт этилиши муносабати билан 1875 йил императорга хат ёзади:

Исённи, Фурурни осиб, отиб, қиличдан ўтказиб бўлмайди. Туркий халқлар чинордай сершоҳ – серқавм: ўзбек, озар, татар, қозоқ, қирғиз, туркман ва б...Ана шу қавмларнинг ҳар бирини «сен ўзинг алоҳида миллатсан» деб Олий Фармон чиқаринг. Вассалом ! Сунъий миллатга айланган қавм йиртқич қуш бўлиб, бир-бирининг кўзини чўқийди. Бошбошдоқлик касалига йўлиққан милён-милён бошни эса, тузоққа илинтириш осон...

Император ғоят зўр бу Маккорликни ўз инқирозига қадар ҳам амалга оширмади. XX аср 17-йил давлат тўнтаришидан сўнг Қизил Империянинг кўш даҳолари проф. Ильминский қора юрагидан туғилган ўша қабих Маккорликни амалга ошириш учун, аввало Туркистонни 5 бўлак қилиб, чопди. Сўнг, ҳар бир қавмга «Миллатсан» деб ном берди. Бироқ, Қизил Сиёсат сунъий миллатга айланган қавмларнинг кўкаришига асло йўл қўймади. Тазйиқ, бир бутун вужуд бўлган Шарқдан юз ўғиртиб, аъзо Туркистонни Европага юз тутдирди. Ҳаёт йўриғига ҳам андозани Европадан олишга мажбур этди.

XX аср 60-йилларига келиб ҳазрат Рўдакий, Фирдавсий, Саъдий, Хофиз, Деҳлавий, Жомий, Бедил ва б... асарларининг ўзбекчага ўгирилишида Ш.Шомуҳамедов ва улар ташкил этган шарқшунос таржимонларнинг хизматлари беқиёсдир.

* * *

Тазйиқ туфайли Туркистоннинг Дунё ва қадимий Шарқ билан алоқаси узилди. Халқлар иқтисодийгина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам қашшоқлашди. Шарқ тиллари, ҳатто қўшни давлатлар тилини билмаганимиз сабабли, адаби-

ёт, шунингдек, мунаққидчилигимизда маънавий қашшоқлик юзага келди. Давр туққан мунаққидлар «Ўзгани кийинтириб, ўзи яланғоч қолган йигна» ни, «ойдай яримта кўнгил» ни, «сассиқ ҳовузни дунё деб билган тилла балиқча» ва б... ни совунлаб, кўпиртиб, яқин ярим аср мақташди. Ваҳолонки, форс адабиётида бу иборалар минг йиллар нарида айтилган: «Йигна ўзгани кийинтириб, ўзи яланғоч қолар» (форс мақоли), «Сустликдан Ой сариқ, озгин ва синиқ» (У Хайём),

«Агар қурт дона буғдойга қамалдир:
Ери ҳам, осмони ҳам ўшалдир».

(Хусрав Деҳлавий)

Ота-боболаримиз араб, форс, турк тилларини билишни одатий ҳол деб билганлар. Улар яратган асарларда Шарқ қалби гурсиллаб уриб туради. Биз юқорида келтирган мисоллар ҳам аслида мунаққидларнинг Шарқ тилларини билмасликлари оқибатидир. Ижодкор шу уч тилни, ҳеч бўлмаганда араб-форс, форс-турк тилларини ўрганмай туриб, ижодга қўл урмаслиги керак. Шарқ тилларидан баҳраманд ижодкорлар асарини ўқисангиз – Шарқ боғларида етилган тамтам меваларнинг тотини сезиб турасиз. Бунга Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий тадқиқотлари, ижоди, таржимонлик фаолияти яққол мисол бўла олади.

* * *

2003 йили «Узинкомцентр» директори Ш. Шоаҳмедов илтимоси билан Гога Ҳидоятловнинг 9-синфлар учун «Ўзб. тарихи» дарслигини таҳрир этишимга тўғри келди. Шораҳим суҳбат орасида «Шоислом Шомуҳамедов – амакимиз бўладилар» деб қолди. Шод бўлганим билган Шораҳим бироз кейин телефон орқали Шоислом ака билан учраштирди. Ҳолаҳвол сўрашдик. «Битта тўплам тайёрлаб берсангиз, фақат унда Форс мумтоз сиймоларидан ўнтасининг 50 байтдан янги таржималари бўлсин» дедим. Домла тез кунда тўпламни тайёрлаб юбордилар. Қўлёзмани ўқир эканман, Шоислом акадан Умар Хайём рубоийлари таржимасида Фафур Фулом иштироки ҳақида батафсилроқ ёзишларини сўрадим.

* * *

Шукрлар бўлсинким, ҳаёт фаолиятим асосан ижод дунёсининг бош тўғонларида ўтди. Тўғон бўлгач: юқорида тўғонга елка тираб турган чўнг қудрат, пастда озроқ, лекин шиддатли сув Ота измидан ўзлик сари кетиб бораётган ёшлик. Ёнда, ўкирчак (гирдоб) чапга буриб ташланган сувнинг ғазабкор ўкирикли оғзи. Ўнгдаги «қулоқ» дан бошланган ариқча тегирмон тошни кўтариб, чирпирак қилаётган навқирон спортчи...

Шубҳасиз, тўғон ва атрофдагиларнинг таъб-табиати қалбимга кўчган. Кўп мўътабар инсонлар билан мулоқотда бўлдим. Адабиётшунос, мунаққид, ижодкорлар асарларини чоп этишга тайёрладим. Адабиёт (ижодий ташкилотлар) олдига қўйилган масалалар, муаммолар, баҳс-мунозаралар шубҳасиз, бизнинг бўлимда муҳокама қилинарди, хулоса эса матбуот юзини кўрарди.

Шоислом Шомуҳамедов ўзбек мумтоз адабиёти билимдонигина эмас, Эрон мунаққидлари эришган илмий ютуқларни юксак баҳолаш билан бирга, «ҳали уларда фактик материалга ўралашиб қолиш, назарий хулосалар чиқаришда оқсаш, таҳлилда биографик методга суяниш каби камчиликлар бор» лигини ҳам айтишни унутмайди.

Домланинг ана шу таҳлил услубидан ижобий фойдаланиб, Шарқшунослик билан эгиз – баъзи «мумтоз бадий анъаналаримизни нега унутдик?» саволи тошданакдек чақилмай қолаётган эди. Ана шу – «XX аср саволи»ни Келажак олдига кўндаланг қўймоқчиман.

* * *

**«Мумтоз анъаналаримизни унутиб...
Келгинди анъаналарга юкуниб...»**

«Мунаққидларимизнинг ўзлари оригинал бадий тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлмай туриб, нима учун бадийликдан маҳрум, қуруқ андоза (қолип)лар асосида бадий асарларни таҳлил қиладилар?»

Бу оғриқли савол қалбимда туғилиб, назаримда, қирчиллама ўттиз ёшга кириб қолди-ёв... Узоқ йиллар жавоб кут-

ган бу саволнинг «қон босим»и ортиқдир?! «Хум ичида неча йил Хун бўлмоқ» дин (Э. Воҳидов) балки бу савол ҳам узум қонидай тобга келгандир?!

* * *

Адабиётимизнинг ўқ томирларидан бири бўлган – мунаққидчилигимиз, яъни Давр туққан мунаққидларимизнинг ўзак хатоси – бой мумтоз бадиий анъаналаримизни унутиб, келгинди анъаналарга юкуниб (кейинги сал кам икки асрлик рус адабиёти улуғворлигини инкор этмаган ҳолда), бадииятдан йироқ, бир хилда, тайёр андоза (қолип) ларга тушиб қолганликлариди.

Масалан:

а). Кичик ёки эпик асар таҳлил андозаси (қолипи) «Кириш», «Воқеа ривож», «Ижобий образ» ё ҳолат, «Салбий образ» ё ҳолат, «Воқеа кульминацияси», «Ечим», «Хотима»;

б). Ижодкор ҳаёти ва ижодига бағишланган диссертация таҳлил андозаси (қолипи) «Кириш», «Болалиги», «Илк ижоди», «Асарлари таҳлили», «Ҳаётининг сўнгги йиллари», «Хулоса».

Дейлик: машҳур мунаққиднинг докторлик диссертацияси китоб бўлиб чоп этилди. Мавзу юқорида айтилган андоза (қолип) лар асосида таҳлил этилган, 500 саҳифали ушбу китобда доктор мунаққиднинг оригинал бадиий тафаккури асосида қилинган бирорта ҳам бадиий таҳлилни учратмаймиз.

* * *

КЕСАТИФ (Кеса /р /тиф) Галстук профессор мунаққид бўйнига қаттиқроқ чанг солиб, деди:

–Хў, инсофинг кўпайгур! Ўзгалар асаридаги бадиийликни мисқоллаб ўлчайсан, нега ўз ўлчовингда мисқолча ҳам бадиийлик йўқ?!

* * *

Нафсиламрини айтганда, фақат мунаққид Иброҳим Фафуровнинг адабий тақриз, таҳлилларида сийрак бўлса-да, ўзига хос оригинал бадиий тафаккур мавжуд бўлиб, у мумтоз адабиётимиз шажара илдизидан униб чиққан навниҳол эди. Афсус, Боғбон – Замон вақтида илғаб, унга эътибор

қилмади. Социалистик реализм баҳрида жавлон ураётган йирик наҳанг – мунаққидлар қаршисида ўзини якка ва ожиз сездими, тўғри олинган мўлжалдан чалғиб, қандайдир манзумалар ёзишга киришди.

И. Фафуров – теран билим соҳиби. Айнан камолот чоғида. У мунаққиднинг ўзи оригинал бадиий тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлишини амалда кўрсатиб, шу асосда ҳақиқий асарларни хассослик билан бадиий таҳлил қилиб, XXI аср мумтоз бадиий мунаққидчилигимизга пойдор бўладиган таҳлилий асарлар яратишига ишончим комил.

* * *

Хулоса : Мумтоз ва замонавий адабий мунаққидчиликнинг ижобий томонларидан ижодий фойдаланган ҳолда, мунаққиднинг ўзида ҳам бадиий тафаккурлай олиш иқтидор қувваси бўлиши, шунингдек, оригинал бадиийликдан иборат таҳлил андоза (қолипи) ила таҳлил этсагина, асар ғоясининг не чоқли муҳимлиги-ю, асарнинг не чоқли бадиий қимматга эга эканлигини тўғри баҳолай олади. Бу эса, мунаққид иқтидор қуввасига, талантига боғлиқдир. Аслида, бу, мумтоз адабиётимиз ва мумтоз мунаққидчилигимизнинг сабоғи ва талабидир!..

Кўнгил тарозисига ҳақтош қўйиб...

(Мумтоз мунаққидчилигимиз пешволари)

Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ўз рисоласида дейди: «Мир Алишер Навоий... турк тилининг ўлғон жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди... сўз гулистонида навбаҳори табъидин равон осо ёғинлар била ранго-ранг гуллар очди... Ҳар синф шеър майдониғаким, таковар сурди – ул кишварни тиғи забон била ўз хиттаи тасарруфиға кивурди... Не девон, оллоҳ-оллоҳ, жунгеким (кема) софий алфоздин тўла гавҳар бўлғай ва сипеҳр авроқиким, пок маонийдин мамлу ахтар (тўла юлдуз) бўлғай... Назм иқлимида қайси берк қўрғонга куч келтурдиким – эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварга табъ черики била турктоз (тўсатдан суворийлар ҳужуми) солдиким, фатҳ қилмади?! Бу кун назм аркони

(устунлар, таянчлар, улуф кишилар) нинг рубъи маскуни (Замин қуруқлик қисми) да қаҳрамон ул турур ва мамолик (мамлакатлар) фатҳига соҳибқирон ани десалар бўлур:

*Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисрав нишони.
Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг— соҳибқирони!.. »*

(Хусайн Бойқаро. Девон. Рисола.
ҒФН.БАН.Т.–1968.161,165 б.)

* * *

Эскартма: 525 йиллиги муносабати билан Ҳазрат Навоийни «Ғазал мулкининг султони» атаб Устоз Шайхзода мақола ёзганларида, шов-шув бўлиб, муаллифга офаринлар ёғилган эди.Хусайн Бойқаро ҳазратлари ҳам шоҳ, ҳам мунаққид сифатида, ҳали ҳаётлик чоқларидаёқ Ҳазрат Навоийни «Сўз мулкининг фотиҳи, шоҳи (султони), қаҳрамони, агар чин айтсанг Сўз мулкининг соҳибқирони!» деб шеърый баҳо берган эканлар. Устоз Шайхзода зўр савоб иш қилганлар. У пайтлар матбуотда «султон» сўзини сарлавҳага олиб чиқишнинг ўзи бўлмасди-да...

* * *

Хусайн Бойқаро ҳазратлари Ҳиротдаги мингдан ортиқ фазл аҳлига кўнгли ва ғазнадан мурувват эшигини очган. Илм-ҳунар, санъат ва ижод аҳлига оталиқни дўст Алишербек зиммасига юклаган. Икки даҳо ижодкор – Жомий ва Навоий ҳазратларини кўз қасрида асраган. Жомийни «пир» деб билган. Қаламрави осойиш ва фаровонлигини ўйлаган. Ўзбек (турк) тили ривожи учун алоҳида фармон чиқарган. –Ўзи ўзбек тилида назокатли ғазаллар битди. «Олий мажлис» ва турли анжуманларда ўзбек тилида мубоҳасалар олиб бориш, мушоиралар ўтказиш йўлга қўйилди.

* * *

Абдурахмон Жомий ҳазратлари – «Шаҳаншоҳнинг пийри», «Мамлакат шайхулисломи» каби олий унвонлар Улуф Устод зиммасига ҳам чўнг салоҳият залворини ташлаган. Шогирди Султон Хусайн Бойқаронинг Ўзбек (турк) тили ри-

вожи учун алоҳида чиқарган фармонидан дилда фахр туйган. Ҳазрат: «*Адл дорад мулкро қоим, на дин...*» («Мамлакатни дин эмас, Адолат сақлайди...») деб мисралар битди. Балки фахрланиш дил тугёни сифатида ширу шакар ва ўзбекча ғазал ёруғ дунёга кўз очгандир:

1

*Эй лабат нурхандаю чашми сиёҳат масти хоб,
Икки зулфинг орасида ой юзингдир офтоб.
Нашъаи май медиҳад рўйи турс андак арақ,
Бода ичсанг, тўкилур икки қизил юздин гулоб.
Булҳавас дар базми васлат муҳтарам, ман – ноумед,
Толем – шумдир менинг, бахтим – забун, ҳолим – хароб.
Ҳарки бинад рўйи хўбат пок бошад аз гуноҳ,
Сан сари боққанлара маҳшар куни йўқдир азоб.
Банда шуд Жомий, гуломат, гарчи Афлотун бувад,
Асрагил, ё сақлагил, ё сот, ё бергил жавоб!*

2

*Зулфинг хаёли тушгали шўрида бошқа,
Ғам бошқа ўлдурур мени, ҳижрони бошқа.
Меҳробга не фарзики, мен сажда қилгамен,
Қилгимдурур сужуд мен ул икки қошқа.
Кўзу қошинг талошидур ўлдиргали мени,
Ўлдир ўзингу, қўйма икавни талошқа.
Ашкимни қон кўруб, деди: «Кўргил етимни
Бурни қонади оғзи етишганда ошқа...»
Жомий бир оҳ чекди – анинг кўнгли юмшади,
Оҳим ўтини кўр : не асар қилди тошқа...**

Алишер Навоий «Хамса» сани ўқиб чиққан Жомий Устод мунаққид сифатида шогирди ижоди ва қаламига баҳо беради: «*Бу қаламга фалакдин офаринлар ёғилсин. Бу қалам форсий тил эгаларига, форсча назм дурларини терувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз*

* «Сино» журнали (Эрон Ислом Респ. Ўзб.ги элчихонаси нашри. 2002. 7.16–17-б.) акад. А.П.Қаюмов мақоласи. 1941 й. «Қизил Ўзб.» газ. да ҳазр. Жомийнинг 2 та ўзбекча ва битта ширу шакар ғазали эълон қилинган. Бу уч ғазал проф. Е.Э.Бертельс «Жомий» асари (М.,1965, с. 228) га киритилган. Мазкур ғазалга Увайсий, Ушшоқ, Чархий мухаммас боғлаганлар.

айтишга мажол қолмасди. Унинг мўъжизали шеъри олдида Низомий киму Хисрав ким бўларди ?!»

* * *

Мир Алишер Навоий ҳазратлари «Мажолисун нафоис» асарининг «Саккизинчи мажлиси»и замон шаҳаншоҳи, илм аҳлининг мурувватпешаси, ҳамқалам дўсти Ҳусайн Бойқаро ижодига бағишланган бўлиб, ҳазратнинг 164 нафар ғазали матлаъини хассослик билан ўта мухтасар тарзда кўнглининг заргар тарозисига ҳақтош қўйиб таҳлил этади:

– Бу Сизнинг эмас, бизнинг Сизга илтимосимиз – дебдилар, Ш.Рашидов. Шундан кейин эса, хонадонларда севиб йиғиладиган, миниатюралар билан безатилган китобчалар пайдо бўлди. Адамларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек китобхони форс адабиёти намояндлари Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий каби мутафаккирларнинг назмий хазинасидан баҳраманд бўлдилар. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ҳам адамларнинг хизмати билан ўзбек китобхонига туҳфа этилди. Бу ишлар илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланганида адамларнинг чексиз хурсанд бўлганликлари ҳозиргидек кўз ўнгимда. Адамлар ўринларидан жуда эрта турар эдилар. Ижодларининг асосий қисми айнан шу вақт-га тўғри келар эди. Агар шу куни ош ёки қандайдир талбир бўлиб қолса, ўкиниб “Куним бекор кетди” дер эдилар. Саксон беш ёшларида ҳам Шарқшунослик институти талабалари учун форс адабиёти тўғрисида шеърини шаклда дарслик яратдилар. Уйимизда доим меҳмонлар бўлгандан ташқари, адамлар кимларнидир уйимизда яшаб тургани ҳам олиб келардилар, булар: ёки Хитойдан келган ўқитувчи қизи билан (ижара уй топунигача бизникида турган, кейинчалик Россияга кўчгандан сўнг оламдан ўтгунга қадар хат ёзишар эди), ёки ётоқхонада жой бўлмагани учун андижонлик бир ногирон одамнинг ўғли яна бир “жойсиз” талаба билан то жой топилгунича турган. Бир шогирдларининг хотини эса эри Москвага кетганини билиб Самарқанддан келиб боласини онамга ташлаб ўзи ҳам 2–3 кунга бориб келган, умуман кўп бошқа шаҳарлик шогирдлар, шарқшунос олимлар (душанбелик Нетьматзода, Ходизода, бакулик Расулзода, Ленинградлик Иванов, Розенфельд ва бошқалар) меҳмонхонага боришмасди ҳам. Шогирдларига нисбатан ўз болаларига қандай муносабатда бўлсалар, уларга ҳам худди шундай меҳрибон эдилар. Бири ҳимояга чиқди, лекин илмий мақолалари етарли эмас экан, шунда адамларнинг бир шоир

ҳақида янги китоблари чиқиши керак, шу китобга ҳаммуаллиф қилиб шоғирдларини қўшиб қўйганлар (бундай ҳодисани ҳеч эшитмаганман, кўпинча, аксинча бўлади) ёки охириги марта “Академик” унвонини олиш учун “домла ҳужжатларини тайёрлаш керак” дейишганда, бошқа бир шоғирдлари ҳам тайёргарлик кўраётганини эшитиб, “Мен умримни яшаб бўлдим, сеники эса ҳаммаси олдинда, ўғлимнинг йўлини тўсиб нима қиламан” деб воз кечганлар. Ўзи бу унвонни олиш учун бир неча мартаба ўзлари Адамларга таклиф қилишган, бирида Ҳамид Сулаймон саратон касаллиги билан оғриган эди, рақиб у, «Мен касал одам билан беллашмайман, ўзи ўтсин» деганлар, кейинги сафар аёл киши номзодини қўйганини эшитиб, “Энди аёл билан тортишишим қолган эди” деб воз кечганлар. Адамлар умрларининг охиригача ҳалол, камтар ва ҳар ишда адолатли бўлишдек ўзларининг инсонийлик фазилатларини сақлай олдилар. Адамлар доим онам томонидан қўллаб-қувватланган ўз тамойил ва қарашларига содиқ эдилар. Бу ишда уларга ўзига хос илҳом париси ва садоқатли умр йўлдоши бўлган онамлар ҳар доим кўмакдош бўлганлар. Онам ҳаёт билан видолашганларидан кейин, адамлар унча кўп умр кўра олмаганликларининг боиси, балки, шундан бўлса керак. Ҳар гал адамлар ёдимга тушганларида мутафаккир шоир Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги сатрлари нечоғлик ҳақиқатга яқин эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан:

Умрлар бўладики, тиригида ўликдир,

Умрлар бўладики, ўлганда ҳам тирикдир.

Ҳа, мён шундай мўътабар ва улуғ бир сиймонинг фарзанди эканлигимдан доим фахрланаман. Адамларнинг порлоқ хотиралари ҳамиша яқинлари ва дўстлари қалбида кўп йиллар яшашига имоним комил.



МОЯ МИЛАЯ АБУЛЯ И ДОДОЖОН...

Меня зовут Отабек, мне 33 года, живу в Швеции и работаю врачом. Я женат на Сандре и у меня есть совершенно очаровательная дочь Кайса. Я — старший внук Шоислома Махмудовича Шомухамедова, для меня — Додожона.

Мне кажется, что наиболее полно человека можно представить, проникнув в несколько памятных эпизодов вместе с ним. Погрузившись и прочувствовав атмосферу его бытия. Я попробую предложить вам всего лишь несколько фрагментов из моей памяти, которые я берегу дороже всех моих жизненных знаний. Я расположу их для удобства в хронологическом порядке, начиная с самых первых воспоминаний моего детства, сжатых в ослепительный радужный шар.

ЛИЧНЫЙ ВОЛШЕБНИК

Как известно, детские воспоминания всегда правдивы, ибо ребенок воспринимает мир без предубеждений, навязанных жизненным опытом, ибо нет его, опыта. Давно повзрослев, обзаведшись собственной семьей, я иногда спрашиваю себя: много ли детей могут похвастаться родством, или, на худой конец, знакомством с волшебником? Подозреваю, что не очень. Я могу! В этом нет моей заслуги, просто мне посчастливилось жить, и расти в одном доме с добрым и удивительно мудрым волшебником. Волшебником моего детства.

Он «жил» в удивительной комнате старого дома на Кукче, которая называлась «Кабинет». Именно так, по-русски, даже в изустной узбекской речи. Начну с того, что Кабинет обладал совершенно неповторимыми свой-

ствами. Там было т.и.х.о, причем по-особенному тихо, таинственно и покойно. Дом жил бурлящей старогородской жизнью. Крики детворы, отчаянный свист соседа-голубятника, его же виртуозная матерщина, зазывные звуки карнаев и сурнаев с махаллинской свадьбы – все проникало через распахнутое кухонное окно и доходило до самых удаленных уголков дома. А в Кабинете было тихо. Я до сих пор не могу понять, как достигалась эта необъяснимая звукоизоляция. ;Более того, в кабинете особенно пахло: книгами, старым кожаным креслом волшебника, его мыслями, им самим. Три стены из четырех были до потолка заставлены стоящими на полках книгами, источавшими каждая свой запах. Все эти оттенки смешивались в головокружительный аромат волшебства. Аромат, за возможность почувствовать который вновь, я отдал бы сейчас многое.

Казалось, что само время замедляло свой ход в этом месте. Поверьте мне, я не суеверен, но могу поклясться, что так оно и было на самом деле. Казалось, что слова и буквы и сами мысли волшебника, взлетели с белых листов бумаги на столе и кружатся в медленном хороводе под потолком, как в тех подсвечниках, где пламя свечи раскручивает карусель из легкого металла.

Мне казалось совершенно естественным, что при частых в Узбекистане землетрясениях, все семейство бежало в Кабинет. Где еще не Земле было безопасней? Позже я узнал, что по периметру в фундамент кабинета были заложены вертикальные трубы, укреплявшие именно эту часть дома. Кто бы мог подумать, что все имело столь рациональное объяснение.

Мне действительно казалось, что Додожон «жил» в кабинете. Проснувшись по утрам, я первым делом шествовал туда и заставлял его, бреющим электрической бритвой, под звуки «Утренней гимнастики» или «Пионерской зорьки». На работающую бритву немедленно надевалась плексигласовая крышка и дед водил ею мне по щекам. Это был ритуал. Каждодневный и незыблемый, как

сам Кабинет, и потому так надежно закрепившийся в моей памяти! Ритуалов было много. Например, по вечерам волшебник приходил ко мне в комнату и рассказывал удивительные истории про приключения Аскатки и Мухтарки, где главным героем и спасителем их затруднительных положений был, конечно же, я. Много позже я с удивлением узнал, что архетипами моих сказочных сотоварищей были очень маститые писатели Узбекистана, ближайшие друзья Додождона. При этом, до начала очередного рассказа, из ниоткуда возникала здоровенная жестяная банка с арабской вязью на боку. Из банки доставались гигантские и умопомрачительно вкусные фисташки. Додождон лущил их и отправлял мне в рот. Их вкус я помню до сих пор. Опять таки, много позже я узнал, что это были знаменитые иранские фисташки, и есть их, дозволялось только мне. Еще было ежевечернее питье молока с медом. Додождон и я получали каждый по своей чашке с молоком и медленно пили.

Хорошо помню наше «путешествие» в горы за мартовскими маками. Дело не в самой поездке в горы - уверен, что много детей, выросших в Узбекистане ездили посмотреть на кроваво-красные или лимонно-желтые склоны. Дело в подготовке. Задолго до путешествия, мне был выдан портфель, куда я должен был складывать необходимые для поездки причиндалы. Какие? Например, несколько катушек серпантина, которые полагалось кидать с вершины вниз, или собственный перочинный ножик. Я не очень хорошо помню саму поездку, однако совершенно отчетливо помню «чемоданную лихорадку», предвкушение путешествия, целую неделю ожидания, разговоров, рассказов Додождона и наших совместных приготовлений.

Я мог бы долго перечислять эти бесчисленные маленькие бисеринки памяти, сложившиеся в волшебную мозаику воспоминаний моего детства. Самое удивительное в этой мозаике то, что почти каждое цветное стеклышко, подарено мне Додождоном, добрым волшебником моего детства.

Сейчас, имея собственную дочь, я удивляюсь и преклоняюсь перед мудростью и энергией этого человека. Только сейчас я могу понять и осознать, сколько сил, времени и внимания нужно, чтобы превратить детство ребенка в сказку.

ДАЧА

Это был необычный день. С утра все казалось необычным. Домочадцы были взволнованы и явно ожидали чего-то. Чего? Этого я в свои 5 лет не мог понять, да и не стремился. Воспитанному мальчику не положено вмешиваться в жизнь взрослых. Кроме того, уже тогдашний мой жизненный опыт подсказывал мне, что лучше всего — ждать и наблюдать.

Ожидание завершилось шумным появлением Додождона. Он буквально вбежал тогда в двери, сказал пару непонятных мне фраз и все вдруг засуетились, забегали и засобирались. Вскоре все тесно сидели в автомобиле и ехали, ехали, ехали. В тот день Додождон купил дачу.

Дача располагалась в междуречье, образуемом рекой Чирчик и маленьким искусственным каналом, ответвлявшимся от того же Чирчика. Значительная часть земли у канала официально принадлежала Минводхозу, поэтому территория дачи расширялась за счет государственной земли, на которой нельзя было строить, но можно было сажать деревья. Это место стало со временем любимейшим местом на земле для Додождона.

Не ошибусь, если скажу, что буквально каждый квадратный метр дачи орошен потом моего дедушки, каждое дерево, каждый инструмент в небольшом гараже помнят его руки. Деревья растут, инструменты лежат в ящиках верстака, а Додождона нет уже с нами. Странно это и горько очень от этого.

Мои родители переехали в Москву, когда мне было 7 лет. Школа, институт, работа и друзья — все это было в Москве. В Ташкент я приезжал на летние каникулы и, как старший внук, помогал деду на даче. Потом к помощи

подключился Бехруз, затем подросший Джамшид, а затем уже и Хасан с Хусаном и Санджар внесли свою лепту.

На даче Додожон преображался. Респектабельный профессор, видный востоковед, работал, не покладая рук: сажал деревья, строил и мастерил. Абуля суетилась на кухне, стряпала совершенно невообразимые блюда, к которым подавались овощи со своего огорода. Я не говорю уже о фруктах, которые до сих пор сняты мне иногда по ночам. Додожон с 5 утра успевал переделать массу дел, пока мы продирали глаза к 8.30. Одаренный поэт, переводчик и исследователь востока, он был еще и удивительно мастеровит, а главное доверял нам, детям работать наравне с ним. Я хорошо помню, что на даче я делал, то, что мне ни за что не доверили бы родители: сверлил электрической дрелью, работал циркулярной пилой и стамеской. Совершенно ненавязчиво, нам, детям позволялось быть не подмастерьями, а мастерами, наравне с Додожоном выполняющим ответственные и сложные части работы. Сейчас у меня у самого сад и собственный дом, многое в котором сделано моими руками. Я держу инструменты как Он, я научен работать как Им, я работаю под звуки маленького радиоприемника, как и Он, и мне хочется думать, что когда-нибудь, я смогу быть так же мудр и терпелив к моим внукам, каким был Он.

Талантливый человек — талантлив во всем. Это совершенная истина, доказательством которой был мой Додожон. Я до сих пор поражаюсь его рационализаторским способностям. Несколько лет назад, здесь в Швеции в магазине садового инвентаря я купил секатор с полуметровой длины ручками — для толстых сучьев. Удивительно, но в далеком 1982 году, Додожон просто переделал обычный садовый секатор, удлиннив ручки металлическими трубками из старой детской коляски. Я и не догадывался, так же как и он, о действительном существовании такого инструмента на Западе. Уверен, что этим секатором пользуются на даче и поныне. Таких примеров было много. Додожон очень гордился своими «рац.предложениями» и, поверьте, было за что!

Как сейчас перед глазами эпизод послеобеденного отдыха в в беседке на берегу быстрого канала. Белый хлопчатобумажный платок скручен по диагонали, обвязан вокруг головы по-дехански и торчит сзади лихим узлом. Это чтобы пот не заливал глаза, когда работаешь на солнце-пеке. Несколько непослушных седых прядей выбилось из-за платка. Додожон сидит без рубашки, в синих вельветовых шортах, побывавших когда-то брюками. На груди и на предплечье круглые рубцы страшного военного ранения. Я отличаю входное отверстие от выходного и четко вижу, что заживало все плохо, вторичным натяжением. На ногах у дедушки старые истоптанные ботинки рыжей кожи со срезанными задниками, почетно именуемые «сабо». Толстая подошва позволяет легко ходить по грядкам и удобно давить на клинок лопаты, когда копаешь. Дед расслаблен и задумчив. За его спиной на высоком пне спиленной когда-то старой чинары покоится радиоприемник «Спидола». Передают «Ахборот». Мы сидим в беседке, построенной на берегу быстрой горной речушки — искусственного рукава реки Чирчик, вырытого видимо вручную, где-то в 30-х годах. Беседка установлена на сваи, так что половина ее находится на глинистом, поросшем тростником и осокой берегу, а половина — прямо над водой. Металлическая крыша из листового железа выполнена в форме узбекской тюбетейки. Мы часто шутили с Додожоном, что стоило бы покрасить крышу в черный цвет и намалевать белые «перцы» и с летавших с близлежащей авиабазы вертолетов была бы видна гигантская тюбетейка. Скоро, перебив посуду, в беседку зайдет Абуля и бабушка с дедушкой сразятся в нарды, сидя за маленьким столиком, специально сделанным для этих целей самим Додожоном. Додожон будет весело подшучивать над медлительностью и сосредоточенностью Абули, а она будет оправдываться: дескать, за Додожоном нужен глаз да глаз, он ведь известный шулер. Эта веселая перепалка каждый раз сопровождала их игру, а мы, дети, сидя вокруг наблюдали и пытались подсказывать Абуле ходы.

GADGETMAN

Именно так, в шутку называют меня иногда друзья. Это труднопереводимое английское слово означает любителя электронных штучек: карманных компьютеров, телефонов, диктафонов, фотоаппаратов и других результатов миниатюризации и прогресса.

Совершенно точно, что эту любовь я унаследовал от Додожона. Рожденных в 1921 году, он, принадлежал к поколению людей, которых потряс переход от висячих на стенах репродукторов к миниатюрным радиоприемникам. У него было их как минимум с десяток. Начиная от обычной «Спидолы» и заканчивая совершенно странным приемником, сделанным в виде пачки сигарет «Мальборо», привезенным кем-то из-за границы. Он слушал радио почти всегда: работая в саду, бреясь по утрам электрической (!) бритвой, отдыхая после полудня и даже во сне: засыпал и просыпался под звуки работающего коротковолновика. Был только один момент, когда радио замолкало, и Додожон предпочитал тишину: когда он работал над стихотворениями, книгами или статьями.

Опасным бритвам, Додожон предпочитал электрические — это ведь тоже подарок прогресса, а он шагал в ногу с прогрессом! Бритв было тоже великое множество, от заводных и отечественных «Харьков», до любимого «Филишейва».

Еще в коллекции был шагомер, которым мы пользовались в поездке в Ура-Тюбе и фантастический прибор, названия которому я до сих пор не знаю. Приборчик представлял собой маленький циферблат, где можно было выставить значение масштаба карты. А потом, прокатив маленькое колесико, торчавшее из латунного бока приборчика по карте, на циферблате можно было прочесть длину измеренной дистанции в километрах и метрах.

Додожон был заядлым фотографом. Все мои детские фотокарточки сделаны им. И первый мой фотоаппарат, подарен мне тоже дедом. Он и сейчас у меня — «Киев», советская копия знаменитой 35-миллиметровой Лейки.

Сохранился даже короткий фильм, где 2 летний я бегаю в саду, сделанный Додожоном. Я хорошо помню те счастливые дни, когда в кабинете на стену вешалась простыня, а дед показывал собственного изготовления кино с 8-миллиметрового проектора.

* * *

Я не поехал в Ташкент на похорны Абули и Додождона. Остался в Швеции и один переживал свое горе, тяжело переживал. Некоторые возможно сочтут это малодушием или неуважением. Однако это ни то и ни другое. Эти два самых дорогих мне человека **БЫЛИ ЖИВЫ**, когда я говорил им «до свидания» и уезжал в аэропорт. Они и сейчас для меня живут в Ташкенте, смотрят вместе бразильские телесериалы, Додожон диктует свои стихотворения, а Абуля, глядя сквозь слезшие на кончик носа очки, печатает их на пишущей машинке. А потом они будут играть в нарды, весело подтрунивая друг над другом, а потом Додожон будет распределять лекарства: для себя и для Абули, доставая из из картотечного шкафа, где они разложены в алфавитном порядке: «антибиотики, витамины, желудочное, сердечное..» и раскладывая в пластмассовые коробочки с надписями «Шоислом» и «Хаёт», а потом....

Умом я конечно же понимаю, что их больше нет, но сердцем никогда не пойму. Они живут во мне и умрут они только вместе со мной, тогда, когда придет и мой срок.

Стокгольм, март 2008 г.



АЛЛОМА АМАКИМИЗ

– Жиянимиз Шоисломнинг ҳали жуда ёшлик чоқлариданоқ бизнинг оиламизда ўз ўрни бор эди. У келмай қолган кунлари негадир оиламиз кемтик бўлиб қолгандай туюларди, – дея қувонч билан эсга олишарди муҳтарам Ота ва Ойижонимиз, – Биз ҳам жиянимизга меҳргина эмас, меҳркўз билан боқардик-да. У ўз фарзандларимиз қатори оиламизнинг тўла ҳуқуқли аъзоси эди.

• Кейинчалик Урушнинг қонли қўли навқирон амакимиз Шоисломни ҳам ўз бағрига тортди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, оғир ярадор бўлса-да, даҳшатли урушдан у эсон-омон қайтди. Ўрта Осиё Давлат университети Шарқшунослик факультетида студент бўлиб, илм-фан сирларини кунт билан ўргана бошлади.

«Фидойилар ва рубойилар» китобида Шоислом амакимиз ёшлик чоқларини шундай эслайдилар:

– Биргина амаким бор эдилар. Ул кишини Шоабдулло Шоаҳмад ўғли дейишарди. Мен амаким уйига борсам 3–4 кунлаб қолиб кетардим. Амаким Ленинградда ўқиб фрезерчилик ҳунарини ўрганиб, Тошкент вагон таъмирлаш заводида 40 йил ишладилар. Улар фрезерчилик ишларининг пири эдилар. Амаким «Минг бир кеча», «Шоҳнома», «Калила ва Димна», «Гўрўғли», «Рустам», «Орзигул», «Муродхон» каби дostonларни, «Або Муслим» китобини мутолаа қилган ажойиб ҳикоячи, нақлчи эдилар. Бадиий сўзга эътиборни ҳам, умуман, адабиётга ҳурматни ҳам кўпроқ шу амаким қалбимга сингдирган бўлсалар ажаб эмас...

Аллоҳ амакимизга Ҳаётхон опоқидек улуғ Инсонни умр йўлдоши бўлишликни насиб этди. Улар ниҳоятда оқила аёл эдилар. Амакимиз (аслида, амакиваччамиз) Шоислом Шомуҳамедов кунт ва саботнинг пиллапояларида собит

қадам ташлаб илм - ижоднинг юксак қасрига кўтарила олди: Филология фанлари доктори, Университет проректори, таржимон, шоир, атоқли Шарқшунос, Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати, комил фарзандларнинг сеvimли дадажони...

Биз ака-укалар ҳам асли амакимизнинг илм-ижод борасидаги сабр-тоқат, эзгу интилишларидан андоза олганмиз... 2003 йили «Узинкомцентр» директори лавозимида ишлаётган пайтларимда тендер ғолиби сифатида 9-синф учун «Ўзбекистон тарихи» дарслигини чоп этишимизга тўғри келди. Узоқ муддат ушбу китобнинг таҳрири муаллиф – Гога Ҳидоятговга маъқул бўлмади.

Кўпчилик фикри билан теран билим соҳиби, устоз ношир, «Минҳож» жамоавий саховат нашриёти директори, таниқли шоир Минҳожиддин Ҳайдарга мурожаат қилдим. Улар қўлёзма билан танишиб, 1 б/т ни таҳрир қилгач, Гога Ҳидоятгов таҳрирдан миннатдор бўлганини айтдилар ва таҳрир давом этдирилди. Таҳрир давомида амакимиз Шоислом Шомухамедовнинг бироз бетоблигини айтдим. Амакимиз билан боғланиб, телефон қулоғини Минҳожиддин Ҳайдарга тутдим. Салом-алиқдан сўнг, устоз шоир амакимизга дедилар: – Тўплам тайёрланг! Фақат, 10 та форс мумтоз сиймоларидан 50 байтдан янги таржима қўшасиз! Амаким бу таклифдан кўнгли тоғ каби кўтарилиб, навқирон тортиб, тўплам тайёрлашга киришдилар. Бироз фурсат ўтгач, қўлёзмани келтирдим.

Амакимизнинг «Фидоийлар ва рубоийлар» номли ажойиб китобини тайёрлаб, чоп этишда Устоз Минҳожиддин Ҳайдарнинг теран билим ва улкан саховатли қалб соҳиби эканлигини ҳам англаб етдим. Ушбу китобнинг қоғоз ва матбаа ишларига ёрдам бермоқчи эдим. Бироқ, устоз шоир бу ҳаражатларни ҳам таҳрир қалам ҳақи ҳисобига ўтказдилар. Китоб муқова, саҳифа безакларини нозик дид мусаввир ва дизайнер Беҳзод Ҳайдар катта маҳорат билан ишлади. Устоз Минҳожиддин Ҳайдар билан китобнинг

илк нусхасини олиб борганимизда, хурсандликдан амаки-миз кўзида гўё чақмоқ чақнаб кетгандай бўлди...

Китобни иштиёқ билан томоша қилгач, устоз ноширни амаким кеннойимга таништира кетдилар:

– Минҳожиддин 1969 йили «Ёшлар» нашриётида чоп этилган китобимга ҳам муҳаррирлик қилганлар. Сиз уларни 1963 йили Жўраҳон ва Фатҳитдин Насриддиновнинг уйларида кўргансиз, эсладингизми?

– Эсладим... У вақтларда 21–22 ёшлардаги уятчан йигитча эдилар... Умр-да, сочлари ҳам оқарибди...

Минҳожиддин Ҳайдар ҳам бўш келмадилар:

– Ҳа, ўшанда қишлоқдан янгигина келгандим. Шоислом ака – Алплардай, Сиз бўлса – Барчиндай эдингиз...

Кулишдик. Бирга суратга тушдик. Кетар чоқда кеннойим келтирган тўнни амаким Минҳожиддин Ҳайдарга кийдирмоқчи бўлдилар.

– Тўннимас, меҳрингизни кийгандай бўлдим, раҳмат! Тўн кийишга кўнмаган Минҳожиддин Ҳайдар, дедилар: – Дуо қилинглар! Иймон дуодан қувват олар, дерлар.

Амаким ва опоқим қуюқ дуо қилдилар... Эртаси хат ва қийиққа тугилган тўнни устоз шоир уйига элтдим. Хатда шундай ёзилганди: '

«Кўп ҳурматли Минҳожиддин, укамизга! 80 йиллигимда елкамни ўпган ушбу табаррук тўнни лутфан қабул қилсангиз – мени ғоят хурсанд қилур эдингиз! Сизга чексиз эҳтиром ила: Шоислом. 12.05.2003»

Устоз М.Ҳайдар сўнг ҳам «Умар Хайём * Шоислом» номли китобни чоп этиб, амакимиздан кўп дуо олганлар. Амакимиз отамиз ўрнида оиламиз суянчи эдилар. Бугун биз ана шу суянчдан айрилдик. Оиламиз дилдан ғам чекиб, деймиз Аллоҳ раҳматига олган бўлсин...

2007 й.



УСТОЗ, ОЛИМ, ТАРЖИМОН ВА ШОИР

Шарқда азалий-азал инсоний комиллик тушунчаси инсон ақлий тадрижи ва балоғати, шунингдек унинг қалбидаги руҳий қадриятларнинг заҳира бойлиги билан боғлиқ ҳолда англанди. Шу боис, айнан мутафаккир, яъни буюк тафаккур эгалари номи турли даврлардаги интеллектуал комилликнинг энг юқори даража-ю савиясига эришган инсонларга нисбатан қўлланилган.

Доно Шарқ мутафаккирлар сирасига уч тоифадаги инсонларни, яъни олимлар, шоиру адиблар ва ниҳоят авлиёлар – шайхларни киритган.

Аmmo ана шу уч тоифадаги мутафаккирларни ўзаро боғлаб турадиган олтин занжир борки, бу УСТОЗ ва шогирд тушунчасидир.

Ҳар бир шахс такомилида устоз ўрни ўзгачадир. Устозлар ҳақида, уларнинг наинки шахс ривожиди, балким бутун бир халқ ва миллат такомилидаги ўрни тўғрисида кўп ва ҳўб каломлар айтилган. Зеро,

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,
Айламак бўлмас ҳаққин адо юз ганж ила.*

Шоислом Шомуҳамедов ҳаётнинг ширин ва аччиқ неъматларини тотган, фақат меҳнат билан улугворлик касб этган устозлардан. У йирик олимлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, Фирдавсий номидаги Халқаро мукофот соҳиби, профессор, умуман, ўзбек халқининг маънавий ва маданий камолотига шоиста хизмат қилган табаррук устозлардан биридир.

Шоислом ака шарқшунослик соҳасини мутахассислик сифатида танлар экан, шарқ мутафаккирлари руҳи доимо уларга мададкор бўлди, уларга куч-қудрат, ақл-идрок, сабр-қаноат бахшида этди. Шоислом Шомуҳамедовнинг серқирра фаолияти негизда унинг ўзига хос шоирлик маҳорати, сермаҳсул тар-

жимонлик фаолияти, фидойилик билан амалга оширилган илмий тадқиқотлари ётади.

Шоислом Шомухамедов ижод нуқтаи назаридан жуда унумли, ҳодисаю воқеаларга бой ҳаётни бошдан кечирдилар. Инсон сифатида шаклланишнинг барча жабҳаларини ўз бошидан кечирган устоз, аввало чин Инсон бўлиб қолиш илмини, энг улғуф фазилат деб билди.

Шоислом Шомухамедов Фирдавсий, Жомий, Умар Хайём, Муслиҳиддин Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Бедил каби Шарқнинг буюк алломалари асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, халқимиз маънавий дунёсини бебаҳо хазина билан бойитди.

Бу оддий кенг қамровлилик ортида бир неча ўн йилларга тенг шарқ мумтоз адабиётининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этишга бағишланган илмий фаолият, шарқ адабиётлари, хусусан, форс-тожик адабиёти ва шеърятининг оташин тарғиботчиси сифатида шоирлик ва таржимонлик ишлари, бадий адабиёт нашриёти шарқ халқлари адабиёти бўлимини бошқариш, кўп йиллик педагогик саъй-ҳаракатлар, дорулфунундаги раҳбарлик ишлари туради. Албатта, бундай ижодий ва ташкилий фаолиятдаги кўпқирралилик улкан истеъдод, ундан-да улкан меҳнат ва сабот маҳсулидир.

Тафаккур жасорати ноёб бўлиб, ҳаётда сийрак учрайдиган ҳодисалардандир. Тафаккур жасоратига ва бу жасоратнинг ҳайрат аталган туғёнини кўпинча келажак авлодлар тўла англаб етадилар.

Олим агар 1952 йилда ТошДУнинг шарқ факультетини битирган бўлса, 1956 йилдаёқ Абулқосим Фирдавсий, Ираж Мирзо, Мирзо Абдуқодир Бедил, Муслиҳиддин Саъдий кабилар тўғрисидаги илк илмий-оммабоп мақолаларини нашр қилди. Шоирнинг шарқ классик, хусусан форс-тожик адабиётидан илк таржималари эса, 50 йиллар охирида амалга оширилган эди.

XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистонда авваллари анъанавий бўлган шарқ мутафаккирлари меросидан узулиш вужудга келган эди. Шарқнинг руҳий маънавий тажрибаси асосида тарбияланган бутун бир авлоднинг энг истеъдодли вакиллари қатағон қилинган эди,

чунки, ҳукм сурган янги идеология учун мазкур анъанавий боғлиқлик ҳалақит берар, янги ақидаларга мос келмас эди. Ана шундай хол 50-60 йилларгача давом этди.

Инсон эзгуликни ва улуғликни орзу қилиб яшайди. Ана шундай ўйлар оғушида мустақил ҳаётга қадам қўяётган олим шарқ мутафаккирларининг маънавий меросини қайта тиклаш йўлидан борди. Тарихимизнинг қийин даврларида ҳам маънавий қадриятларимизни тадқиқ этиш, янги ўсиб келаётган авлодларни ундан баҳраманд этиш ишидаги фидойилиги натижасида 80 дан ортиқ китоб ва монографиялар, 300 дан ортиқ мақолалар ва бир дунё таржималар юзага келди.

Озод Шарафуддинов устоз ҳақида «илмий иш унинг учун ўз халқига хизмат қилиш билан баробар. Унинг асосий мақсади – машҳур Шарқ шоирларининг бебаҳо меросидан ўз халқини баҳраманд этиш», деб ёзган эдилар.

Шоислом ака бизни ишонтирмоқчи бўлган ғоялар мардлик, ҳалоллик, адолат, ҳақгўйлик, садоқат, яхшиликка ишонч, камтарлик, вафодорлик, ватанпарварлик каби умуминсоний қадриятлар негизига қурилган эди.

Инсонни улуғлаш, унинг қудратига ишонч, инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уни эзгу ишларга сафарбар қилиш – Шарқ классик адабиётининг етакчи ғояси эди. Бу юксак ғоя устознинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» китобида (Тошкент, 1968) ўз аксини топди. Шоислом ака мазкур монографиясида форс-тожик адабиёти классиклари ижодини тематик жиҳатдан синтез қилиш йўли билан мумтоз адабиёт ардоқлаб, умуминсоний ғоя даражасига кўтарган мавзулар ҳудудини белгилаб берди.

Ш.Шомухамедовнинг форс-тожик классик адабиёти ривожига бағишланган асарлари ҳамдўстлик давлатларидан ташқари, Эрон, Покистон, Афғонистон, Чехия, Болгария каби давлатларда ҳам нашр қилинди.

Бу тадбирлар ва ҳаракатларнинг табиий давоми сифатида Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бадиий таржимаси вужудга келди. “Шоҳнома”ни ўзбек тилига таржима қилиш анъанаси ҳам бир неча босқичларни ўз ичига олади. ХУІ асрда “Шоҳнома”нинг “Сиёвуш” дostonи насрда ўзбек тилига таржима қилинган эди. ХУІІІ асрда ҳам уч бор бу асардан парчаларни ўзбек тилига насрда ўтиришга уринишлар бўлган эди.

“Шоҳнома” таржимасига қўл уриш-таржимондан катта ижодий жасорат, алоҳида маҳорат талаб қилар эди.

Устоз «Шоҳнома” нинг шеърый таржимасига киришди. Ўзбек адабиёти тарихида илк бор “Шоҳнома” ўзбек тилига таржима қилинди. “Шоҳнома” – энциклопедик асар ҳисобланади. Ҳаммуаллифликда чоп бўлган уч жилдлик “Шоҳнома” таржимаси устознинг ўзбек таржимачилик ишига қўшган улкан ҳиссаси бўлиб, бу китобларни ўзбек халқи бадиий сўз байрамидек хушнудлик билан кутиб олди ҳамда улар ўзбек адабиёти хазинасига муносиб туҳфа бўлиб қўшилди.

Устознинг чоп этилган илмий ишлари 200 босма табоқдан ошиб кетганлиги, албатта, сермаҳсуллик ва ноёб истеъдод, шунингдек доимий меҳнат, изланиш, ўзни англаш, мақсад сари сидқидилдан интилиш самарасидир.

Шу боис, Шоислом Шомуҳамедов 1974 йилда форс-тожик классик адабиётини тарғиб этишдаги улкан хизматлари учун Фирдавсий номидаги Халқаро мукофотга сазовор бўлдилар.

Устоз бир неча шарқшуносларнинг умумжаҳон Конгресслари делегати, Ҳинд-ўзбек маданий алоқалар ҳайъати аъзоси, бир неча газеталар, журналлар ва нашриётларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси, 13 йилдан ортиқ Тошкент Давлат университети, ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети илмий ишлар бўйича проректори, Ўзбекистон Фанлар Академияси ва республика Олий таълим вазирлигининг хорижий мамлакатлар билан илмий алоқалари бўйича Кенгаши аъзоси каби ўнлаб йўналишларда фаоллик билан амалий ишлар олиб бордилар.

Ҳаёт уларга яхши сабоқлар берди, жуда кўп неъматлар бахшида этди. Шу боис, Шоислом ака ҳаётдан жуда кўп нарсалар олдилар, ҳаётнинг ўзига ҳам жуда кўп нарсалар беришга улгурдилар.

Ҳадисларда, «муҳаббат оллоҳ таолодандир» деган сўзлар мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир мавжудот бу оламда ўз жуфтига эга. Шоислом ака ҳақида ёзар эканман, уларнинг аёллари Ҳаётгон опа ҳақида индамай ўтолмайман. Ҳар бир истеъдоднинг ниҳолдек униб-ўсиб ва ниҳоят тотли самара беришида жонини жабборга берган, ўз мақсадларини ана шу истеъдоднинг бунёд бўлиши учун бўйсундира олган, эрта тонгдан шомгача фақат ва фақат ўз кучи, билими ва меҳнатини шу

истеъдод манфаатларини ҳимоя қилиш учун сафарбар этган жон-фидо одамлар бўлади.

Ҳаётхон опа ана шундай бутун вужуди, фикри ва зикри билан устоз учун яшаган, устоз пойи қадамларини кўзига суртган муниса аёллардандир. Ҳаёт опада қалб осудалиги, дўстга хос фидойилик, маънавий қувват бўла олиш қобилияти, оналик жасорати ва жуфти ҳалоллик журъати мавжуд. Ҳаётхон опа устознинг юпанчлари, денгиз шовқинларидан тин оладиган муқаддас соҳиллари, дардлар уммонини ютиб юбора оладиган дил изҳорлари, мунис суянчиқлари ва илҳом париларидир. Домланинг оилавий ҳаётлари муҳаббатни эъзозлаш ва улуғлашнинг ноёб намунаси бўлиб, Ҳаётхон опа домланинг ҳақиқий Ҳаётларидир. Устозни Ҳаётхон опасиз, Ҳаётхон опа ҳаётини эса домла мақсадларисиз тасаввур этиш қийин. Домла ва Ҳаёт опанинг муносабатлари тиниқ, самимий, бунёдкор, нафис, покиза ва жўшқин, олийжаноб, эзгу фазилатларга бой ва кечиримли, Аллоҳдан ато этилган муҳаббат нишонасидир.

Шоислом ака Аллоҳ назари тушган инсонлардан Иккинчи Жаҳон урушининг даҳшатли жанггоҳларидан ногирон бўлса-да, Ватанига қайтишлари, тинимсиз меҳнат туфайли халқ меҳри ва ардоғига эга бўлганликлари, оилавий бахт ва иззат-икромга мушарраф эканликлари бунга гувоҳлик бериб турибди.

Устоз доимо сафда, доимо қаторда, доимо курашда эдилар. Шоислом аканинг улуғвор ҳаёт йўлларини қайта идрок этар эканмиз, уларнинг авлодларига тани сиҳатлик, узоқ умр, устознинг неvara ва эваралари камолотини тилаб қоламиз.

Қуёшдай эдингиз
бошимиз узра
Нурингиз порларди ёритиб йўллар.
Беқийс эдингиз
одамлар ичра,
бўлмас бошқаси ҳеч Сиздайин сира.
Осмондай эдингиз
Орзулар сари
Илм парвозларин этардингиз кенг.
Юлдуздай эдингиз
жимираб кўкда,

Бўлардингиз малҳам **барчамизга** тенг.
Шамолдай эдингиз :
Башорат айлаб,
Бебок ниятларга **улашиб кудрат**,
Чинордай эдингиз :
соянгизда биз
Ҳаёт шодлигини **туярдик фақат**.
Уммондай эдингиз :
тўлқинлар аро
Истеъдод сузарди **кўрқмай тўфондан**,
Даврга тенг эдингиз :
неча авлодлар
Миллатга бердингиз **ўз қадри** билан.
Дарёдай эдингиз
ҳар бир томчида
Сеҳрингиз куйларди **шижоатлардан**.
Ҳаводай эдингиз
Руҳиятимиз
Оларди неъматлар **борлигингиздан**.
Бугун Сиз йўқсиз ...
аммо Тафаккур,
буюк бир сиймони **чизар, умидвор**,
Қалблардаги ўчмас
Хотиротда,
Яшамоқда Сизнинг **улуғ меҳрингиз...**

21 феврал 2007 йил



ДАҚИҚ ТИЙНАТ УСТОЗ

1960 й. сентябр бошида (ҳозирги Миллий университет Шарқшунослик факультети) аудиторияга кириб келган ўрта бўй, қотмадан келган, зулукқош, теранназар устоз Шоислом Шомуҳамедов, салом-аликдан сўнг:

– Мен Сизларни буюк Рўдакийнинг тоғ ҳавосидек соф шеърлари, Умар Хайёмнинг қалбдаги ғам-ғусса туманларини қувиб, хушнудлик бахш этадиган рубоийлари, Ҳофизнинг тоғ жилғаларидек тоза ва жўшқин ғазаллари, Саъдийнинг ҳикматга тўла мисралари, хуллас форсий сўз хазинасининг жавоҳирлари билан таништираман, – деганлари қулоғим остида ҳали-ҳануз янграйди.

Биз устозни ниҳоятда севардик ва ҳурмат қилардик, ҳар бир дарсини мароқ билан тинглардик. Чунки домла форсий буюк сиймолар яшаган давр, сиёсий тузум тўғри-сида тўлиқ маълумот берганларидан кейингина, улар асарлари ёзилиш тарихини ва бу асарлар бадиий қимматини тушунтирар эдилар. Сўз қадрини, Сўз ўз ўрнида ишлатилсагина, қиммати ортишини айтардилар. Домла ҳар бир байт ёки ғазални ифодали ўқиб, унинг мағзини чаққанларида, гўё кўз ўнгимизда сирли Дунё юз очарди.

Саъдий дейди

«Ҳар ке омад иморати нав сохт,
Рафт ва манзел ба дигарон пардохт»

Яъни Ҳар кимки келиб қургай янги иморат,
Кетар уни ўзгага ташлаб оқибат...

(М. Ҳайдар тарж.)

Шоислом Шомухамедов бизларга ҳам устоз, ҳам мураббий эдилар. Биз студентларни ўз ўғил-қизларидек севар ва ҳар биримиздан илмий ишга лаёқат топишга рағбатлантира олардилар. Ёшлар келажаги ҳақида сидқидилдан қайғурардилар. Университетни тамомлаб, қушлардек турли томонларга «учиб» кетганимиздан кейин ҳам домла «ишончи бор» шогирдларини чорлаб, илмий иш қилишга даъват этардилар. Ўтган аср 70-йил сентябр ойида устоз мени суҳбатига чақириб:

– Олимжон, Сизни Иттифоқ ФА шарқшунослик институти аспирантурасига юборишга тавсия қилдик, – дедилар. У вақтларда Москва аспирантураларига кириш учун жуда катта конкурс бўларди. Шундай қилиб, университет номидан ёзилган домла тавсияси билан аспирантурага кирдим. 20 чоқли аспирантлар Москвадаги шарқшунослик институтида сабоқ олардик. Устоз вақт топиб, аспирантлардан хабар олгани Москвага келиб қолдилар. Аспирантлар уйида ҳар бир аспирант билан унинг илмий иши қай даражада амалга ошаётганлиги ҳақида домла шахсан суриштириб суҳбатлашди. Шунда устоз йиғилган шогирд – аспирантларга қараб:

– Сизлар дунёнинг тилаги – самаридирсизлар,
Ақл кўзининг қораси – жавҳаридирсизлар,
Ўзбекистон келажаги – гавҳаридирсизлар! – деб Хайёмона сўзлаганлари ҳеч ёдимдан ўчмайди.

Ана ўша шогирдлари ҳозир академик, фан доктори, фан номзодлари бўлиб, халқимизга хизмат қилмоқдалар. Камина ҳам 1975 йили «Дари тилининг ҳозирги даврдаги мавқеи» (лексика бўйича) мавзуида фан номзодлиги диссертациясини ёқладим. Устоз раҳбарлигида ўндан зиёд фан докторлари, кўплаб фан номзодлари, бирқанча форс классик адабиётининг етук таржимонлари ва дипломатия ходимлари етишиб чиқдилар.

Ҳамдўстлик ё қай бир Шарқ мамлакатларига борманг, Устоз шогирдларидан бири ё илмий иш билан машғул ёки дипломатия соҳасида хизмат қилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Хизмат билан Эрондаёқанимда, домла форс мумтоз сиймолари асарларига ишланган миниатюралардан жўнатишимни илтимос қилдилар. Топиб, юбордим. Улар Устоз таржималари ва ташаббуси билан «Шарқ» нашриётида «Шарқ классиклари меросидан» рукнида чоп этилажак китобчаларни музайян ва ранглар тили билан шарқона руҳ ато этишда асқотган.

Эришган мувоффақияларига яраша Устоз лавозимлар, унвонлар, мукофотлар билан тақдирланган. Домла ҳаётлик чоғида Тошкент Давлат Шарқшунослик институти да «**Проф. Ш.Шомуҳамедов кутубхонаси**» ни ташкил этиб, унга илмий ишлари, асарлари, таржималари ва нодир китобларни тортиқ этдилар. Эндиликда бу даргоҳдан илмга чанқоқ ёшларнинг қадами узилмайди.

Ёруғ дунёни тарк этган эканлар, асарларидан бирида Устоз:

– Киши гўзал боғларда сайр этиб юрганда, денгиз бўйлари завқини сурганда, тоғ этаклари оқшомининг ажойиб оромидан баҳраманд бўлганда, ҳатто бир луқма лазиз таом еганда – яқин кишиларини, ёр-биродарлари, дўстлари, устозларини эслайди» – деган эдилар.

Устознинг эзгуликлардан ёқиб кетган чароғи то ҳаёт эканмиз, биз шогирдлари қалбида порлаб туради.

2007 йил.



УЛУҒ ИНСОНЛАР ДАВРАСИДА

1973 йил эди. Мен узоқ муддатли Эрон сафаридан қайтдим. Энг аввал Ш.Шомуҳаммедовни зиёрат қилиш учун уйларига бордим. У пайтларда Эрон билан собиқ Иттифоқнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий алоқалари эндигина йўлга қўйилаётган эди. Шоислом Шомуҳамедов Эрон маданий ҳаётига оид, шоир ва ёзувчилари, форс тилида чиқаётган илмий, бадий асарлари ҳақида синчковлаб сўрадилар. Бу эса, домланинг йирик эроншунос олим эканлигидан далолат эди.

Ўша йиллари Шоислом ака ўз дўст ва яқинлари билан «гап» ўйнар эдилар. Бу даврада академик Матёқуб Қўшжонов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, таниқли танқидчи Озод Шарафутдинов, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Жуманиёз Жабборов оилалари билан ойида бир марта хонадонда йиғилишарди.

Мен ана шу ўзбек олим- ижодкорлари даврасида хизмат қилганлигимдан фахрланаман. Гап шундаки, ёзувчи Пиримқул Қодиров менинг тоғам бўладилар, шунинг учун «гап» навбати келганида, тоғам уйларида хизматда бўлардим ва бу улуғ зотларнинг суҳбатларини жон қулогим билан тинглардим.

Ш.Шомуҳамедов домла ана шу улфатларнинг жўрабошиси эдилар. Домланинг ўта босиқлиги, вазминлиги, у кишининг гаплари ва ҳаракатидан сезилиб турарди.

Улфатлар орасида энг «шўҳи, тили ботири» Озод Шарафутдинов эдилар. Давра ўзбек адабиёти масалаларига доир янги-янги гаплар айтишдан толмас эди.

Шундай улфатчиликлардан бирида, давра аҳли ўзаро ҳол-аҳвол сўрашиб, дастурхонга қўл узатар эканлар, гап орасида Шоислом ака:

– Озод, кўринмайсиз? – деб қолдилар. Озод ака юзга сапчидилар:

– Сиз проректор – амалдор бўлсангиз, биз оддий бир доцент. Ҳадеб кўринавериб нима қиламиз?! – дедилар, менимча, бу «анови»нинг таъсири эди-ёв.

Ўша пайтда Шоислом ака Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий Университет) нинг илмий ишлар бўйича проректорлигига энди тайинланган эдилар.

– Озод, менинг хатти-ҳаракатимда ёки ишимда бирон ўзгариш сездингизми?! Дўстлар мендан ранжиб қолмасин деб, уларга нисбатан икки баробор ортиқча мулозамат қиламан-а, – деди ҳазил аралаш Ш.Шомуҳамедов.

«Базм»да шеърхонлик бўларди, Эркин Воҳидов ўша пайтда шеърятнинг энг юқори чўққисида эдилар, ёзувчи ва олимлар албатта у кишидан шеър ўқиб беришларини илтимос қилардилар.

Э.Воҳидов албатта ҳеч ким айтмаган фикрлардан яралган янги шеърлар ўқиб берардилар, йиғин аҳли ўзда йўқ хурсанд бўлардилар.

Ш.Шомуҳамедов домла дўстларини жуда қадрлар, уларнинг ҳар бири бир олам эканлигини билар, бу қаламкашлар ижоди Ўзбекистон маданий ҳаёти тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қалбан ҳис этарди,

Кеннойилар эрларининг ижодий баҳс, «тортишув»ларига халақит бермас ва алоҳида хонага чиқиб, ҳаётнинг икир-чикирлари, рўзғор ташвишлари, бола-чақаларнинг ўқиши ҳақида ўзаро суҳбатлашиб ўтиришарди.

Шундай йиғинлардан бирида Кибриё Қаҳҳорова қатнашдилар. София келинойим (Пиримқул тоғамнинг турмуш ўртоқлари) Самарқандлик бўлганлари учун баъзан

Опани йиғинга таклиф этардилар. Кибриё опа – улуғ устоз Абдулла Қаҳҳорнинг турмуш ўртоқлари бўлгани сабабли, «гап» аҳли учун ҳам ҳурматлари улуғ эди.

Сўз Кибриё Қаҳҳоровага берилганда у киши бир тожикча шеър ўқиб, Шоислом таржима қиладилар, – деди.

Мен форс тилини яхши билсам-да, шеърда яширинган асл маънони илғай олмадим, аммо Шоислом ака бу шеърни файласуфона таржима қилдиларки, домла форстожик адабиётини ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган даражада чуқур билишини барча дилдан ҳис этдилар.

Ш.Шомуҳамедов ана шу улфатларнинг гавҳар шамчироғи эдилар.

Мен устоз сабоғини олганим, кейинчалик қўлларида ишлаганимдан ниҳоятда фахрланаман ва уларга таъзим қиламан. Шарқшуносликнинг бугунги тараққиёти бево-сита устоз Ш. Шомуҳамедов номи билан боғлиқдир.

Бир куни ўша «гап» тўғрисида Матёқуб акага эслатганимда хурсанд бўлиб:

– Гарчи бизни «тўғарак ташкил қилганлар» деб айб-лашган бўлсалар ҳам, ўша кунлар хўб ғанимат бўлган экан-да, – дедилар соғинч билан.

Бугунги кунда ўша улфатлардан Матёқуб Қўшчонов, Озод Шарафуддинов, Асқад Мухтор, Ш.Шомуҳамедовлар ўтиб кетдилар. Уларнинг руҳи поклари шод ва охи-ратлари обод бўлсин.

Қолган дўстлари эса омон бўлсинлар.



ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ –
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА

ИЧКИТОБ
(Мундарнжа)

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

Олимнинг суврати ва сийрати 3

Эркин ВОҲИДОВ.

Эзгуликка йўғрилган ҳаёт 13

Бахтиёр НАЗАРОВ.

Забардаст шарқшунос 17

Муҳаммад ФАТҲАЛИ.

Маданиятлараро тиллашув калити 23

Фаҳриддин УМАРОВ,

Ҳоҷ Аббар ҲАМИДОВ.

Илим, ижод фидойиси 26

Умарали НОРМАТОВ.

Олим, таржимон, мураббий 30

Нажмиддин КОМИЛОВ.

Илим, ижод пешвоси 38

Абдуғафур РАСУЛОВ.

Барҳаёт лаҳзалар 42

Дунё тартиботи шул 51

Нажмиддин НИЗОМИДДИНОВ,

Устоз – отангдай улуғ 54

Иброҳим ҒАФУРОВ.

Гуллар паришон, булбуллар ҳайрон 59

Саидбек ҲАСАНОВ.

Меҳри дарё устоз 61

Ҳамиджон ХОМИДИЙ.	
Эҳтиёж	68
Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ.	
Бағрикенглик	75
Аҳмаджон ҚУРОНБЕКОВ.	
Тақдирим ёруғ йўли	80
Омонулла МАДАЕВ.	
Гўзал инсон, меҳрибон мураббий	86
Саидакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ	
Хотирга муҳрланган ўғит	91
Минҳожиддин ҲАЙДАР	
Даҳоларни ўзбекча сўзлатган аллома	94
Саодат ШОМУҲАМЕДОВА.	
Их родина в сердцах	111
Алишер ШОМУҲАМЕДОВ.	
Отажоним Ҳаётлари	125
Замира ШОМУҲАМЕДОВА.	
Абадиятга дахлдор умр	129
Отабек ИМОМОВ	
Мои милая Абуля и Додожон	135
Шораҳим ШОАҲМЕДОВ.	
Аллома амакимиз	143
Гулхумор ТЎЙЧИЕВА,	
Устоз, олим, таржимон ва шоир	146
Олимжон ШОКИРОВ	
Дақиқ тийнат устоз	152
Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ.	
Улуғ Инсонлар даврасида	155

83.3(5ў)

Д28

Даҳоларни ўзбекчага сўзлатган аллома: Шоислом Шомуҳамедов – замондошлар хотирасида / Тузувчилар: М.Ҳайдар, А.Шомуҳамедов. Тошкент: «CHASHMA PRINT», 2009. –160 бет, + 16 бет суратлар

I. Ҳайдар М. (тузувчи)

II. Шомуҳамедов Ш., унинг ҳақида

ББК 83.3(5ў)

**Шоислом Шомуҳамедов–
замондошлар хотирасида**

**«ДАҲОЛАРНИ ЎЗБЕКЧА
СЎЗЛАТГАН АЛЛОМА»**



«Chashma Print» нашриёти
Тошкент – 2009


Муҳаррир	Гулҳаё
Рассом-дизайнер	Беҳзод Ҳайдар
Бадий муҳаррир	Ҳақёр
Имловий муҳаррир	Гулранг

Босишга рухсат берилди: 09.06.2009. Оқ ёзув қоғозига чоп этилди. Юмшоқ муқова: рангли, ипак қоғоз, 240,0.
Бичими 84x108 ¹⁶/₁. Ҳажми 11,0. Миқдори 1000 дона;
Буюртма № 9 Баҳоси келишилган нарҳда;

«Minhoj» ЖСН да чоп этишга тайёрланди.
«М» АБН – 146. Тел.: 220-87-82

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Фурқат кўчаси, 2-уй.

5/9 =



Пайгамбар дерлар: “юз ўғир золимдан”,
Орзуйинг топурсан доно олимдан.
Индамай юрсанг ҳам золим ёнида,
Халос бўлолмассан гуноҳ азимдан.

ISBN-978-9943-350-20-5

